

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК; 603.371.01

**АЛИБОЕВ Тургун Чиндалиевич**

**ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ЎҚУВЧИЛАРДА  
КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(“Технология” фани мисолида )**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган  
**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:** педагогика фанлари  
доктори, профессор **Ў.Қ.Толипов**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I БОБ. “ТЕХНОЛОГИЯ” ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА</b> .....	12
1.1-§. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш мазмуни.....	-
1.2-§. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш тамойиллари ва креативлик сифатларининг тавсифи.....	36
1.3-§. Ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантиришга оид хориж тажрибаси.....	57
Биринчи боб бўйича хулоса.....	68
<b>II БОБ. “ТЕХНОЛОГИЯ” ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ</b> .....	70
2.1-§. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг назария ва амалиётдаги аҳволи.....	-
2.2-§. Ўқувчиларда креативлик сифатларнинг ривожланганлик даражасини ташхисловчи методлар.....	85
2.3-§. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантирувчи методлар.....	95
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	114
<b>III БОБ. “ТЕХНОЛОГИЯ” ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ ДИНАМИКАСИ</b> .....	116
3.1-§. Тажриба-синов ишларининг мақсади ва вазифалари.....	-
3.2-§. Тажриба-синов ишларининг натижалари ва уларнинг таҳлили	128
Учинчи боб бўйича хулоса.....	139
<b>ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР</b> .....	140
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	142
<b>Иловалар</b> .....	157

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Глобал ахборотлашув ва инновацион таълим муҳити шахс интеллектини ривожлантириш инсон капиталидан самарали фойдаланишнинг асоси эканлигини тасдиқламоқда. Жаҳон таълими тажрибаси замонавий жамият таракқиётида муҳим ўрин тутаётган STEAM фанлари (аниқ фанлар (science), технология (technology), инжиниринг (engineering), дизайн (art), математика (mathematics)нинг имкониятларига таянган ҳолда креатив шахсни тарбиялаш, малакали мутахассисларни тайёрлаш жамиятни ижтимоий, иқтисодий, маданий жиҳатдан жадал ривожлантириш истибolini кафолатлашини тасдиқлади. “STEM – forward” (“STEM – келажакда”; Қуддус, 2014 йил) номли конференцияда ўқувчиларни ўзлаштириш даражаси мулоқот, кооператив (ўзаро ҳамкорлик), танқидий тафаккур, креативлик мезонлари билан баҳолаш мақсадга мувофиқлиги эътироф этиб ўтилган. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини ўқиш, математика, табиий-илмий ва компьютер саводхонлиги каби йўналишлар бўйича баҳолаш имконини берадиган PISA (Programme for International Student Assessment; Ўқувчиларнинг таълимий ютуқларини баҳолаш бўйича Халқаро дастур)нинг креативлик мезони билан бойитилаётганлиги инновацион таълим муҳитида ушбу сифатга эга бўлишнинг тобора долзарб аҳамият касб этаётганлигини кўрсатади.

Ҳозирги кунда дунё педагогик таълим соҳасини такомиллаштиришга доир устувор йўналишлар белгилаб берган бўлиб, жумладан ижодкор ёшларни тайёрлашнинг мазмун ва илмий-методк базасини ривожлантириш, ўқув-тарбиявий жараён муаммоларининг ностандарт педагогик ечимларини топиш, ўқув материалларини ўзлаштиришга бўлган мотивация асосида таълим сифатини ошириш бўйича қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Демак, креатив тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш учун катта имкониятга эга бўлган технологик таълим жараёнига ўқувчиларни креатив ёндашув асосида тайёрлаш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Республикамизда амалга оширилаётган илмий педагогик ва методик тадқиқотлар доирасида ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантириш орқали технологик таълим самарасини ошириш имкониятлари яратилган бўлиб, бу борада креатив ёндашув ва инновацион тафаккурни шакллантириш муҳим мезон вазифасини бажаради. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>1</sup> бўйича устувор вазифалар белгиланган. Бу эса инновацион таълим муҳитида ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сонли “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Халқ таълими тизимини 2030 йилга қадар ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2018 йил 25 январдаг ПФ-5313-сонли “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги 287-сонли “Ўзбекистон Республикаси касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлар тўплами.-Т.,2017.-Б.37.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ш.Шарипов [74], Г.Н.Ибрагимова [42], М.Усмонбоева [47, 51], З.Т.Раджапова [69], З.Т.Рахимов [70], Ф.Т.Эҳсонова [82], А.Мадалиев [87] кабиларнинг тадқиқотларида ўқувчи ва талабаларда креативлик сифатларини ривожлантириш, мактабдан ташқари, умумий ўрта, шу жумладан, бошланғич таълим, олий таълим тизимида ўқувчи ҳамда талабаларда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари, ушбу жараёнда маҳаллий ҳамда хорижий давлатларнинг ўқитиш тажрибаларидан фойдаланиш, шахснинг креативлик сифатларга эгаллик даражасини ташхислаш ва баҳолаш муаммолари ўрганилган.

МДХ давлатларида Т.Ф. Башина [14], Д.Б.Богоявленский [15; 16], О.В.Буцик [19], Т.И.Виноградова (Грицай) [20-24; 35-38], А.Г.Герцов [33-34], В.М.Голубова [32], В.Н.Дружинин [95], Т.А.Красило [48], И.А.Малахова [55-56], Т.С.Мамонтова [57], Е.Л.Содатова [73], И.А.Сусоколова [16], Е.Туник [77; 78] каби илмий изланувчилар томонидан турли ёшдаги шахсларда креативликни ривожлантириш, унинг ўзига хос жиҳатлари, “Технология” таълими мазмуни, “Технология” таълимининг ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантиришдаги дидактик имкониятларини ёритувчи тадқиқотлар олиб борилган.

Сильвано Ариети (Silvano Arieti) [154], Жой Пол Гилфорд (Joy Paul Guilford) [30, 100, 135-139], Елена Григоренко (Elena Grigorenko) [153], Патти Дрепаеу (Patti Drapeau) [149], Симпсон Рэй Мэжини (Simpson Ray Magini) [155], Эллис Пол Торренс (Ellis Pol Torrance) [159-160], Роберт Ж. Штернберг (Robert J. Sternberg) [153] каби хорижлик тадқиқотчилар томонидан

“креативлик” тушунчасининг моҳияти, креативлик сифатлари, шахсда креативлик сифатларини шакллантириш (ривожлантириш), мазкур жараённинг босқичлари ва методлари, шахсда креативлик сифатларининг шаклланганлик ҳамда ривожланганлик даражасини ташхислаш масалалари тадқиқ қилиниб, шахс креативлиги моделлари ишлаб чиқилган.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги:** Тадқиқот иши Жиззах давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларнинг касбий қобилиятини шакллантириш” (2017-2021 йй.) режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** муаммоли ва ривожлантирувчи таълим технологияларини такомиллаштириш асосида “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

“технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш герменевтик, визуал-образли тамойиллар ва рефлексив баҳолаш мазмуни когнитив, методик, эмпирик, баҳоловчи ғоялар асосида очиб бериш;

фаолиятли, муаммоли, интерфаол, полилогик, технологик ёндашувлар, муаммоли, лойиҳа, интерфаол, инновацион технологиялар ёрдамида “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш механизмининг такомиллаштириш;

ҳиссий-психологик, ижодий ёндашув, танқидий ёндашувларга кўра ривожлантирувчи технологиялар воситасида “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш жараёнини методик қўллаб-қувватлаш орқали такомиллаштириш;

компетентли, рефлексив ёндашувларга кўра “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларининг ривожланганлик даражасини баҳоловчи мезонларни такомиллаштириш;

**Тадқиқотнинг объекти:** “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети:** “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг когнитив, эмпирик ва рефлексив-баҳоловчи асосларини тадбиқ этиш ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари:** Тадқиқот ишида педагогик, психологик, методик адабиётларни ўрганиш; ижтимоий методлар (анкета, суҳбат, интервью); ассесмент; педагогик кузатиш; моделлаштириш; педагогик тажриба; математик статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

“технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш герменевтик, визуал-образли тамойиллар ва рефлексив баҳолаш мазмуни когнитив, методик, эмпирик, баҳоловчи ғоялар асосида бойитилган;

фаолиятли, муаммоли, интерфаол, полилогик, технологик ёндашувлар, муаммоли, лойиҳа, интерфаол, инновацион технологияларга таянган ҳолда “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш механизми босқичлар (мослашиш (адаптив), ривожлантирувчи, амалий-фаолиятли, рефлексив-баҳолаш)ни белгилаш, методик кўрсатма ва ишланмаларни тайёрлаш асосида такомиллаштирилди;

ҳиссий-психологик, ижодий ёндашув, танқидий ёндашувларга кўра ривожлантирувчи технологиялар воситасида “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш жараёнини методик қўллаб-қувватловчи (“Синергетика лабораторияси”) методни асослаш орқали) орқали такомиллаштирилди;

интегратив, рефлексив ёндашувларга кўра “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларининг ривожланганлигини баҳоловчи мезонлар (креатив сифатларга, ўзига хос креатив ғояларни асослаш малакасига, креатив маҳсулотни яратиш қобилиятига эгалик)ни англаш,

амалий-фаолиятли (бажариш), рефлексив-баҳолаш даражалари бўйича такомиллаштириш;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

герменевтик ва визуал-образли тамойиллари асосида “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг назарий-методологик асоси, фаолиятли, муаммоли, интерфаол, полилогик, технологик ёндашувлар, муаммоли, лойиҳа, интерфаол, инновацион технологиялар ёрдамида эса “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш механизми такомиллаштирилган;

хорижий тажриба, шунингдек, индивидуал ва дифференциал ёндашув асосида ишлаб чиқилган “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга оид интерфаол методлар ўқитиш сифатини яхшилаш, самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

компетентли, рефлексив ёндашувларга кўра “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларининг ривожланганлиги баҳоловчи мезонлар (креатив сифатларга, ўзига хос креатив ғояларни асослаш малакасига, креатив маҳсулотни яратиш қобилиятига эгалик)га кўра англаш, амалий-фаолиятли (бажариш), рефлексив-баҳолаш каби даражаларда намоён бўлиши асосланган;

стратегик ёндашувга мувофиқ “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга доир амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги:** “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга тажриба-синов ишининг дастур асосида ташкил этилганлиги, диссертант томонидан “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга доир методик кўрсатма, ишланмаларнинг тайёрланганлиги, тажриба майдонлари бўлган умумий ўрта таълим мактабларида “Технология” фанини ўқитишда ушбу методик кўрсатма, ишланмалардан мақсадли, самарали фойдаланилганлик, тажриба-синов ишлари натижаларининг



математик-статистик таҳлил этилганлиги, тадқиқот ғояларининг амалиётга жорий килингани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамиятини “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятнинг етакчи когнитив, эмпирик, рефлексив асосларининг такомиллаштирилганлиги, “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш методикасининг бир нечта интерфаол методлар билан бойитилганлиги, “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш истиқболли таъминловчи илмий-методик тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш моделининг ишлаб чиқилганлиги, “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш жараёнининг методик кўрсатмалар, инновацион характердаги ишланмалар билан бойитилганлиги, ўқитиш жараёнида эришилган натижалар умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини самарали ривожлантиришга хизмат қилиши билан изоҳланади. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга доир назарий ва методик таъминотдан “Технология” дарсларининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув ва методик қўлланмалар)ни яратишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Инновацион таълим муҳитида ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

“технология” фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг креатив сифатларини ривожлантиришнинг таркибий тузилмаси ташхис, когнитив,

амалий, рефлексив-баҳолаш, мотивацион, фаолиятга асосланган ва акс эттирувчи каби янги муаммоларни аниқлаш, муаммоларнинг ўзига хос ечимларини топиш ва амалда қўллаш қобилиятида намоён бўладиган шахснинг креатив ва интеграл динамик хусусияти билан алақадорлигига оид хулосаларидан ИТД-1-1 “Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчи шахси ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик асослари” мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган. Натижада талабаларни ижодий коммуникацион мулоқотга кириша олиш, қадриятли муносабатда бўлиш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилган.

“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 декабридаги 371-сон қарори билан тасдиқланган “Таълим бўйича глобал ҳамкорлик гранти” – беғараз техник кўмагидан фойдаланган ҳолда “Мактабгача ва умумий ўрта таълимни такомиллаштириш” лойиҳасида фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 7 июлдаги 01-02/-3-212/б-сон маълумотномаси). Натижада “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларининг ривожланганлик даражасини ташхис этиш ва мониторингини амалга ошириш механизмлари такомиллаштирилган.

“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш механизми такомиллаштирилганлиги, хорижий тажриба, шунингдек, индивидуал ва дифференциал ёндашувлар, баҳоловчи мезонларга кўра англаш, амалий-фаолиятли, рефлексив-баҳолашга доир амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан асосланади (Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2020 йил 18 августдаги 89-03-2850-сон маълумотномаси). Натижада “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг назарий методологик асоси, герменевтик ва визуал-образли тамойиллар асосида муаммоли, лойиҳа, интерфаол, инновацион технологиялар асосида такомиллаштиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий-услубий иш, жумладан, Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 156 саҳифани ташкил этади.

# **I БОБ. “ТЕХНОЛОГИЯ” ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА**

## **1.1-§. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш мазмуни**

Инсоният тарихида ижодкор шахсни тарбиялаш масаласи жуда кўплаб аллома ва педагогларнинг диққат марказида бўлган. Хусусан, “Агар Спарта дунёга ижтимоий ва ҳарбий-жисмоний тарбия намунасини намоиш қилган бўлса, Афина эса – шахснинг ҳар томонлама ва гармоник ривожланиши тизимини тақдим этди. Айнан шу ерда полис (ижтимоий) ҳаёт тарзининг элементи бўлган эркин, ижодкор шахс тарбияси ғоялари илгари сурилган эди” [71, 249]. Англанидек, қадимги Юнонистонда ижодкор шахс, унга хос сифатлар таърифланганда эркин ҳаракат, фаолиятни ташкил этишдаги эркинликка алоҳида эътибор қаратилган. Кишилиқ тарихи тараққиётининг кейинги даврларида олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари ҳам гарчи муаллифларнинг бу борадаги ёндашувлари турлича бўлса-да, уларнинг умумлашмаси ижодкор шахснинг фаолиятида айнан эркинлик устувор ўрин тутишини тасдиқлайди. Зеро, “кўп сонли тадқиқотчилар ихтиёрий қабул олинган ижодкор шахс мисолида унинг ижодкорлик қобилиятининг асосини ташкил қиладиган асосий сифатини таърифлашга уринганлар. Гарчи қарашлар турлича бўлса-да, уларнинг барчасида бир-бирига яқин қуйидаги фикр айтилади: ижодкор шахс – эркин шахс, эркин шахс эса фақат ўзидек бўла оладиган, ўз “мени”ни тинглай оладиган шахсдир” [96].

Шу сабабли иқтисодий жиҳатдан гегемон саналувчи давлатларда янги ғояларни яратиш ҳисобига кўл кучи ёки техника воситасида амалга ошириладиган инсон меҳнатини янада оптималлаштиришга асосий эътибор қаратилди. “Креативлик” дея баҳоланувчи оригинал фикрлаш жараёнини акс эттирадиган субъектив ҳодиса бугунги кунда жамият ҳаётининг барча соҳаларида ривожланишни белгиловчи “таянч нуқта”га айланди. Бу эса ўз навбатида креатив фикрловчи шахсни тарбиялаш масаласининг долзарблик

касб этишига олиб келди.

“Креативлик” (ингл. “create” – яратиш, “creative”) тушунчаси эса луғавий жиҳатдан “яратувчанлик”, “ижодкорлик” [148] маъноларини англатиб, мутахассис томонидан касбий фаолиятни ташкил этиш жараёнида унинг муваффақиятини таъминлаш йўлида ташқи ва ички омиллар таъсирисиз ҳам кутилмаган фикрларни илгари суриш, муаммоли вазиятларда ҳам ўзига хос оригинал ечимларни топиш, такрорланмас маҳсулотларни яратиш қобилиятига эгаликни ифодалайди. Яъни, креатив маҳсулотни ярата олиши учун мутахассисга ташқи (объект, предмет, буюм, ходиса) ёки ички (хиссий кечинма: завқланиш, қувониш, қайғуриш, ғамга ботиш ва) омилларнинг таъсир кўрсатиши шарт эмас ва у бундай натижага юқори даражада компетентлик сифатларига эгалиги туфайлигина муваффақ бўла олади. Бошқача айтганда, креативлик ижодкорлик негизида ривожланиб, унинг юқори даражаси саналади. Агарда ижод маҳсулотлари ижтимоий субъектларга хиссий, эстетик таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлса, креатив маҳсулотлар ўзида икки жиҳатни намоён қилади: биринчидан, шахсга хиссий, эстетик таъсир кўрсатади, иккинчидан, амалий қийматга эга бўлиб, ундан турли эҳтиёжларни қондириш (масалан, озуқа сифатида истеъмол қилиш, маиший буюм сифатида фойдаланиш ва ҳ.к.) учун хизмат қилади.

1922 йилда Рай М.Симпсон томонидан чоп этилган “Creative Imagination” (“Креатив тасаввур”) номли асарда “креативлик” тушунчаси илк марта қўлланилган бўлиб, у юқори даражадаги фикрий жараён сифатида ифодаланган [155].

Мавжуд қолип (андоза) ёки барча қабул қилган жараёнларни инкор қилган ҳолда нимадир янги нарсани яратиш малакаси креативлик деб номланади. Айнан креативликнинг ёрдами билан янги ғоялар, ҳаракат жараёнлари, предметлар ва бошқа кўплаб нарсалар яратилади [147].

Горвард Гарднер (Gorvard Gardner) эса ўз тадқиқотларида тушунчани шундай изоҳлайди: “креативлик – шахс томонидан амалга ошириладиган

амалий ҳаракат бўлиб, у ўзида муайян янгиликни акс эттириши ва маълум амалий қийматга эга бўлиши лозим”. Тереза М. Амабиле (Teresa M. Amabile; 1989 й.) эса ушбу тушунчани “муайян соҳа бўйича ўзлаштирилган пухта билимлар билан бирга юқори даражада ноодатий кўникмаларга ҳам эга бўлиш” [51, 6], Олима М.Ҳ.Усмонбоева эса тушунчанинг луғавий маъноси (инг. “create” – яратиш, “creative” – яратувчи, ижодкор)дан келиб чиққан ҳолда “индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти” [51, 67] тарзида изоҳлайди.

Тадқиқотчи И.А.Малахова “креативлик” тушунчасини (ингл. “creatio” – бунёд этиш, яратиш) “фикрий жараённинг сифатини характерловчи тавсифлар жамланмаси бўлиб, дивергентлик; конвергентлик; тезкорлик; эгилувчанлик; ўзига хослик; кенг кўламда туркумлаштира олиш; муаммога нисбатан сезгирлик; ғояларни мавҳумлаштириш, синтезлаш, қайта гуруҳлаштириш; кенг тасаввур; бой хаёлот ва шахсий сифатлар (динамизм, ижодий изланишга йўналганлик, ижодий фаоллик, ўз-ўзини ижодий ҳис қилиш, мустақиллик)ни акс эттиради” [55, 30], деб ҳисоблайди.

Олимлардан Т.И.Грицай, П.И.Чернецовларнинг талқинида креативлик тафаккурнинг анъанавий қолипидан четланган ҳолда ғайриоддий ғояларнинг туғилиши, муаммоли вазиятларнинг тезкор ечимини топишни ифодаловчи ижодкорлик қобилияти [93], шахснинг атроф-муҳитдаги доимий (объектив ҳамда субъектив) ўзгаришларни янги, янада оптимал ва носатандарт қарорлар қабул қилиш, ҳаракат усуллари танлаш ва ҳиссий таъсирланиш асосида ишлаб чиққан ва мужассам акс эттирган қобилияти бўлиб, мазкур қобилиятнинг таркибий тузилмаси ўзида ўзаро боғлиқ ҳиссий-иродавий, мотивацион-қадриятли ва тезкор-когнитив компонентлар тизимини ўзида акс эттиради [37, 138].

Э.П.Торренснинг ёндашувига кўра, креативлик – умумий интеллект, шахснинг индивидуал тавсифи ва унумли фикрлашининг мавжуд ҳолати негизида шаклланувчи қобилият. Креативлик билимлар етарли бўлмай унга

янги таркибий тузилма ҳамда алоқаларга эга ахборотларни кўшиш, етишмаётган маълумотлар билан тўлдириш, янги ечимларни излаш, уларни таҳлил қилиш ҳамда натижалар эълон қилиш жараёнида яққол акс этади [132; 133].

Юқоридаги таърифлардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизга кўра, **креативлик амалий қийматга эга кўплаб ғояларни яратиш қобилияти бўлиб, у вақтни, кучни тежашга имкон беради, фойдаланишга хар жихатдан қулай бўлган маҳсулотнинг яратилишини таъминлайди.** Креативлик, шунингдек, “сифатига эга бўлиш келажакда шахсга касбий компетентлик, психологик ва жисмоний фаоллик, интеллектуал билиш қобилияти, ҳамкорлик қилиш ва мулоқотчан бўлишга ёрдам беради” [58, 37].

Ҳар қандай ғоя онг ва тафаккурнинг маҳсули саналади. Тафаккур бир қанча турга ажратилади. Хусусан: 1) мазмунига кўра: назарий; амалий (эмпирик), мантиқий (таҳлилий) ва интуитив (сезгига асосланган) тафаккур; 2) воситасига кўра: сўзли-мантиқли; кўрғазмали-образли ҳамда кўрғазмали-ҳаракатли; 3) кўра: самарадор (продуктив) ва маҳсулдор (репродуктив; қайта ишлаб чиқилган) тафаккур; 4) содир бўлишига кўра: ихтиёрий ва ихтиёрсиз тафаккур; 5) реал (оғзаки ва ёзма нутққа, шунингдек, ҳаракатга асосланган) ҳамда аутистик (ички кечинмага асосланган) тафаккур [79].

Креатив ғояларни илгари сура олиши учун шахсда креатив тафаккур ривожланган бўлиши зарур. Бу турдаги тафаккур тафаккурнинг бошқа шаклларида “инновацион, самарали қарорларга ёки янги билимларга эга бўлиш ёки тасаввурни яққол ифодалашга йўналтирилган жараёнда ғояларни ишлаб чиқиш, баҳолаш ва такомиллаштириш жараёнида муваффақиятли иштирок этиш” [132] қобилиятини намоён этиши билан фарқ қилади.

Шахсда креатив тафаккур ўз-ўзидан ривожланмайди. “Ҳар қандай муаммога тезкорлик билан муносабатда бўлиш ва мураккаб вазиятдан чиқишнинг ностандарт йшлларини топиш креатив тафаккурни ривожлантиришга ёрдам беради” [130]. Шундай экан, таълим жараёнида ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг рағбатлантирилиши, руҳлантирилиши,

янги-янги ғояларни илгари суришга ундай олиши уларда креативлик сифатларининг изчил ривожланишини таъминлайди. Бунда ўқитувчининг ўқувчиларга тез-тез ўз ютуқлари (у ҳатто энг оддий бўлса ҳам) тўғрисида эслаб туришни тавсия қилиши зарур. Зеро, “ижобий кайфият миянинг фаоллашувини таъминлайди, ички хотиржамлик ва уйғунликка эришишини таъминлайди” [130].

Маълумки, шахсда у ёки бу сифатларини шакллантириш ёки ривожлантириш ўз-ўзидан бўшлиқда амалга ошмайди. Бунинг учун маълум шарт-шароитнинг мавжуд бўлиши талаб этилади. Хусусан, ўқувчиларнинг креативлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи шарт-шароитлар кўйидагилардан иборатдир: мавжуд креативлик “учқунлари” (ўз-ўзини ижодий намоён қила олиши, бой ҳаёлотга эгаллиги; индивидуаллиги, ички эҳтиёжга эгаллиги, қизиқишнинг мавжудлиги, ўз олдига мақсад қўя олиши, маълумот (ахборот)ларни қайта ишлаш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, янги ғояларни илгари суриш, бир нечта муқобил вариантлар орасидан энг самарали ғояни ажрата олиш, оқилона қарор қабул қилиш каби лаёқатига эгаллиги); ўқувчиларнинг тасаввур қила олиш қобилиятига эгаллиги; ўқитувчининг ўқувчиларни креатив фикрлашга рағбатлантира олиш маҳорати; креатив фаолият жараёнида кўрғазмали-образли тафаккур юритишга ҳамда топшириқни бажаришга туртки берувчи асос.

Е.Л.Солдатова [73] креативликнинг шахс таркибий тузилмаси (структураси)даги ўрни ва аҳамияти хусусида тўхталиб ўтар экан, ўсмирлик ёшини креативликнинг ривожланиши учун энг таъсирчан давр дея эътироф этади. Зеро, ўсмирлик даврининг бирорта ҳам йили креативликни ривожлантиришга қаратилган махсус машғулотлар (фаолият)сиз кечмайди. Муаллифнинг эътиборини тортган яна бир жиҳат – бу креативликнинг турли шахсий сифатлар билан ўзаро алоқадорлиги бир хил эмас. Ўсмирларнинг креативлик даражаси кўпроқ шахслараро ҳамкорлик ва ўзаро тенглик, ролли вазифаларнинг бажарилиши, ўзига нисбатан ишонч ва мулоқот каби кўринишларда намоён бўлади [73, 18-19].



Бу ўринда айтиб ўтиш керак, кўпчилик ижодий тафаккур ва креатив тафаккур (бошқача айтганда ижодкорлик ва креативлик) айнан бир ҳолатни ифодалайди, дея эътироф этади. Аслида ҳар икки тушунча – ижодий ва креатив тафаккур (ижодкорлик ва креативлик) икки хил ҳолатни ифодалайди.

Агар ижодий тафаккур ижодий маҳсулотни яратишга хизмат қилса, креатив тафаккур янги, оригинал ғояларни илгари суриш, улар асосида муаммо, масаланинг ечимини топишга ёрдам беради. Аммо ҳар иккиси – ижодий ва креатив тафаккур натижаси (маҳсулоти)ни ҳам бир хил мезон билан аниқлаш, баҳолаш мумкин.

Шахсда креативлик сифатларини ривожланиш йўллари таҳлил қилар экан, Патти Дрепеау улар қуйидагилар эканлигини кўрсатиб ўтади:

- 1-йўл. Креатив фикрлаш кўникмасини шакллантириш.
- 2-йўл. Амалий креатив ҳаракат кўникмаларини ривожлантириш.
- 3-йўл. Креатив фаолият жараёнларни ташкил этиш.
- 4-йўл. Креатив маҳсулот (ишланма)лардан фойдаланиш [85, 9].

Шахсда креативликни ривожлантиришда самарали бўлган омиллар қаторида яна қуйидагиларни эътироф этиш мумкин: кенг қўламдаги, шу жумладан, катта ёшли ижодкорлар билан мулоқот; тақлид қилишга имкон берувчи образ сифатида катта ёшлилар муҳитининг мавжудлиги; ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг демократик услубга асосланганлиги; болага ўз фикрини билдириш имкониятини бериш; катта ёшлиларнинг фаол, амалий позицияси; болани жуда ёшлигиданоқ меҳнат қилишга ўргатиш; турли тўғарақларга аъзо бўлишини таъминлаш орқали болада ижодкорлик сифатларини изчил ривожлантириб бориш; болага шахсий тажриба, саёҳат орқали борлиқни англаш қувончини ҳис қилишига имкон бериш; боланинг тадқиқотчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш [40, 136].

Маълумки, шахсга хос ҳар бир сифат муайян белгилар асосидат намоён бўлади. Педагогика ва психология йўналишларида тадқиқотчилар томонидан шахс креативлигини белгиловчи сифатларни аниқлаш, тизимлаштиришга

эътибор қаратилган. Хусусан, О.В.Буторина [18] турли муаллифлар томонидан илгари сурилган фикрларга таянган ҳолда креативлик негизида акс этувчи белгиларни қуйидагича тизимлаштирган: ижодий лаёқатга эгалик; интеллектуал ижодкорлик; оригиналлик, ўзига хослик; бевосита боғланмаган ассоциация; яхлит тизим таркибий тузилмасининг қайта ўзгартирилиши; ахборотнинг одатий бўлмаган ҳолда (махфийлаштирилиши) кодлаштирилиши; дивергент тафаккур (тафаккурнинг кўчиши); ички зиддиятлар натижаси (ёки ички зиддиятнинг йўқлиги); мавжуд билимлар доирасидан чиқиш; муаммоли вазиятни тезкор ҳал қилишга имкон берувчи ноанъанавий фикрлаш ва бошқалар [18, 277].

Патти Драпеау [85, 21] нуқтаи назарига кўра креатив фикрлаш, энг аввало, муайян масала юзасидан ҳар томонлама фикрлаш саналади.

**Бизнинг фикримизга кўра, шахсда креативлик сифатларини ривожлантиришда уни фикрлашга, маълумотларни умумлаштиришга, таҳлил этишга, турли мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилишга ёшлиқдан одатлантириб бориш мақсадга мувофиқдир.**

Креативлик фикрий эркинликни тақозо этади. Бунинг учун шахс фикрлаш жараёнида таҳлилга эътибор қаратмаган ҳолда дастлабки талқинни баён эта олиши зарур. Таълим жараёнида интерфаол характердаги “Ақлий хужум” методини қўллашда ҳам айнан мана шу мақсад кўзланади. Белгиланган талабга кўра, таълим олувчилар асос қилиб олинган жараён, объект, предмет ёки ҳодисанинг моҳиятини денотация (бевосита тааллуқли) тушунчалари билан эмас, балки коннотация (кўчма маъноларини ифодаловчи) атамалари (масалан, тулки баҳо берилганда “айёр”, қуён намоён бўлганда “қўрқоқ”, бўри ҳақида сўз борганда “очкўз”, оққуш ёритилганда “садоқат” каби тушунчалар қўлланилади).

Хориж тажрибасининг тасдиқлашича, креативлик турли ёш даврида намоён бўлади. Мазкур сифат, айниқса, 6-7 ёшли болаларда кучли намоён бўлади. Бунинг асосий сабаби – улар фикрлашда ички қаршиликка дуч келмайди. Яъни, бирор-бир объект, предмет, ҳодисани кўрганда ҳеч бир

иккиланмай, фикрий жараёнда қандай фикр, тафаввур (ассоциация) ҳосил бўлган бўлса, ана шуни билдира олади. 6-7 ёшли болалар ўз фикрларининг қанчалик тўғри, нотўғри эканлигини таҳлил этмаган ҳолда баён қилади. Шу сабабли бирор бир ҳодиса 20 нафар шу ёшдаги болалар иштирокида содир бўлган бўлса, улар ҳодисанинг тавсифини 20 хил талқин этади. Масалан, осмондаги булут бошланғич синф ўқувчилари томонидан образли тушунчалар, коннотация (тегишли тушунчани эмас, унинг бирор бир сифати ёки белгисини ифодаловчи атама)лар (масалан, “кема”, “чопаётган от”, “балиқ”, “тўнкариб қўйилган кепка”, “шамолда учаётган барг” ва ҳоказолар) ёрдамида ифодаланади. Бир сўз билан айтганда рўй берган ҳодисанинг талқини камида йигирмага яқин тушунча билан ифодаланади.

Л.М.Петрова ўз тадқиқотларида бошланғич синф ўқувчиларининг креатив фикрлаш жараёнини таҳлил этар экан, унинг фикрига кўра, 9-10 ёшли болаларнинг новербал креативлигида образли тимсоллар асосий ўринни эгаллашига эътиборни қаратади [65, 15].

Ёш улғайиб борган сайин шахсда агарда у ривожлантириб борилмаса, креативлик сифати “сўниб боради”. Чунки у томондан ўзлаштирилаётган назарий билимлар унда объект, предмет, ҳодисага баҳо беришда унинг асл моҳиятини тушуниш, таҳлил қилиш, идрок этиш қобилиятини ривожлантиради. Бунинг натижасида объект, предмет, ҳодиса (масалан, булут) бирор-бир синф ўқувчилари томонидан кузатилса, деярли барча баҳолашга денотацион (бевосита тааллуқли аниқ тушунчани баён этиш орқали) ёндашади (яъни, “булут – ердан кўтарилаётган сув буғларининг атмосфера юқори қатлаמידан тушаётган совуқ ҳаво қатламидаги муз кристаллари билан тўқнашуви натижасида ғуж бўлиши (тўпланиши)ни баён этишга ҳаракат қилади).

Ўсмир ҳамда ўспиринларнинг билим даражаси, ҳаётий тажрибасини инобатга олган ҳолда уларни креатив фикрлашга одатлантириб бориш мақсадга мувофиқдир. “Креативликни ривожлантириш учун алоҳида психологик тайёргарлик тақозо этилади. Борди-ю, шахс ўзини омадли

ҳисобласа, мазкур ишонч уни янги ғояларни ишлаб чиқарувчи генераторга айлантиради. Қўрқув, иккиланиш ва онг остидаги негатив кўрсатма ижодий ғояларни инкор этишга хизмат қилади” [130]. Шунга кўра, гарчи ўсмир ва ўспиринлар ўзларининг билим даражаси ва ҳаётий тажрибаларига кўра баҳолаш объектига муносабат билдиришда реалликка, денотацияга таяниб иш кўришса-да, изчил равишда бир масаланинг ечимини топишга ҳар томонлама ёндашиш, турли ечим вариантларини топишга ундаш, ечим юзасидан билдираётган фикрини асослашга даъват этиш, масаланинг ечими бўйича камида бешта мантиқий фикр айта олиш масаласини ҳосил қилиб бориш уларда креативлик сифатларини самарали ривожлантиришга ёрдам беради.

Ўқув фанлари ўқувчиларда креативликни ривожлантиришда ўзига хос ўрин тутаяди. Зеро, ижтимоий, гуманитар, табиий ёки амалий характерга эга бўлишидан қатъий назар ўқув фанлари бўйича ташкил этиладиган машғулотларда ўқувчиларга бериладиган топшириқлар уларни фикрлашга, ўйлашга, мантиқий тафаккур юритиш, ўрганилаётган мавзу бўйича оригинал фикрларни илгари суришга ундайди.

Тадқиқотни олиб боришда Т.Ф. Башина [14], Д.Б.Богоявленский [15; 16], О.В.Буцик [19], Т.И.Виноградова (Грицай) [20-24; 35-38], А.Г.Герцов [33-34], Дж.П.Гильфорд [30], В.М.Голубова [32], В.Н.Дружинин [95], Т.А.Красило [48], И.А.Малахова [55-56], Т.С.Мамонтова [57], Е.Л.Содатова [73], И.А.Сусоколова [16], Е.Туник [77; 78], М.Ҳ.Усмонбоева [52], П.Дрепеау (Patti Drapreau) [85], Эллис Пол Торренс [132-133] каби тадқиқотчиларнинг нуқтаи назарларига таянган ҳолда креативлик сифатларига эга, яъни, креатив томонидан ташкил этиладиган ҳаракатлар тизимини ҳам ўрганишга эътибор қаратилди. Ўрганиш натижасига кўра креатив шахс томонидан қуйидаги ҳаракатлар тизимини ташкил этилади, деган хулосага келинди: янгиликни ҳис қила олиш, креативлик сифатларини намоён қилишга интилиш, ижодий муҳитни ҳис қилиш, объектнинг таркибий тузилмасини қайта шакллантириш, ўз-ўзини ижобий баҳолаш, ўз кучи,

имкониятларига ишониш, гўзалликни севиш туйғусига эгалик, бир муаммодан бошқасига ассоциатив кўчиш, алоҳида элемент (ғоя)лар ўртасидаги ўхшашликларни топишга интилиш, бир ғояни билвосита ўзгача талқинда ифодалаш, ўзининг ва ўзгаларининг хаёлий, янги ва ғайриоддий ғояларини қабул қилиш, ноаниқ, мураккаб вазиятларга нисбатан юқори даражада ижобий муносабатда бўлиш, ноаниқ, мураккаб вазиятларда конструктив фаоллик кўрсатиш.

Маълумки, ҳар қандай маҳсулот сифати ва амалий қиймати муайян мезонлар асосида баҳоланади. Тадқиқот жараёнида креатив маҳсулотнинг сифати ва амалий қиймати қандай мезонларга кўра баҳоланади, деган саволга ҳам жавоб топилди. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган тадқиқотнинг етакчи назарий ғоялари, педагогик кузатиш натижалари, қолаверса, креатив маҳсулотнинг умумий тавсифи унинг сифати ва амалий қийматини қуйидаги мезонларга мувофиқ баҳолаш мақсадга мувофиқлигини тасдиқлади:

1. Мукамаллик (креатив ғоянинг ҳар томонлама пухта асосланганлиги; креатив маҳсулотнинг шакл, ранг, фазовий ва композицион жиҳатларининг ўзаро мутаносиблиги).

2. Мазмун ва шакл уйғунлиги (креатив ғоянинг пухта назарий асосга эгалиги, мантиқий яқунланганлиги; назарий ғоянинг креатив маҳсулот шаклий тузилмасида ўз ифодасини топганлиги).

3. Ўзига хослик (бошқалар томонидан билдирилмаган креатив ғоянинг илгари сурилганлиги; бошқалар “қўл урмаган” мавзу, ғоя бўйича креатив маҳсулотнинг яратилганлиги).

4. Тугалланганлик (яқунига етганлик; креатив ғоя мазмунида бошланғич, яқуний фикрий ҳаракат (операция)ларнинг тугал ифодаланганлиги; креатив маҳсулотда барча деталларнинг тўлиқ яқунига етказилганлиги).

5. Ҳиссий-эстетик таъсирга эгалик (креатив ғоя ва маҳсулотнинг ҳиссий ифодаланганлиги ва атрофдагиларга эстетик таъсир эта олиши).

6. Мавжуд ҳиссий-эстетик эҳтиёжни қондира олиш (креатив ғоя ва маҳсулотнинг ижтимоий субъектларда ҳиссий кечинмаларни уйғота олиши ва эстетик эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиши).

7. Амалий қийматга эғалик (креатив ғоя, маҳсулотнинг шахслараро ижтимоий, иқтисодий, маданий муносабатларни ташкил этишга хизмат қилиши).

Ўқувчиларда креативликни шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, бу жараённи босқисма-босқич амалга ошириш талаб қилинади. Тадқиқот муаммоси доирасида амалга оширилган илмий изланишлар – Уоллас Грэм, Бетти Б.Россман, Алекс Осборн, Дуайт Х.Перкинс, Дон Коберг, Джеймс Ф. Бандровский, Скотт Г.Исаксен, Роберт Фриц, Сидни Ж.Парнс [20; 30; 90, 132-133]нинг илмий ишлари, улар томонидан асосланган креатив тафаккур моделлари билан танишиш орқали ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантириш куйидаги босқичлар асосида кечади, деган хулосага келинди (1.2.1-шакл):



1.2.1-шакл. Ўқувчиларда креативлик сифатларни ривожлантиришнинг асосий босқичлари

**I. Мослашиш (адаптив) босқичи:** махсус машқлар ёрдамида ўқувчиларда креатив фикрлаш лаёқатини шакллантириш. Ушбу босқичда топишириқларнинг бажарилиши умумий характер касб этиб, ўқувчилардан турли соҳалари бўйича оригинал фикрларни илгари суриш талаб қилинади. Мослашиш босқичида “Тасодикий ассоциациялар” методи [117], Э.П.Торренсинг “Тугалланмаган расмлар” тести [132; 133]дан фойдаланилади. Улардан фойдаланишда куйидагича йўл тутилади:

1. “Тасодикий ассоциациялар” методидан фойдаланишда ўқувчиларга

эркинлик берилади; мавзу доирасини чегараламаган ҳолда ихтиёрий равишда ўзлари хоҳлаган китоб ёки журналдан фойдаланиш имконияти яратилиб, “Тасодифий ассоциациялар” методи бўйича топшириқ бажарилади.

2. Э.П.Торренсинг “Тугалланмаган расмлар” тестидан фойдаланишда штрихлар асосида тасвирларни ҳосил қилишда ўқувчиларга эркинлик берилади; ўқувчилар ҳар бир штрих бўйича турли соҳага тааллуқли тасвирларни ҳосил қилади; бунда энг муҳими – ўқувчилар хаёлот дунёсининг бойлиги бўлиб, тасвирларнинг оригинал бўлишига эътибор қаратиш зарур.

**II. Ривожлантириш босқичи:** махсус машқлар ёрдамида ўқувчиларда креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш. Ушбу босқичда топшириқларнинг бажарилиши хусусий характер касб этиб, ўқувчилардан “Технология” фани соҳалари бўйича оригинал фикрларни илгари суриш талаб қилинади. Ривожлантириш босқичида ҳам “Тасодифий ассоциациялар” методи, Э.П.Торренсинг “Тугалланмаган расмлар” тестидан фойдаланилади. Улардан фойдаланишда қуйидагича йўл тутилади:

1. **“Тасодифий ассоциациялар” методи**дан фойдаланишда ўқувчилар учун эркинлик борасида чеклов қўйилади; мавзу доираси чегараланиб, “Технология” фани бўйича дарслик, ўқув қўлланма ёки фан доирасида қамраб олинган соҳаларга доир илмий, илмий-оммабоп ва оммабоп журнал, адабиётлардан фойдаланган ҳолда “Тасодифий ассоциациялар” методи бўйича топшириқ бажарилади.

2. **Э.П.Торренсинг “Тугалланмаган расмлар” тестидан** фойдаланган ҳолда штрихлар асосида тасвирларни ҳосил қилишда ўқувчиларнинг эркинлиги чекланади; ўқувчилар ҳар бир штрих бўйича фақатгина “Технология” фани доирасига қамраб олинган соҳаларга тааллуқли тасвирларни ҳосил қилади; бунда энг муҳими – ўқувчилар хаёлот дунёсининг бойлиги бўлиб, тасвирларнинг оригинал бўлишига эътибор қаратиш зарур.

**III. Амалий-фаолиятли босқичи:** “Технология” фани бўйича ўқув топшириқларини бериш асосида ўқувчиларнинг креативлик сифатлари

ривожлантириш. Ушбу босқичда ўқувчилар томонидан “Технология” фани бўйича ўқув топишириқлари бажарилади.

**IV. Таҳлил-баҳолаш босқичи:** ўқувчиларнинг креативлик сифатларига эгалиklarини баҳолаш. Бунда ўқувчилар томонидан тақдим этилган ўқув топшириқларининг ечимлари таҳлил қилиниб, баҳоланади. Ўқувчиларнинг ечимларини баҳолашда Жой Пол Гильфорд томонидан илгари сурилиб (тезкорлик, эгилувчанлик, оригиналлик), Т.И.Виноградова (Грицай) томонидан тўлдирилган (зеҳннинг ўткирлиги, мажозий маъно (метафора)га эгалик, қониқиш) каби мезонларга таяниб иш қўрилади. Яъни:

1) топшириқларни бажаришда ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти топшириқни тезкорлик билан бажариш (тезкорлик);

2) бир топшириқни бажаргандан сўнг навбатдаги топшириқни бажаришга тезкор мослашиш (эгилувчанлик);

3) кўплаб ўзига хос (оригинал) ғояларни илгари суриш (оригиналлик);

4) топшириқнинг моҳиятини қисқа муддатда англаб олиш (зеҳнлилик);

5) ечимни мажозий (рамзий) маънода талқин эта олиш (метафора);

6) иш натижасидан завқланиш (қониқиш) қобилиятларига эгаликлари инобатга олинади.

“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришда самарадорликка эришишда ана шу мақсадга қаратилган педагогик жараённинг қандай ёндашув асосида ташкил этилиши ҳам аҳамиятли саналади. Шу сабабли тадқиқотни олиб боришда “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришда юқори самарадорликка эришиш мақсадида педагогик жараёнга нисбатан инновацион характердаги ёндашувларни қарор топширишга эътибор қаратилди. Муаммонинг назарий ва амалий тавсифидан келиб чиққан ҳолда педагогик жараёнга нисбатан қуйидагича ёндашиш “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришда самарадорликни таъминлайди, деган хулосага келинди (1.1.2-шаклга қаралсин).



**1. Герменевтик ёндашув.** Мазкур ёндашув “Технология” ўқув фанига тааллуқли бўлган тушунчаларнинг маъно, мазмунини ўқувчилар томонидан чуқур англанишини ифодалайди. Аксарият ҳолатларда ўқувчилар билимларининг пухта, чуқур бўлмаслиги уларнинг ўқув фанлари ёки умуман, илмий билимлар мазмуни, моҳиятини етарлича, тўғри англай олмаслиги билан ҳам боғлиқ бўлади.



**1.1.2-шакл. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга бўлган муҳим ёндашувлар**

Мазкур ёндашув “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришда мавзуларнинг моҳиятини ёритишда таянч тушунчаларни ажратиб олиш, уларни изоҳлаш, ўқувчиларга ассоциацияларнинг янги ғояларни асослашдаги аҳамиятини тушунтириш, бир-бирига мутлақо зид бўлган турли ассоциацияларнинг креатив ғояларни илгари суришдаги амалий қийматини англатишга ёрдам беради.

“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга герменевтик ёндашиш “ўқувчиларда тушунча ва атамаларни тизимлаштириш, маъносини аниқлаштириш ҳамда рефлексив

фаолиятни фаоллаштиришга бўлган қобилиятини ривожлантириш; ижодий тафаккурни ўстириш орқали ўқувчиларнинг билиш фаоллигини оширади; коммуникатив компетенцияларни, катта ҳажмдаги ахборотлар билан ишлаш ва матнлар мазмунини талқин қилиш малакаларини шакллантиришга ёрдам беради” [31, 13].

**2. Ассоциатив ёндашув.** Мазкур ёндашув креатив ғояларни илгари суриш жараёнида ассоциациялар билан фаол ишланишини англатади. Шунга кўра шахсда креатив тафаккурни ривожлантириш негизини турли, бири-бирига зид ассоциациялар ва улар ўртасида мантиқий бирликни юзага келтириш ташкил этади. Хусусан, креатив тафаккурни ривожлантиришга хизмат қиладиган методлар орасида “Тасодифий ассоциациялар” методи ўзига хос аҳамият касб этади.

“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаоллигини ошириш, уларда креативлик сифатларини ривожлантириш босқичларида ҳам ассоциацияларга таяниш асосида бажариладиган ўқув топшириқлардан кенг фойдаланилади. Ўқувчилар томонидан ўқув топшириқларини бажариш чоғида уларда юзага келадиган ассоциациялар “ўқув предметида оид, мавҳум, психологик ҳамда нореал бўлиши мумкин” [119]. У қандай бўлишидан қатъи назар ассоциация ўқувчиларни креатив фикрлашга ундайди.

**3. Визуал-образли ёндашув.** Креатив тафаккурнинг муҳим таркибий элементларидан бири – ижодий тасаввур ҳисобланади. Тасаввурнинг ижодий характерга эга, аниқ ва ёрқин бўлиши ўзига хос креатив ғоянинг шаклланишини таъминлайди. Зеро, шахс томонидан ҳар қандай ахборот қабул қилинганда онгда дастлаб воқеликнинг визуал образи пайдо бўлади. Визуаллик “тасаввурда ихтиёр қилинаётган воқеликни яратиш” [89] бўлиб, у “мақсадга эришишнинг энг кучли қуроли саналади” [89]. Ўз моҳиятига кўра, “визуаллик ҳис қилиш, кўришга имкон беради, М.Мерло-Понтининг фаразига кўра, ҳис кўриш – ўзининг олдида оламни жойлаштириш эмас, бироқ, ўзидан ташқаридаги атроф-муҳит билан уйғунлашишдек туюлади: “визуаллик худди борлиқнинг барча жиҳатларига кўра чорраҳадаги

учрашувидек туюлади” [60, 54]. Бунда энг муҳими образнинг қанчалик яққол акс этишидир. Бинобарин, образнинг аниқлиги шахс томонидан воқелик моҳиятини тўлақонли, етарлича ёритишга имкон беради. Бу эса креатив ғояларни илгари суриш, уларни асослашда муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра “Технология” дарсларида ўқувчилар ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришда ўқитувчилар қуйидаги икки жиҳатга эътиборни қаратиши зарур: биринчидан, ўқувчиларда визуал-образли тасаввурни шакллантириш; иккинчидан, ўқувчиларнинг визуал-образли тасаввурларига таянган ҳолда улар томонидан креатив ғояларнинг илгари сурилиши учун зарур педагогик шарт-шароитларни яратиш.

**4. Фаолиятли ёндашув.** Креатив ғояларнинг шаклланиши у қандай (касбий ёки кундалик (маиший), ақлий ёки жисмоний, ижодий ёки амалий, ўқув ёки ишлаб чиқариш) бўлишидан қатъи назар бевосита шахснинг фаолияти билан боғлиқдир. “Фаолиятли ёндашув – шахснинг онгини ҳамда яхлит ҳолда унинг ўзини ҳам шакллантиришга йўналтирилган фаолияти жараёни” бўлиб, айнан “фаолият орқали ҳамда фаолият жараёнида шахс айнан қандай бўлса, шундай шаклланади, унинг ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини такомиллаштириши” содир бўлади [150]. Бундан англанадики, креативлик барча соҳалар ва йўналишларда ҳам шахсга хос аҳамиятли сифат бўлиб, унинг ривожланганлик даражаси фаолият самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. “Фаолият орқали таълим олиш” концепцияси дастлаб америкалик тадқиқотчи Ж.Дьюи томонидан таклиф этилган бўлиб, унда фаолиятли ёндашувнинг қуйидаги асосий тамойиллари таклиф қилинган: ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олиш; фикрлар ва ҳаракатлар таълими асосида ўқиш; англаш ва билиш қийинчиликларни бартараф этишнинг натижаси; эркин ижодий иш ва ўзаро ҳамкорлик” [150].

“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг фаолиятли ёндашув асосида ташкил этилиши бу жараённинг асосий субъектлари таълим олувчилар бўлиб, уларнинг ўқув-билиш фаоллиги ўқув материални ўзлаштириш, назорат топшириқларини

мустақил бажариш, кичик ёки катта гуруҳларда лойиҳаларни тайёрлаш, уларни муҳокама ва тақдим этиш, шунингдек, вақти-вақти билан рефлексив таҳлил асосида ўзаро ҳамда индивидуал равишда фаолият натижасини баҳолаш имкониятига эгалликларини англатади. Бу вазиятда ўқитувчининг дарсадаги иштироки тўрторлик (йўналтириш, зарур ўринларда маслаҳатлар бериш ва йўл-йўриқ кўрсатиш, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш)дан иборат бўлади. Натижада ўқувчилар “ўқув-билиш фаолиятининг барча компонентларини: мақсадни қўйиш, дастурлаш (лойиҳалаш), режалаштириш, назорат ва ўз-ўзини назорат, баҳолаш ҳамда ўз-ўзини баҳолаш” малакаларини ўзлаштиради [150].

**5. Муаммоли ёндашув.** Замонавий ўқитишда муаммоли таълим технологияларини фаол қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу технологияларининг асосини муаммоли таълим ташкил этади. Муаммоли таълим шахсда “ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим” [44, 51] бўлиб, ушбу таълимнинг асосини эса “муаммо ёки муаммоли вазият ташкил этиб, муаммоли таълим технологиялари уларнинг ечимини топишга хизмат қилади” [44, 76].

“Технология” дарсларида ўқувчиларни муаммоли топшириқларни ҳал қилишга жалб этиш уларда креатив сифатларини самарали ривожлантиради. Ўқувчиларни муаммоли топшириқларни ҳал қилишга жалб этишда “Тайёр маҳсулотни янги деталлар билан бойитинг”, “Миллий ва замонавий қарашлар уйғунлиги асосида уй жиҳозини тайёрланг”, “Иккиламчи материаллардан ўзига креатив маҳсулотни яратиш тўғрисида ўйлаб кўринг”, “Тез ва осон тайёрланадиган ўзига хос парҳез таомини тайёрланг”, “Мобил телефонларнинг ток қабул қилгичларини ихчам, йиғинчоқ ҳолда сақлаш мумкин бўлган содда, аммо чиройли кўринишга эга бўлган жиҳозни тайёрланг”, “Иккиламчи материаллардан пайпоқларни тартибли, қулай жойлаштириш мумкин бўлган оригинал жиҳозни ясанг”, “Қирқим

материаллардан ёстик жилд тайёрланг”, “Қирқим материаллардан ўзига хос чойнакпўшт тайёрланг”, “Қирқим материаллардан дизайни ўзига хос бўлган елпиғич тайёрланг” каби топшириқлар ўқувчиларни изланишга ундайди.

**6. Технологик ёндашув.** Луғавий жиҳатдан “технология” тушунчаси (юнон. “techne”, “logos”) маҳорат (санъат) ҳамда таълимот (тушунча), демак, “маҳорат тўғрисидаги таълимот” [45, 8] маъносини англатади. Когнитив жиҳатдан эса ушбу тушунча “муайян (ишлаб чиқариш, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа) жараёнларнинг юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этилиши” [45, 8] деган мазмунни ёритишга хизмат қилади. Ўқитишга нисбатан технологик ёндашув эса “ўқув жараёнини бошқаришнинг ҳамда кўйилган ўқув мақсадларига эришишни кафолатловчи аниқ, реал воситаси” [86] сифатида “турли соҳаларни ҳамда таълимий, педагогик, ижтимоий борлиқнинг хусусиятларини концептуал ва лойиҳавий ўзлаштиришда янги имкониятларни яратади ва қуйидагиларни таъминлайди: катта аниқлик билан натижаларни олдиндан айтиш ҳамда педагогик жараёнларни бошқариш; илмий асосда таҳлил қилиш ва тизимлаштириш орқали амалий тажрибага эга бўлиш ва ундан фойдаланиш; таълимий ва ижтимоий-тарбиявий масалаларни мажмуавий ҳал қилиш; шахсга салбий омилларнинг таъсирини камайтириш; ихтиёрида захираларга эга бўлган ҳолда улардан самарали фойдаланиш; юзага келган ижтимоий-педагогик муаммоларни ҳал қилиш учун янада самарали янги технология ва моделларни танлаш ва ишлаб чиқиш” [86].

“Технология” дарсларида муаммоли, интерфаол, инновацион, лойиҳа, компьютер, ҳамкорлик таълими технологияларини мақсадли қўллаш орқали ўқувчиларни биргаликда, ўзаро ҳамкорликда ишлашга жалб этиш улар томонидан креатив лойиҳаларнинг яратилиши, муаммоли вазиятларнинг ҳал қилиниши учун қулай шароитни юзага келтиради. Интерфаол методлар ўқувчилар томонидан ўқув топшириқларини бир неча муқобил вариантлар бўйича ечимга эга бўлишини таъминлаш асосида бажарилишига ёрдам беради.

**7. Интерфаол ёндашув.** Замонавий педагогиканинг таркбий асосларидан яна бири – интерфаол таълим саналади. “Интерфаол таълим (ингл. “interact”, рус. “интерактив”; “inter” – ўзаро, “act” – ҳаракат қилмоқ) – талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим” [46, 42] бўлиб, у бир қатор афзалликларга эга. Хусусан, интерфаол таълим моҳиятига кўра “ўқитиш жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, талаба ва талабалар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгаллик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – талаба – талабалар гуруҳи”нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, рухий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади” [46, 42] .

Электрон манбалардан бирида “интерфаол ёндашув” тушунчаси олий таълим, бўлажак инглиз тили мутахассислари мисолида куйидагича тавсифланади: “мутахассиснинг фаолиятнинг интерфаол шаклларида фойдаланиш орқали инглиз тилини ўқитишдаги касбий вазифаларни ҳал қилиш қобилиятини белгилаб берувчи касбий компетентлигини шакллантиришга кўмаклашиш” [98]. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга нисбатан интерфаол ёндашув ўқитиш жараёнига интерфаол методлар (“Морфологик кути”, “Синовлар ва хатолар” (ёки “Вариантларни танлаш”) методи), Э.П.Торренсинг “Тугалланмаган расмлар” тести, “Тасодифий ассоциациялар” методи кабилар)нинг самарали татбиқ этилиши, ўқувчиларнинг ўқув материални биргаликда, ўзаро ҳаракат асосида ўзлаштириши, ўқув топшириқларини уларнинг мураккаблигига кўра жуфтликда, кичик ёки катта гуруҳларда бажаришда акс этади.

**8. Полилогик ёндашув.** Инновацион таълим муҳитида ўқитишни таълим олувчиларнинг биргаликда, ўзаро ҳаракати асосида ташкил этиш педагогик жараёнинг сифатини яхшилаш, самарадорлигини оширишнинг муҳим шартларидан бирига айланди. Ўқувчилар ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишга технологик ёндашиш ўқувчи – ўқувчи, ўқувчи – ўқувчилар гуруҳи, ўқувчи – ахборот-коммуникацион технологиялар ўртасида ўзаро таълимий ҳамкорликни қарор топтиришга хизмат қилаётган бўлса, полилогик ёндашув ўқув топшириқларининг ечими юзасидан илгари сурилаётган ғояларни жуфтлик, кичик ва катта гуруҳда муҳокама қилиш, асослаш, бошқа гуруҳларга тақдим этиш, индивидуал ва жамоавий тарзда натижаларни рефлексив таҳлил қилиш ва баҳолашга ёрдам беради. Полилог “нутқнинг табиий оғзаки шакли”, “бир неча шахслар ўртасидаги суҳбат” [118] бўлиб, ўз моҳиятига кўра “бир неча нафар сўзловчи қандайдир мавзу (сиёсий воқелик, спектакль, бадиий асар, спорт ва шу кабилар)ни муҳокама қилади” [118]. Одатда полилог “диалогга қарши қўйилмайди. Ҳар иккиси учун ҳам хос бўлган умумий ва асосий жиҳат – сўзловчилар ва тингловчиларнинг навбат алмашиши саналади. Сўзловчилар сони (икки нафардан ортиқ бўлиши) ушбу жиҳатга таъсир кўрсатмайди” [118].

“Технология” дарсларида полилогик ёндашув ўқувчилар томонидан ўқув топшириқларини бажариш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, креатив лойиҳаларни тайёрлаш, уларни тақдим этиш ва баҳолаш жараёнида яққол кўзга ташланади. Зеро, ечим, қарорларнинг қанчалик тўғри, оқилона, лойиҳаларнинг ўзига хос, амалий қийматга эга эканлиги муҳокама жараёнида ойдинлашади.

**9. Ҳиссий-психологик ёндашув.** Мазкур ёндашув қуйидаги ҳолатларни ифодалайди: биринчидан, ўқувчиларга бериладиган ўқув топшириқларининг уларнинг ёш ва психологик имкониятларига мос келиши; иккинчидан, ўқувчиларнинг ўқув топшириқларини бажариш, лойиҳаларни тайёрлаш, уларни мазмун, дизайн, амалий қиймати нуқтаи назардан муҳокама қилиш ва тақдим этиш жараёнида ўқувчиларнинг бир-бирларини

қўллаб-қувватлай олиши, бошқаларнинг фикрига нисбатан ҳурмат кўрсатиши, тенгдошларини руҳлантира олиши, самарали натижани қўлга киритишга бўлган ишонч ҳиссига эгалликни намоён қила билиши; учинчидан, ўқувчилар томонидан илгари сурилган креатив ғоялар, тайёрланган креатив маҳсулотларнинг ижтимоий субъектларнинг сезги ҳамда ҳиссиётларига таъсирининг инобатга олиниши; тўртинчидан, илгари сурилган креатив ғоялар, тайёрланган креатив маҳсулотларнинг ўқувчиларни ҳиссий, ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга хизмат қилиши.

**10. Ижодий ёндашув.** Ушбу ёндашув, биринчидан, ўқувчилар томонидан “бадий мазмунга эга ахборотларни идрок қилиш ва ижод маҳсулотларининг жамият ижтимоий онгига” [69, 67] ижобий таъсирини таъминлаш; иккинчидан, креатив лойиҳаларни тайёрлашга ҳиссий ёндашиш; учинчидан, ўқувчилар томонидан илгари сурилаётган креатив ғоялар, тайёрланаётган маҳсулотларнинг бадий-ҳиссий мазмунга эга бўлиш заруриятини ифодалайди.

“Технология” дарсларини ташкил этишга ижодий ёндашиш ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ҳам ривожлантиришга ёрдам беради. Индивидуал-психологик хусусият сифатида “шахснинг ҳиссий кечинмаларни тўлақонли ифодалашни тақозо этувчи ижодий характердаги у ёки бу фаолиятни бажариш кўникма, малакаларини ҳеч бир қийинчиликсиз ўзлаштириши, улар ёрдамида фаолиятни тез, осон, сифатли ва самарали бажаришини англатувчи” [69, 25] ижодий қобилият креативликнинг муҳим таркибий асосларидан бири саналади.

Шу сабабли “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришда уларнинг ижодий қобилиятга эгалликларини ҳам инобатга олиш, креатив маҳсулотларнинг бадий-ҳиссий хусусият касб этишини таъминлашга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ саналади. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларга эгаллиги улар томонидан новербал креатив маҳсулотларда композиция уйғунлиги, рангларнинг ўзаро мутаносиблиги, образли, фазовий тафаккур



имкониятларидан фойдаланганлик, эскиз, расм, бўртма шаклларнинг ўринли қўлланилганлиги каби ҳолатларда яққол акс этади.

**11. Интегратив ёндашув.** Мазкур ёндашув асосида интеграция ётади. “Интеграция” тушунчаси луғавий жиҳатдан икки хил маънони англатади: 1) айрим қисмларнинг, элементларнинг боғлиқлик ҳолатини, уларни қўшиб бирлаштиришни ифодаловчи тушунча; 2) фанларнинг яқинлашиши ва ўзаро боғланиш жараёни” [83, 216]. Тадқиқотчилар “интегратив ёндашув” тушунчасини шарҳлашга турлича ёндашади. Масалан, тадқиқотчилар И.А.Зимняя ҳамда Е.В.Земцова “энг камида битта умумий жиҳат билан ўзаро боғланган объектлар, ҳодисалар, жараёнлар мажмуини яхлит тақдим этилиши бўлиб, бунинг натижасида уларга хос янги сифат яратилади” [41, 17] дея эътироф этган бўлсалар, В.М.Лопаткин интегратив ёндашувни “дунё манзарасининг яхлит акс эттирувчи, шахснинг назарий ва амалий вазифаларни ҳал қилишга ёрдам берадиган қобилиятини ривожлантиришни таъминловчи восита” деб таърифлайди [54, 159].


“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креатив сифатларини ривожлантиришга нисбатан интегратив ёндашиш ўқув фанлари, ўқув фанининг мавзулари, педагогика, психология, методика ва “Технология” фанлари, ўқувчилар ҳамда ўқувчининг шахсий, психологик қобилиятлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликни ифодалайди. Зеро, “педагогик ва методик билимларнинг ўқув фани асослари билан интеграциялашуви” [39, 17] кутилган натижаларни қисқа муддатларда қўлга киритишга ёрдам беради.

**12. Рефлексив ёндашув.** Мазкур ёндашув “ўз иш фаолияти натижаларини мустақил, таҳлилий баҳолаш малакаларига эга бўлишларига эришиш мақсадга мувофиқлигини англатади. Ўқувчилар ўз фаолияти натижаларини, ижодий маҳсулотларни мустақил равишда рефлексив баҳолаш экан, эришилган ютуқлар омилини англаш, йўл қўйилган хато, камчиликларнинг сабабларидан хабар бўлиш, келгуси фаолиятда уларнинг такрорланишига йўл қўймаслик тўғрисидаги хулосага келиш ва амалий чораларни кўриш имкониятига эга бўлади” [69, 46].

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида танланган илмий-педагогик муаммонинг характери, педагогик, психологик, методик, дизайн соҳасига оид карашлар, устувор тамойиллар, муаммога тааллуқли адабиётларда илгари сурилган ғоялар, мазкур тадқиқотнинг назарий ва амалий жиҳатларини инобатга олган ҳолда дизайн тўғарагида ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг модели ишлаб чиқилди. Ушбу моделнинг умумий образи қуйидаги шаклда ўз исботини топган (1.1.3-шаклга қаралсин):

Ўқувчилар ёш хусусиятига кўра кейинчалик, жумладан, ўспиринлик даври (15-18 ёш)да ва ундан (18 ёшдан) кейин ҳам тўғаракларсиз дизайн соҳаси бўйича фаолиятни ташкил этишади. Уларнинг бу жараёндаги фаолиятлари аксарият ҳолатларда мустақил кечади. Жуда кўп собиқ ўқувчиларимиз он-лайн курслар орқали ўзларининг дизайн соҳасига оид ижодий қобилиятини ривожлантириб боради.

Демак, креативлик – ижодкорликнинг юқори босқичи саналади. Ўз моҳиятига кўра у яратиш, яратувчанликни ифодалайди. Шахс креативлиги у томонидан ташкил этиладиган фаолиятнинг самарадорлигини оширибгина қолмай, унинг узоқ йиллар давомида ўз долзарблигини йўқотмаслик, амалий қийматини пасаймаслигини таъминлайди. Фаолият мазмунининг янги ғоялар билан бойитилиши, инновацион таркибий қисмлар билан тўлдирилиши уни ташкил этаётган шахс учун ҳам, атрофдагилар учун ҳам бирдек қизиқарли, завқли бўлишига ёрдам беради. Ўз фаолиятини ана шу тарзда йўлга қўйишга эриша олган шахс бозор муносабатлари шароитидаги мураккаб, кучли рақобатга бардошли бўла олади. Шу сабабли умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларда креатив сифатларини шакллантириш, уни изчил ривожлантириб бориш меҳнат бозорида ўз ўрнига эга бўлишига ёрдам бериш билан бирга соҳанинг ривожланишига ҳам замин яратади. Герменевтик, визуал-образли, фаолиятли, муаммоли, интерфаол, полилогик, технологик, ҳиссий-психологик, ижодий ёндашув, танқидий, интергратив, рефлексив ёндашув “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш самарадорлигини кафолатлайди.



**1.1.3-шакл. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш жараёнининг модели**

## **1.2-§. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш тамойиллари ва креативлик сифатларининг тавсифи**

Педагогик жараёни ташкил этишда унинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда таълим ёки тарбия тамойиллари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, тамойиллар ҳар қандай фаолият учун бошланғич, етакчи асос бўлиб хизмат қилади. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш ўз моҳиятига кўра тарбиявий характер касб этганлиги сабабли тадқиқотни олиб боришда ана шу жараён самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган тарбия тамойилларини аниқлашга эътибор қаратилди.

“Тарбия тамойиллари” тушунчаси назарий жиҳатдан қуйидаги маънони ёритади: тарбия тамойиллари – тарбиявий ишлар тизимининг барча мураккабликларига кўра ташкил этувчи, тартибга солувчи бошланғич кўрсатма, асосий йўналтирувчи ғоялар бўлиб, ўзида турли тарбия методлари мажмуининг мақсади, вазифалари, турли йўналишлари, мазмуни каби таркибий элементларни қамраб олади. Тамойиллар тарбиявий фаолиятнинг турли соҳаларига қўйиладиган умумий талабларни ёритишга хизмат қилади ҳамда уларни яхлит, ягона характер касб этишини таъминлайди [124].

Таълим тамойиллари «жамият ривожини даражасини, унинг шахс тарбиясига қўядиган талабларини, тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг услубини асос эттиради. Амалий педагогик фаолият тамойиллари онгли равишда белгиланади.

Уларга маълум талаблар қўйилади: мажбурийлик (таълим тамойилларини амалиётга татбиқ этиш барча учун мажбурий; тамойилларга риоя қилмаслик тарбия жараёнининг самарадорлигини пасайтиради); мажмуавийлик (тарбия жараёни алоҳида тамойиллар асосида эмас, балки уларни мажмуи негизида ташкил этилади); бир хилда аҳамиятга эгаллик (тарбия тамойилларига нисбатан асосий ва иккинчи даражали тамойиллар, яъни, ушбу тамойилларни биринчи навбатда амалиётга татбиқ этиш лозим,

мана бу тамойилларнинг амалиётга татбиқини кейинги қолдириш мумкин деган ёндашув йўқ)” [143].

“Замонавий дидактика мумтоз тамойиллар тизими билан бирга фан ва ўқитиш амалиётининг ривожини билан боғлиқ ҳолда эътироф этилганига унча ҳам кўп бўлмаган тамойилларга ҳам эга. Мактаб таълимига дидактикасига изчил равишда янги тамойилларнинг киритиб борилиши тўғрисидаги далил ҳам фаннинг динамик ўсиши ҳам ўқитиш амалиётининг ривожини англатади” [111].

Тадқиқотчи И.П.Подласыйнинг эътирофига кўра, тарбия тамойиллари “маслаҳат, кўрсатма эмас; улар мажбурий ва тўла равишда амалиётда акс эттирилишини талаб этади. Тамойилларнинг қўпол ва тизимли тарзда бузилиши, уларга қўйилмаган талабларга зиён етказилиши шунчаки тарбия жараёнининг самарадорлигини пасайтирмайди, балки унинг асосларига путур етказади” [66, 259].

Педагогикада “жараённинг мазмун ҳамда ташкилий этилиши (ташкилий-методик) тамойилларни ажратиб кўрсатилади” [72, 170].

З.А.Литова замонавий педагогика устуворлик касб этаётган тамойилларнинг энг муҳимлари қуйидагилар эканлигини кўрсатиб ўтади:


1) жараённинг мазмунини ёритувчи тамойиллар: фуқаровийлик, илмийлик, таълимнинг тарбияловчилик характерга эгаллиги, мустаҳкамлик (асосга эгаллик) ва амалий йўналтирилганлик;

2) жараённинг ташкил этилишини ёритувчи (ташкилий-методик) тамойиллар: ворисийлик, таълимнинг изчиллиги ва тизимлилиги, гуруҳли ва индивидуал ўқитишнинг бирлиги, таълим олувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларининг ўзаро мувофиқлиги, онглилик ва ижодий фаоллик, етарли даражада қийин материалларнинг ҳам осон тушунилиши, маҳсулдорлик ва ишончлилилик [111].

Қандай соҳа бўлишидан қатъи назар илмий тадқиқотларни олиб боришда тамойилларга таяниб иш кўрилади. Ана шу анъанага мувофиқ “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини

ривожлантиришда устувор аҳамият касб этувчи илмий-педагогик тамойилларни аниқлаш ҳам эътиборни тортди.

Тадқиқот муаммосининг назарий тавсифи, амалий аҳамияти, ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш асосида “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга қаратилган педагогик жараёнда қуйидаги тамойилларнинг устуворлик касб этиши аниқланди (1.2.1-шакл):



### 1.2.1-шакл. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креатив сифатларини ривожлантиришнинг устувор тамойиллари

**1. Тизимлилик тамойили** “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга қаратилган яхлит педагогик жараёни ташкил этишда унинг муҳим таркибий қисмлари (таълим мақсади, ўқитиш вазифалари, кутилаётган натижа, ўқитувчининг методик фаолияти, ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти, дарснинг ташкилий шакллари, методлари, воситалари, технологиялари, кутилаётган натижага эришилганлик) ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва узвий бирликни инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини ифодалайди. Бунда ўқитувчининг педагогик тажрибаси ва касбий компетентликка эгаллиги, ўқувчиларнинг қизиқишлари ҳамда мотивацияси, таълим жараёнини ташкил этишга технологик ёндашиш муҳим аҳамият касб этади.

**2. Изчиллик тамойили** “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга қаратилган педагогик жараёни ўқув йили давомида бир меъёрда, мунтазам ташкил этилиши, тадрижий ривожланиши

(ўқувчилар креативлик сифатларининг мустаҳкамланиб, такомиллашиб бориши), турли мавзуларда ташкил этилаётган дарсларнинг бир-бири билан ўзаро узвий, мантикий боғланишини ёритади. Мазкур тамойил, шунингдек, ўқув топшириқларининг оддийдан мураккаблик томон ривожланиб бориши ва табиий ҳолда ўқувчиларда улар эга бўлган ҳиссий ривожланганлик, қизиқувчанлик, эстетик туйғу ва эстетик дидга эғалик, мустақиллик каби сифатлар негизида ижодий тасаввур, интеллектуал фаоллик, таваккал қилишга мойиллик, муаммога нисбатан тоқатсизлик, танқидий фикрлаш қобилиятига эғалик, ижодий фаолиятга йўналганлик, интуитивлик, нутқ маданиятига эғалик, креатив (дивергент)тафаккур, рефлексия қобилиятига эғалик каби креатив сифатларни ҳам ўзлаштириб боришини шаклланиши ва ривожланиб боришини ҳам кўрсатишга хизмат қилади.

**3. Амалий фаолиятга йўналганлик тамойили.** “Технология” ўқув фани ўз мундарижаси, назарий асослари, таълимий мақсадига кўра ўқувчиларни амалий фаолиятга йўналтиради. Ўқувчилар ўқув фани доирасида ташкил этилаётган ҳар бир дарсда маълум амалий кўникма, малакаларни ва улар билан боғлиқ ҳолда креативлик сифатларини ўзлаштириб боради. Тамойилининг яна бир аҳамиятли жиҳати, ўқувчилар томонидан “Технология” дарсларида маълум ҳунар асосларини когнитив ва эмпирик жиҳатдан ўзлаштирилиши, креатив ғояларнинг илгари сурилиши ҳамда креатив маҳсулотларнинг тайёрланиши улар фаолиятининг амалий жиҳатдан йўналтирилганлиги тасдиқлайди.

**4. Ижодий характерга эғалик тамойили.** Ўқувчилар томонидан ўқув топшириқларининг бажарилиши, креатив ғояларнинг илгари сурилиши, креатив маҳсулотларни яратишга оид лойиҳаларнинг тайёрланиши “Технология” дарсларидаги ташкил этиладиган ўқув-билиш фаолиятининг ижодий характер касб этишини кўрсатади.

**5. Интеграллашув тамойили.** Ушбу тамойил “Технология” фани ғояларининг педагогика, психология ва методика каби фанлар асослари, “Технология” фанининг “Тасвирий санъат”, “Геометрия”, “Чизмачилик” каби

ўқув фанлари, “Технология” ўқув фани доирасида ўрганиладиган мавзуларнинг ўзаро, ўқувчилар ҳамда ўқувчининг шахсий, психологик қобилиятлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни, интеграцияни ёритишга хизмат қилади.

**6. Мувофиқлик тамойили** ўқув материаллари ва топшириқларини тайёрлашда ўқувчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари, шахсий имкониятлари, қизиқишлари, мотивацияси ҳамда эҳтиёжларини инобатга олинишини аниқлашга хизмат қилади. Ўқув материалларининг мураккаблик даражасини белгилашда ўқувчилар томонидан уларнинг ўзлаштирилиши, ўқув топшириқларини шакллантиришда эса уларни етарлича бажарилиши учун зарур педагогик шарт-шароитларнинг мавжудлиги ҳам назарда тутилиши зарур.

**7. Интерфаоллик тамойили.** Ушбу тамойил ўқув материалларини ўзлаштириш, ўқув топшириқларини бажариш чоғида ўқувчиларнинг ўзаро, биргаликда, ҳамкорлик асосида ҳаракатланиши кутилган натижаларни қўлга киритиш имкониятини таъминлашда аҳамиятли эканлигини ёритади. Интерфаоллик ўқувчи – ўқувчи, ўқувчи – ўқувчилар гуруҳи, ўқувчи – ахборот-коммуникатив технологиялар ўртасидаги ўзаро фаол мулоқот, биргаликда ўқув мақсадига эришиш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этишда кўзга ташланади.

**8. Амалий қийматга эгаллик тамойили.** Ўқувчилар томонидан илгари суриладиган креатив ғоялар, тайёрланадиган креатив маҳсулотлар амалий қийматга, яъни кундалик ҳаётда фойдаланиш имкониятига эга бўлиши зарур. Қолаверса, улар ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш, эстетик диди ва креативлик сифатларини ривожлантириш, дунёқарашини бойитишга ёрдам бериши лозим. Ўқувчилар томонидан илгари суриладиган креатив ғоялар, тайёрланадиган креатив маҳсулотлар фойдали бўлиши, эстетик завқ бағишлаши, ҳиссиётларини тарбиялаши керак. Креатив ғоя ва маҳсулотларнинг амалий қийматга эгаллигини белгилашда уларнинг ғоявийлиги, етарлича



асосланганлиги, ишончлилиги, эстетик жихатдан таъсирчанлиги, ўзига хослиги кабиларга таяниб иш кўрилади.

**9. Эстетик таъсирга эгалик тамойили.** Ўқувчилар томонидан илгари суриладиган креатив ғояларнинг бадиий-ҳиссий ифодаларга бой бўлиши уларнинг таъсирчанлигини оширади. Креатив маҳсулотларни тайёрлашга кўйиладиган муҳим талаб – уларнинг мазмун, шакл, композиция, ранглар уйғунлигига кўра яхлитликни, ягоналикни ҳосил қилиши, атрофдагиларнинг маънавий эҳтиёжларини қондира олиши саналади. Мазкур тамойил ана шунинг учун хизмат қилади.

**10. Рефлексивлик тамойили.** Бугунги кун кишиси ўз-ўзини таҳлил қилиш ва холис баҳолаш имкониятига эга бўлиши керак. Бинобарин, ўзини ўзи таҳлил қилиш ва баҳолаш шахс томонидан ўзлигини англашига ёрдам беради. Шахснинг ўзлигини англаши эса фаолияти, хусусан, ўқув-билиш фаолиятининг сифати ва самарадорлигини таҳлил қилиш, зарур хулосаларни чиқариш ва баҳолаш учун зарур шароитни ҳосил қилади. Ушбу тамойил ўқувчиларнинг “Технология” ўқув фани бўйича мавзуларни етарли даражада ўзлаштириш, зарур амалий кўникма, малакалар ҳамда креатив сифатларга эга бўлиш даражасини мустақил таҳлил қилиш ва баҳолаш имкониятини яратади.

Инглиз тилида чоп этилган адабиётларда шахсга хос креативлик сифатларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Муаллифлар шахсда намоён бўлиши зарур бўлган креативлик сифатларини талқин этишда унинг билиш фаоллиги, амалий йўналганлиги, ўз-ўзини англай олиши, борликқа бўлган муносабати каби омилларни инобатга олган. Уларнинг талқинида шахсга хос креатив сифатлар қуйидагилардан иборатдир: ўзига ишониш, дадиллик, эркинлик, ғайриихтиёрийлик, ўзини ўзи тан олиш (А.Маслоу); янгиликни қабул қилишга руҳан тайёрлик, мустақиллик, мослашувчанлик, ўзига ишониш, мақсадга интилувчанлик ва тиришқоқлик, фаоллик ва меҳнатсеварлик, ҳаракатчанлик (А.Олах); кузатувчанлик, янгиликка нисбатан таъсирчанлик, фикрлашдаги мустақиллик, юқори даражадаги

мотивацияга эгалик, юқори даражада ақлий ривожланганлик, руҳан ва жисмонан етуклик, ўзига нисбатан кучли ишончга эгалик, борлиққа нисбатан хайрихоҳлик ва очиқли (Ф.Баррон); мустақиллик, зукколик, мураккаб вазиятлардаги толерантлик, эстетик дидга эгалик, гўзалликка интилиш (Х.Швет); фикрлашдаги мустақиллик, шартлар ва авторитетларни тан олмаслик, юмор ҳиссининг ривожланганлиги, жўшқинлик (К.Тейлор); ақлан ва руҳан тетиклик, жамоа томонидан эътироф этилганлардан шубҳаланиш қобилиятига эгалик, мукамал маҳсулотни яратиш мақсадида эскини бартараф этиш қобилиятига эгалик, бошқалардан ўзгача фикрлаш, мантиқийлигига эътибор бермай интуицияга таяниш, тасаввур (К.Г.Юнг); хайратланиш қобилиятига эгалик, фикрни жамлай олиш қобилиятига эгалик, нонконформизм (ижтимоий меъёр ва анъаналарни тан олмаслик), “ҳар куни қайта туғилувчи” (Э.Фромм), ўзига ишониш, юмор ҳиссига эгалик, ўз-ўзини англаш, мақсадга эришиш йўлидаги қайсарлик (Э.П.Торренс).

МДХ давлатларида эса “индивидуалнинг ўзига хос (оргинал) кадриятларни яратиш, маълум чегаралардан чиққан ҳолда ностандарт қарорларни қабул қилиш, ижодий имкониятларнинг интеграл тимсоли бўлган хусусиятларини намоён этувчи қобилият” [14, 521-522] сифатида креативликка эга шахслар куйидаги шахсий сифатларни ўзида намоён қилади [95]: тафаккур (конвергент, дивергент), ақлий (фикрий) фаолиятнинг сифат кўрсаткичлари (тафаккурнинг кенглиги, тезкорлиги, мослашувчанлиги, ўзига хослиги), тасаввурнинг кенглиги, ижодий муҳитни ҳис қилиш, интеллектуал ташаббус (ижодий фаоллик, муаммога нисбатан тоқатсизлик); ижодий тасаввур, ижодий ташаббускорлик (В.Т.Кудрявцев); қизиқувчанлик, тасаввурнинг кенглиги, мураккаблик, таваккал қилишга мойиллик (Е.Туник); юқори даражадаги билиш мотивацияси, юқори даражадаги тадқиқий-ижодий фаоллик, тафаккурнинг мослашувчанлиги, тафаккурнинг тезкорлиги, башоратлаш ва бошқалардан аввал пайқаш, эстетик, ахлоқий, интеллектуал жиҳатдан юқори баҳолашни таъминловчи идеал эталон (андоза)ларни яратиш (А.Матюшкин); тасаввурнинг кенглиги,

хиссий ривожланганлик, нутқнинг ривожланганлиги, ижодий тафаккур, билиш фаоллиги, ижодий ҳис қилиш (Е.В.Гончарова); индивиднинг қобилият нишонлари ва мойиллик, интеллектнинг намоён бўлиш кучи, миждознинг ўзига хослиги, характерни ўзига хос жиҳатлари, қизиқишлар ва мотивация, интуитивлик, ўз фаолиятини ташкил эта олиш хусусиятлари (В.А.Моляко); интеллектуал фаоллик, умумий аклий қобилиятлар, мотивлар (Д.Б.Богоявленский); билиш мотивацияси, ижодий тафаккур, шахснинг ижодий сифатлари (Е.В.Гетманская); ижодий қобилият ва эстетик дид (Т.А.Барышева); янгиликни ҳис қила олиш, объектнинг таркибий тузилмасини қайта шакллантириш қобилияти, иждокорликка йўналганлик, танқидий ёндашиш, билиш малакасига эгалик ва билишга интилиш, ўз-ўзини иждобий баҳолаш, ўз кучи ва имкониятларига ишониш, гўзалликни севиш туйғусининг ривожланганлиги, ўз қобилияти ва имкониятларини амалда намоён этишга интилиш, рефлексия қобилиятига эгалик, ўз-ўзини баҳолаш қобилиятига эгалик (Е.Н.Степанов); илмий фаразларнинг тезкор туйғилишини таъминловчи қобилият; бир муаммодан бошқасига ассоциатив кўчиш; алоҳида элемент (ғоя)лар ўртасидаги ўхшашликларни топиш; бир ғояни билвосита ўзгача талқинда ифодалаш; интуитив зийраклик (С.Медник); билишга нисбатан мотивацияга эгалик, тадқиқотчилик-ижодий фаоллик, оригинал ечимларга эришиш қобилиятига эгалик, эталонларни яратиш қобилиятига эгалик (А.Матюшкин); мустақиллик, зийраклик, ўзининг ва ўзгаларининг хаёлий, янги ва ғайриоддий ғояларини қабул қилишга тайёрлик; ноаниқ ва ҳал қилиб бўлмайдиган вазиятларга нисбатан юқори даражада иждобий муносабатда бўлиш; бундай вазиятларда конструктив фаоллик кўрсатиш; эстетик туйғуларнинг ривожланганлиги; гўзалликка интилиш; ўзининг қобилияти ва характерни кучига ишониш; юксак интеллект, ўқимишлилик (В.Н.Дружинин).

Н.В.Кондратьева психологик нуқтаи назардан креативликни “индивид руҳиятининг одатий бўлмаган қарорларни қабул қилиш, тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этишга қизиқиш, ўз-ўзини ривожлантириш, мутлақо

янги, ғоялар, махсулотларни яратишга имкон берадиган ҳамда унинг бутун ҳаётий фаолиятига таъсир кўрсатувчи сифат жиҳатидан ўзгариши” [110] дея эътироф этса, С.Медник ижодий қобилиятга конвергент (муस्ताқиллик тушунчаларни ўзаро ўхшаш белги ва хоссалар жиҳатидан ўхшатиш) ва дивергент (тушунчалар ўртасидаги тафовут ва фарқларни аниқлаш) тафаккурнинг синтези, креативликка эга ассоциатив жараёнлар сифатида ёндашади [110].

Н.В.Кондратьева, В.П.Ковалёвлар кичик мактаб ўқувчиларида креативликни ривожлантириш муаммосини тадқиқи этар экан, таянч тушунча сифатида “креативлик” тушунчасини Ф.Гальтон, Г.Айзенк, Л.Термен, Р.Стернберг, Э.Торренс, Л.Кропли каби хорижлик тадқиқотчиларнинг таҳлилий мулоҳазаларига таянган ҳолда қуйидаги мазмунни ифодалашини кўрсатиб ўтади: 1) умумий ақлий иқтисдорнинг муҳим таркибий қисми; 2) универсал билиш қобилияти; 3) шахснинг барқарор хусусияти.


Муаллифнинг таҳлиллари Ф.Гальтон, Г.Айзенк, Л.Термен, Р.Стернберг, Э.Торренс, Л.Кропли каби тадқиқотчиларнинг шахс креативлигини ривожлантиришга нисбатан когнитив ёндашишлари креативликни руҳий фаолликнинг мустақил, махсус шакли дея эътироф этилишига имкон бермайди. Уларнинг фикрига кўра, креативлик – интеллектнинг ахборотни зарур томонга ўзгартира олиш, ҳар томонлама қайта ишлашга имкониятидан фойдаланиш усули.

Р.Стернберг креативликнинг таркибий тузилмаси уч махсус интеллектуал қобилият: 1) синетик – муаммони янги талқинда англаш, тафаккурнинг дастлабки усулидан воз кечиш; 2) таҳлилий – ғояни қайта ишлашни давом эттиришнинг қанчалик фойдали эканлигини баҳолаш; 3) амалий-концептуал – бошқаларни ғоянинг амалий қийматга эгаллигига ишонтира олиш [110].

Бир гуруҳ муаллифлар томонидан креативлик сифатлари дея эътироф этилган сифатлар билан танишиш асосида аксарият ҳолатларда креативлик

сифатлари, уларнинг даража кўрсаткичлари, шахсда креативлик сифатларини шакллантириш вазифалари ҳамда креатив маҳсулот тавсифи ўзаро қориштириб юборилганлигига ишонч ҳосил қилинди. Бу сабабли муаллифларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда креативлик сифатлари, уларнинг даража кўрсаткичлари, шахсда креативлик сифатларини шакллантириш вазифалари ҳамда креатив маҳсулот тавсифини ифодаловчи тушунчаларни туркумлаштиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Дастлабки ҳаракат назарий таҳлил, мактаб амалиётини ўрганиш ҳамда ўқувчилар фаолиятини педагогик кузатиш натижаларига кўра ўсмир ҳамда ўспирин ёшидаги ўқувчиларда намоён бўладиган креативлик сифатларини аниқлашдан иборат бўлди. Қуйидаги сифатлар ўсмир ва ўспирин ёшидаги ўқувчиларнинг креативлик сифатларига эгаллигини белгилайди, деган хулосага келинди (1.2.2-шакл):



**1.2.2-шакл. Ўсмир ҳамда ўспирин ёшидаги ўқувчиларда намоён бўладиган муҳим креативлик сифатлари**

Қуйидаги ўсмир ҳамда ўспирин ўқувчиларда намоён бўладиган креативлик сифатларининг тавсифи хусусида тўхталиб ўтади.

**1. Ҳиссий ривожланганлик.** Ўқувчиларнинг ҳиссий (қулиш, қувониш, қайғуриш, йиғлаш, ҳамдардлик, таъсирланиш, завқланиш, ижобий ёки

салбий баҳолаш каби) кечинмаларини ифодалай олиш имкониятига эгаллигини билдиради. Кэррол Э.Изард [151] шахсга хос ҳиссий сифатлар сирасига қизиқиш-ҳаяжонланиш, қувонч, хайрон қолиш, қайғу-алам, нафрат, жирканиш, қўрқув, уят, айбдорлик кабиларни киритади. Б.И.Додонов [151] эса ҳиссиётларни қуйидагича таснифлайди: альтуристик (ёрдам олишга бўлган сезиш), коммуникатив (мулоқот қилиш эҳтиёжи), глорик (ўз-ўзини тасдиқлаш, обрў-эътибор қозонишга интилиш эҳтиёжи), амалий (фаолиятни амалга ошириш эҳтиёжи), романтик (сирлиликка интилиш эҳтиёжи), пугник (курашиш, таваккал қилиш эҳтиёжи), гностик (янги билимларни ўзлаштириш эҳтиёжи), эстетик (гўзалликдан завқланиш эҳтиёжи), гедоник (қулайликка интилиш эҳтиёжи), акзитив (ниманидир (масалан, маркани) йиғиш, тўплашга бўлган эҳтиёж).

Шахснинг ҳиссий ривожланганлиги шунинг учун муҳимки, у таъсирланиш, завқланиш ёки истиробнинг креатив маҳсулотда, унинг моҳиятида акс этишини таъминлайди. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришда уларнинг ҳиссий ривожланган даражасини ҳам ҳисобга олиш муҳимдир.

**Қизиқувчанлик.** Мазкур сифат “шахснинг ностандарт вазифаларни ўзига хос тарзда ечишга бўлган қобилиятини ифодаловчи хулқ-атвор хусусияти” [113] бўлиб, ўқувчи ўзининг қизиқувчанлиги туфайли ҳар қандай муаммони қабул қилишга, унинг ечимини излашга тайёр бўлади. Қизиқувчанлик, энг аввало, шахсни креатив фикрлашга, бошқалардан фарқли бўлган қарорларни қабул қилишга ундайди. Қолаверса, ўзининг ёки атрофдагиларнинг янги ғояларига таянган ҳолда креатив маҳсулот яратишга нисбатан мотивацияни юзага келтиради.

Психологлар боланинг бу каби ҳаракатларини ёқлашади. Зеро, ақлий жиҳатдан етарлича ривожланган шахсина ўзи учун нотаниш бўлган предметнинг тавсифини унинг ишлаш принципини ўрганиш асосида англашга ҳаракат қилади. “Технология” дарсларида ўқувчиларни ишдан чиққан уй-рўзғор жиҳозлари – дазмол, соч қуритиш асбоби, музлатгич,

микротўлқинли печ, тикув ҳамда кир ювиш машинаси ва бошқаларнинг ишлаш принципи билан уларни бевосита қисмларга ажратиш, ажратилган қисмларни қайта йиғишга ундовчи ўқувчи топшириқларидан фойдаланиш, айниқса, топшириқларни бажариш жараёнини беллашув, мусобақага айлантириш ўқувчиларда нафақат қизиқувчанликни, шу билан бирга, интуицияни, ижодий тафаккурни ҳам ривожлантиради.

**2. Эстетик туйғу ва эстетик дидга эғалик.** Ўз моҳиятига кўра, эстетик туйғу “реал воқелик ёки санъат асарларини эстетик қабул қилиш жараёнида юзага келадиган ҳиссий ҳолат” [152]ни, эстетик дид “шахснинг турли эстетик объектларни табақавий идрок этиш, баҳолашдаги қониқиши ёки қоникмаслиги (“ёқиши-ёқмаслиги”), борлиқ ҳамда санъатдаги гўзалликни хунукликдан ажрата олиши, содир бўлаётган ҳодисалардаги фожиавий ва кулгули ҳодисаларни этик, эстетик жиҳатдан фарқлаш туйғусига асосланган қобилияти” [152], “асл гўзаллик, ифодавийлик ёки хунукликни, фожиавий ёки кулгули ҳолатларни кўриш, ҳис қила олиш, тушуниш ва уларни тўғри баҳолашни ифодаловчи нозик ва мураккаб малака” [53, 34]ни англатади.

Шу сабабли “Технология” дарсларида ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантиришда ҳар бир янги ғоя, янги маҳсулотнинг эстетик жиҳатига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

**3. Мустақиллик.** Мазкур сифат ўқувчиларнинг креатив ғояларни илгари суриш, кўплаб янги креатив ғояларни яратиш, уларни эркин, ижодий таҳлил қилиш, кўплаб вариантлар, муқобиллар орасидан энг самарали креатив ғояни танлаб олишга қаратилган мустақил ҳаракатларни ташкил этиш имкониятига эғаликни ифодалайди.

“Технология” дарсларида амалий машғулотлар бюджетининг назарий машғулотларга нисбатан кўп бўлишини таъминлаш ҳисобига ўқув топшириқларини ўқувчилар томонидан мустақил бажаришга эришиш уларда мазкур сифатни самарали тарбиялашга имкон яратади.

**Ижодий тасаввур.** Моҳиятига кўра, “ижодий тасаввур” икки хил маънони ифодалайди. Яъни: биринчидан, “ўтмишда эгалланган тажрибага

кўра психологик компонентларни қайта ишлаш йўли билан янги образларни яратишга бўлган қобилият” [88]; иккинчидан, “мавжуд тушунчаларни қайта қуриш йўли билан предмет ёки воқеликни қайта акс эттирувчи рухий жараён” [88]. Ижодий тасаввур “Технология” дарсларида янги мавзу бўйича бериладиган ўқув топшириқларининг ўқувчилар томонидан бажаришда ўқув фанидан аввал ўзлаштирилган мавжуд билимларини қайта шакллантириш ва янги тушунчалар билан бойитиш орқали креатив ғоя ёки маҳсулотнинг образини яратишга ёрдам беради.

**4. Интеллектуал фаоллик.** Фаолият кўринишларидан бири сифатида ақлий жиҳатдан камол топиш, уни юқори даражада намоён этиш шахснинг интеллектуал фаолликка эга бўлиши учун замин яратади. “Интеллектуал фаоллик – бош мия функциялари, унинг қўшимча имкониятларини ривожлантиришга ҳамда шахс интеллектини даражасини оширишга йўналтирилган фаолияти” [97] бўлиб, у ўқувчиларнинг “Технология” дарсларида ўқув топириғини бажаришда масалани ҳар томонлама таҳлил этиш, бир неча вариантда ечимларни таклиф қилиш, уларни қайта таҳлил қилиш орқали энг мақбул ечимни танлаш, янги ташаббус билан чиқиш, кўплаб креатив ғояларни илгари суриш лаёқатига эгалликларидан далолат беради.

**5. Таваккал қилишга мойиллик.** Ўз моҳиятига кўра “таваккал” тушунчаси аксарият ҳолатларда бизнес соҳасида қўлланилади. Ушбу тушунча арабчадан олинган бўлиб, луғавий жиҳатдан “умид боғлаш”, “суяниш”, “ишониш”, ғоявий нуқтаи назаридан “оқибат-натижа қандай бўлишидан қатъи назар, бирор ишга жазм қилиш, нима бўлса бўлар, ё остидан ё устидан зайлида қилинган ҳаракат” [84, 629], “кутилган натижага эришиш, муваффақиятсизликлар ва мақсаддан оғиш эҳтимолини миқдор ва сифат жиҳатдан баҳолаш имконияти бўлган жараёнда ҳамда танлаш имкони бўлмаган вазиятларда ноаниқликларни бартараф этиш билан боғлиқ фаолият” [12, 104] маъноларини англатади. Аксарият ҳолатларда таваккалчилик (таваккал қилишга мойиллик) шахсга хос салбий фазилат дея талқин этилган. Бироқ, бугунги кунда психология, социология, бизнес



соҳаларида таваккалчилик (таваккал қилишга мойиллик) шахс журъатини ифодаловчи тушунча сифатида эътироф этилмоқда. Жумладан, “таваккал қилишга мойиллик – индивидга хос бўлган характер хусусиятлари: мустақиллик, етакчи (устун) бўлишга интилиш, таъсирчанлик, муваффақият қозониш истагига эгалик билан боғлиқ шахсий сифат” [128]. Дарҳақиқат, шундай.

**6. Муаммога нисбатан тоқатсизлик.** Креатив шахс одатда муаммоларга нисбатан тоқатсиз бўлади, яъни муаммонинг мавжудлиги уни хотиржам бўлишига йўл қўймайди. Шу боис у гарчи муаммо жуда мураккаб бўлса-да, уни ҳал қилишга киришади. Муаммони ижобий ҳал қилиш йўллари излайди. Табиийки, “Технология” дарсларида ҳам муаммонинг ечимини излаган ўқувчи уни албатта топади. Қолаверса, муаммонинг ечимини излаш жараёнида ўқувчида уни ҳал қилишга имкон берадиган янги ғоялар туғилади. Янги ғоялар ўзига хос креатив маҳсулотларнинг яратилишини таъминлайди. Бунда, энг муҳими, фан ўқитувчилари ўқувчиларни муаммога рўпара қила олишлари зарур. Ёки ўқувчиларнинг ўзлари томонидан ташаббус кўрсатган ҳолда муаммоларни илгари суриши, кичик гуруҳлар ёки жуфтликда уни ҳал этишга интилишлари мумкин.

Ўқув кейслари “Технология” дарсларида ўқувчиларни муаммони ҳал қилишга жалб этиш имкониятига эгалиги билан алоҳида дидактик аҳамият касб этади. Ишнинг 2.2-§да “Технология” ўқув фани бўйича яратилган ўқув кейсларидан намуналар келтирилган.

**7. Танқидий фикрлаш қобилиятига эгалик.** Мазмунан танқидий фикрлаш (ингл. “critical thinking”) “нарса ва ҳодисаларни таҳлил қилишда асосланган хулоса, баҳоларни шакллантириш, изоҳлаш, шунингдек, олинган натижаларни турли вазиятларда ва мавжуд муаммоларни ҳал қилишда лозим даражада қўллашда фойдаланиладиган муҳокамалар тизими” [107], “маълум ишни бажаришдан келиб чиққан ҳолда мақбул ечимларни узлуксиз текшириш ва синаб кўришдан иборат аҳамиятли даражадаги когнитив стратегия” [103] бўлиб, одатда фикрлашнинг мазкур тури шахснинг олинган

ахборотга шубҳа билан қараши орқали унинг ишончилигини бевосита текшириш, таҳлил қилиш, далиллар билан асослашни тақозо этади.

Психология ва педагогика йўналишларида “танқидий фикрлаш” (“танқидий тафаккур”) тушунчаси Ж.Пиаже, Ж.А.Браус, Ж.Брунер, Д.Вуд, Л.С.Выготский, Ж.Дьюи, Ж.Кларк, Р.Пол, Д.Халперн, Р.Энник каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Р.Энник ўз тадқиқотларида шахснинг танқидий тафаккурга эгалигини қуйидаги ҳолатларда кўриш мумкинлигини айтиб ўтади: фикрни аниқ ифодалаш; асословчи далилларни излаш; ахборот билан етарли даражада таъминланишга интилиш; муқобилларни топиш; зукколик; етарлича асос бўлмаса, маълумотларни муҳокама қилмаслик [107].

Танқидий фикрлаш қобилиятига эга шахсда қуйидаги хусусиятлар намоён бўлади: борлиққа оид билимларни ўзлаштиришда далиллар ҳамда ғоялар ўртасидаги сабаб-оқибат алоқаларини тушуна олади; ишончли далил ва ғояларнинг муҳимлигини аниқлаш имкониятига эга; бошқаларнинг нуқтаи назарларини тан олади ва муносиб баҳолайди, асословчи далилларни кўриб чиқади; муҳокамалар жараёнида номувофикликларни, хатоларни кўрсатади; юзага келган муаммоларни изчил ва режали равишда ҳал қилиб боришга ҳаракат қилади; ўзининг шахсий ишончи, ғоялари ва қадриятларини асослаш юзасидан мушоҳада юритади [108].

“Технология” дарслари ҳамда дарсдан ташқари шароитда ташкил этилган тўғараклар фаолиятини ўзаро уйғунлиги асосида ўқувчиларнинг хунармандчилик – дурадгорлик, кандакорлик, дўппидўзлик, заргарлик, каштачилик, соатсозлик, дизайн соҳаларида буюмларини ясаш жараёнида материални танлашдан бошлаб, токи тайёр маҳсулотни тайёрлашгача бўлган босқичларда амалий фаолиятни ташкил этишда креатив ғояларни илгари суриш, уларни асословчи ғоялар билан бойитиш, сабаб ва оқибат ўртасидаги ўзаро алоқадорликни топиш, ўқитувчи томонидан қўлланилган “Нотўғри диктант”, “Мантиқий чалкаш занжир” каби интерметодлар ёрдамида баён қилинган хатоларни аниқлаш, уларни бартараф қилишдан иборат танқидий фикрлаш қобилиятига эга бўлишлари таъминланади.

**8. Ижодий фаолиятга йўналганлик.** “Иқтидорли шахс томонидан ташкил этилиб, моддий ва маънавий кадриятли маҳсулотларни яратишга қаратилган фаолият ҳамда шахсга хос индивидуал-психологик хусусият” [69, 23] бўлган ижодкорлик хусусиятини ўзида намоён этувчи фаолият шахс фаолиятининг муҳим таркибий қисми саналади. Бинобарин, ижодкорлик лаёқати ҳар бир шахсга хос. Бу хусусият, айниқса, болаларда яққол кўзга ташланади. Бироқ, барча болалар ҳам келажакда ижодкор бўлиб етишавермайди. Бунинг асосий сабаби – боладаги ижодкорлик сифатларини ўз вақтида кўра олмаслик ва уни ривожлантирмасликдир. Бугунги кунда креатив шахсни камол топтириш масаласи долзарблик касб этаётган мавжуд вазиятда нафақат болалар, балки ўсмир ҳамда ўспирин ёшидаги ўқувчиларда ҳам ижодкорлик сифатларини ривожлантириш, уларни мактабгача таълим давридан оқ ижодий фаолиятга йўналтириш талаб этилади. Чунки, айнан ижодий фаолият шахснинг креативлик сифатларини ривожлантириш учун замин тайёрлайди. Ўқувчиларнинг ижодий фаолиятга йўналганлиги уларда санъат (музыка, рақс, цирк, театр, кино, ҳайкалтарошлик, халқ хунармандчилиги) ҳамда техника соҳаларида ижодий қобилиятни намоён қилишда акс этади. Ижодий йўналганлик шуниси билан аҳамиятлики, унинг таъсирида шахс ижтимоий ва табиий борлиқни эстетик идрок этиш, гўзалликни кадрлаш, уни яратишга интилиш орқали эстетик дидга эга бўлишни англади.

“Технология” дарсларида ўқувчиларни ижодий характердаги ўқув топшириқлари – совға қутиларини ясаш, мева, полиз экинлари уруғлари, сомон, чиғаноқлар, пластилин, сувқовоқ, табиий материаллар, табиат инъомлари, табиий иплар, тўқиш асбоблари, дарахт шоҳлари, илдизлари, қалин ва юмшоқ матолар, қаттиқ ва юмшоқ картонлар, ватман қоғози, А4 ўлчамдаги қоғозлар, маккажўхори пояси ва барги, турли катталиқдаги дарахт барглари, тикан, исирик, алюмин ёки мис симлар, тош, ёнғоқ, бодом ва писта пўчоқлари, қамиш, қалампир, ойна, сопол плита, гул тожибарглари, тухум пўсти каби хом ашёлардан планшет, миниатюра,

“Гуллар”, “Оққуш”, “Кўза” ва “Манзара”, кашта усулидаги композициялар, инстоляция, гербарий, композицияларни яратиш [69, 38], карвинг ҳосил қилиш, тўқиш ва бичиш маҳсулотларини тайёрлаш кабиларни бажаришга жалб қилиш орқали уларни ижодий фаолиятга йўналтириш мақсадга мувофиқдир.

**9. Интуитивлик.** Ўз моҳиятига кўра “интуитивлик” тушунчаси “ички сезгирлик”, “ички сезгига асосланиш” маъносини англатади. “Интуиция” тушунчасини Я.А.Пономарев “англанмаган билим бўлиб, уни ихтиёрий эгаллаш мумкин эмас” [68, 21] дея талқин этади. Интуитивлик шахс томонидан когнитив ҳамда амалий характерга эга фаолиятнинг доимий, изчил, тизимли ташкил этилиши асосида шаклланади. Интуицияни, шунингдек, тасаввурни, ривожлантириш шахсни креатив этиб тарбиялашнинг муҳим шартларидан саналади. Креатив ғоялар ўз-ўзидан туғилади, бироқ, бунга эришиш учун шахсни ёшлигиданоқ креатив фикрлашга, янгидан янги ғояларни илгари суришга, уларни таҳлил қилган ҳолда энг оптималини танлашга изчил ўргатиб бориш талаб этилади. Зеро, оёқ-қўл ҳаракатлари билан бўлгани каби мия фаолиятини ҳам доимий бўлишига эришиш, яъни, ақлий меҳнат қилиш малакаларига доимий фикрлашга одатланиш орқали эришилади.

“Технология” дарсларида креатив фикрлаш асосида ўқувчи томонидан ўқув топшириғини бажаришда ечимни топиш юзасидан бир неча вариантларни илгари суриш, улар орасидан энг мақбулини танлаб олиш, қарор (ечим)нинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилишда интуитивлик ўзига хос аҳамият касб этади.

**10. Нутқ маданиятига эғалик.** Шахснинг креативлик сифатлари орасида нутқ маданиятига эғалик алоҳида ўрин тутади. Бинобарин, креативликнинг асосини ўқув топшириқлари бўйича муқобил вариантли кўплаб ғояларни илгари суриш, уларни асослаш, уларни далиллар билан бойитиш, ғояларнинг негизини ташкил этувчи мантиқий бирлик, сабаб-оқибат ўртасидаги ўзаро изчилликни далиллаш ташкил этади. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларнинг

вербал ва новербал, оғзаки ва ёзма нутққа эга бўлишини тақозо этади. “Ўз фикрини нутқ ёрдамида мантиқли, тўғри, образли, аниқ ва ифодали етказиб бериш малакаларининг ўзлаштирилганлик даражаси” [63, 148] бўлган нутқ маданияти ўқувчининг унинг оғзаки ва ёзмани нутқни ҳосил қилишда тилшунослик талаблари (нутқнинг грамматик жиҳатдан тўғрилиги, аниқлиги, ифодавийлиги, бойлиги, тозаллиги – турли қусурлар (жаргон, вульгаризм, варваризм, канцеляризм, шева сўзлари)дан ҳоли бўлиши)га риоя қилиши, ўз фикрларини муайян изчилликда, мантиқий баён қила олиши, ҳар бир ғояни асослай билиши, далилларнинг ишончли бўлишини таъминлаши, мавҳумликни четланиши кабиларда кўринади.

“Технология” дарсларида ўқувчилар томонидан креатив ғояларни илгари суриш, тенгдошлари ва ўқитувчини уларнинг моҳияти билан таништириш, лойиҳанинг назарий ҳамда амалий қийматини баҳолаш нафақат оғзаки ва ёзма нутқ орқали, шу билан бирга бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда виртуал образли нутққа эга бўлишни ҳам тақозо этмоқда. Шу сабабли ўқувчилар чизмачилик, геометрия, тасвирий санъат каби ўқув фанларидан ўзлаштиришган билимларга таяниб иш кўришига тўғри келади. Ўқувчиларнинг, айниқса, фикрни виртуал, образли ифодалашда тасвирий санъат ва дизайн асосларидан хабардорлиги ўқув-билиш фаолиятининг қизиқарли, завқли кечишини таъминлайди.

**11. Креатив тафаккур (дивергент).** Шахснинг юқори даражадаги ақлий фаолияти кўринишларидан бири бўлиб, у ҳал қилиниши зарур бўлган масаланинг ечимини топишга ҳар томонлама, ностандарт, янгича, ўзига хос, самарали ёндашишни англатади. Креатив тафаккур тафаккурнинг барча турида бўлганидек “янги назария, ғоялар яратиш, бўлажак жараёнларни башорат қилиш кабиларда” [13, 6] намоён бўлади. Тафаккурнинг ушбу тури ҳам ўзида дивергентликни ифодалайди. “Вазифанинг ечими бўла оладиган жавобларни кўп томонлама излаш, ғояларни турли томонларга ажратиб юбориш” маъносини ифодаловчи дивергентлик (“ажралиш”, “тафовут”)

креатив тафаккур негизида янгилик яратиш, инновацияларни илгари суриш имкониятини беради.

Алан Ж. Роу креатив тафаккурнинг тўртта асосий услубини ажратиб кўрсатади. Улар:

1. Тафаккурнинг интуитив (ички сезгига асосланган) услуб рухий қобилиятга эга шахсларга хос услуб бўлиб, у ҳар кишининг жуда катта ижодий имкониятга эгалигидан далолат беради. Ўқитувчи ва ота-онанинг вазифасини ана шу ички имкониятларни рўёбга чиқаршдан иборат.

2. Тафаккурнинг новаторлик услуби мураккаб ишларда ҳам ишлашга тайёр ҳамда аниқ ва мукамал тажрибаларнинг амалга оширилишига талаб қилувчи шахсларга хос. Мазкур услуб олимлар, муҳандислар, ихтирочилар учун характерлидир.

3. Тафаккурнинг образли услуби санъат соҳасида фаолият юритувчи шахсларга тегишли бўлиб, улар одатда етакчилар бўлишади, узларининг кучли ривожланган образли тафаккури билан ажралиб туришади ҳамда ҳеч бир қийинчиликларсиз қулай имкониятларни ярата олади.

4. Тафаккурнинг руҳлантирувчи услуби ҳаётида ижтимоий ўзгаришлар рўй берган ҳамда ўзини бутунлай ишга, касбий фаолиятга бағишлаган шахсларга хос саналади [135].

“Технология” дарсларида ўқув топшириқларини амалий жиҳатдан бажаришда ечимни фақат биргина ечим билан ифодаламай, балки уни кўплаб қарорлар асосида бажариш ўқувчиларнинг креатив тафаккурга эгалигидан далолат беради.

**12. Рефлексия қобилиятига эгаллик.** Ўз моҳиятига кўра рефлексивлик “ўз-ўзини назорат ва таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш орқали соҳага доир билим, кўникма ва малакаларини изчил равишда доимий ривожлантириб бориш” [69, 50]ни ифодалайди. Рефлексивлик қобилиятига эгалликнинг афзаллиги шундаки, у ўқувчиларга ўзининг билим, кўникма, малака ва тажрибаси даражасини мустақил таҳлил қилиш ва баҳолашга имкон беради. Зеро, бозор муносабатларига асосланган мавжуд шароитда ҳар бир шахснинг

асосий касбий фаолиятдан ташқари кўшимча хунар малакаларига эга бўлиши кучли рақобат шароитида моддий неъматларни яратиш, сотиш асосида маблағга эга муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ўқувчиларнинг вақти-вақти билан ўз-ўзини таҳлил орқали “Технология” фани асосларини ўзлаштириш даражасини баҳолаб бориши мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида ўқувчиларда ривожлантирилиши зарур бўлган креативлик сифатларининг даража кўрсаткичларини аниқлашга ҳам эътибор қаратилди. Бу йўлдаги уриниш натижасида қуйидаги жадвал шакллантирилди (1.2.3-жадвалга қаралсин):

1.2.3-жадвал

### **Ўқувчиларнинг креативлик сифатлари ва уларнинг даража кўрсаткичлари**

<b>Креативлик сифатлари</b>	<b>Уларнинг даража кўрсаткичлари</b>
Қизиқувчанлик	Қизиқишнинг кучлилиги
Ҳиссий ривожланганлик	Кучли даражада ҳиссий ривожланганлик
Эстетик туйғу ва дидга эгалик	Юқори даражада эстетик туйғу ва дидга эгалик
Мустақиллик	Мустақилликнинг давомийлиги
Ижодий тасаввур	Ижодий тасаввурнинг кенглиги
Интеллектуал фаоллик	Барқарор интеллектуал фаоллик
Таваккал қилишга мойиллик	Таваккал қилишга мойилликнинг барқарорлиги
Муаммога нисбатан тоқатсизлик	Муаммога ўта тоқатсиз
Башоратлаш ва бошқалардан аввал пайқаш қобилиятига эгалик	Башоратлаш ва бошқалардан аввал пайқашнинг изчиллиги
Танқидий ёндашиш қобилиятига эгалик	Танқидий ёндашиш қобилиятининг изчил намоён бўлиши
Ижодий фаолиятга йўналганлик	Ижодий фаолиятга йўналганликнинг яққол акс этиши
Ижодий фаоллик	Барқарор ижодий фаоллик
Интуитивлик	Кучли даражадаги интуитивлик
Креатив тафаккур (конвергент, дивергент)	Креатив тафаккурнинг кенг, тезкор ва мослашувчан эканлиги
Нутқ маданиятига эгалик	Юқори даражада нутқ маданиятига эгалик
Рефлексия қобилиятига эгалик	Юқори даражада рефлексив қобилиятга эгалик

Креативликни ривожлантириш тўғридан тўғри шахснинг ҳаётий тажрибаси, билим даражаси, ҳаёт тарзи ҳамда унинг шахсларо муносабатларининг мазмуни билан боғлиқ [49]. Шу сабабли креатив

тафаккурни ривожлантириш қуйидагиларни талаб қилади: шахснинг ўзини ижодкор ва ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида тасаввур қилиши; мустақил бўла олиш ва ташқи талабларга қарши тура олиши; бошқаларнинг тахминларига нисбатан ўз фикрини билдириш лаёқатига эга бўлиши, шу билан бирга “Агар шундай бўлса-чи, ...” дейиш асосида ҳаракатланиш истагида бўлиш ва унга тайёрлик; қизиқувчан, зеҳнли, аввалдан бирор-бир қатъи фикрга эга бўлмаган ҳолда қандайдир янги нарсага тайёр бўлиш; куч-қувватга тўла бўлиш; зийрат ва кузатувчан бўлиш; қарама-қарши нарсаларни ўзаро бирлаштира олиш; ўз ғоялари ва фикрлари баён қила ва бошқаларни ишонтира олиш; юмор ҳиссига эгалик.

Шундай қилиб, “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришда устуворлик касб этувчи тамойилларини аниқлаш ана шу мақсадга йўналтирилган педагогик жараён самарадорлигини оширади. Тадқиқотни олиб бориш даврида тизимлилик, изчиллик, амалий фаолиятга йўналганлик, ижодий характерга эгалик, интеграллашув, мувофиқлик, интерфаоллик, амалий қийматга эгалик, эстетик таъсирга эгалик ҳамда рефлексивлик “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга қаратилган жараёнда устуворлик касб этувчи тамойиллар эканлиги аниқланди. Муаммонинг тадқиқий натижалари шахсда шаклланиши ва ривожлантирилиши зарур бўлган креативлик сифатлар мажмуини белгилаш имконини ҳам берди. “Технология” дарсларида ўқув топшириқларининг муаммоли, ижодий, креатив характер касб этишини таъминлаш орқали ўқувчиларда ҳиссий ривожланганлик, қизиқувчанлик, эстетик туйғу ва эстетик дидга эгалик, мустақиллик, ижодий тасаввур, интеллектуал фаоллик, таваккал қилишга мойиллик, муаммога нисбатан тоқатсизлик, танқидий фикрлаш қобилиятига эгалик, ижодий фаолиятга йўналганлик, интуитивлик, нутқ маданиятига эгалик, креатив (дивергент) тафаккур, рефлексия қобилиятига эгалик каби креативлик сифатлари ривожлантирилади.



### 1.3-§. Ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантиришга оид хориж тажрибаси

Глобаллашув шароитида мустақил фикрловчи, ижодкор шахсни тарбиялаб вояга етказишни ифодаловчи ижтимоий-педагогик талаб янги тамойиллар билан бойитилган ҳолда такомиллашувга эришиб бормоқда. Агарда мустақил фикрловчи, ижодкор шахсни тарбиялаб вояга етказиш талаби педагогик фикрлар ва мактаблар тараққиёти тарихининг дастлабки босқичларида ижтимоий субъектнинг эстетик ҳиссиётларга бой бўлишига эришиш негизида қондирилган. Кишилиқ муносабатлари тарихининг кейинги даврларида шахс фаолиятининг ўзига хос оригинал, жузъий ғояларга эга бўлишига эришиш билан тавсифланган.

Хорижий давлатларда қарийб бир аср мобайнида креатив тафаккур моделларини ишлаб чиқиш йўлида амалий изланишлар олиб борилмоқда. Ҳозирга қадар Г.Уоллас, К.Россман, А.Осборн, Д.Перкинс, С.Исаксен, Д.Треффингерлар креатив тафаккур моделларини ишлаб чиққан.

Сильвано Ариети (Silvano Arieti)нинг 1965 йилда яратилган “Ижодкорлик: мўъжизавий синтез” номли асарида 1908 йилдан токи 1964 йилга қадар тадқиқотчилар томонидан тақлиф этилган шахс креатив тафаккурнинг мумтози моделлари, уларнинг моҳияти таҳлил қилинган [154]. Таҳлил натижаси хорижий давлатлар таълим тизимида креатив тафаккурнинг қуйидаги моделлари асосланиб, шахснинг ижодий қобилиятини ривожлантиришда ундан самарали фойдаланилаётганлигини кўрсатди:

***I. Уоллас Грэм (Graham Wallas; 1926 йил) модели:*** 1. Тайёргарлик босқичи (муаммонинг қўйилиши, ахборотларни излаш, оммалашган йўлларни ўрганиш билан характерланади). 2. Инкубация (яратилиш) босқичи (ғоянинг пишиб етилишини, агарда оммалашган йўллар муаммони ҳал қилишга ёрдам бермаса, у ҳолда топшириқни бажариш (муаммони ҳал қилиш)нинг кечиктирилишини ифодалайди). 3. Фикрнинг тиниклашиш босқичи (янги ғоянинг яратилиши учун қулай вазият юзага келади). 4. Ғоянинг

ишончилиги аниқлаш босқичи (ечим ҳар томонлама таҳлил қилинади, амалиётга мослиги ва яроқчилиги аниқланади).

**II. Бетти В. Россман (Betty V. Rossmann; 1931 йил):** 1. Эҳтиёж ёки муаммони аниқлаш. 2. Эҳтиёж ёки муаммони таҳлил қилиш. 3. Маълумотларни умумлаштириш асосида муаммони ўрганиш. 4. Барча ечим вариантларини шакллантириш. 5. Ечим вариантларини уларнинг афзаллиги ва камчилиги нуктаи назардан таҳлил қилиш. 6. Ихтиро қилиш – янги ғояларнинг туғилиши. 7. Энг самарали ечимни топиш мақсадида тажриба ташкил этиш, оптимал ечимни танлаш ва уни қайта ишлаб, охирига етказиш.

**III. Алекс Осборн (Alex Osbourne; 1953 йил):** 1. Йўналтириш (муаммони аниқлаш). 2. Тайёргарлик (муаммога тааллуқли ахборотларни йиғиш). 3. Таҳлил (ахборотларни таҳлил қилиш). 4. Муқобил ғояларни тўплаш. 5. Инкубация (далилларни ёритиш). 6. Синтез (алоҳида-алоҳида ғояларни умумлаштириш). 7. Баҳолаш (ғояларни баҳолаш).

Сўнги қирқ йил ичида креатив тафаккурнинг мумтоз моделлари мазмунан такомиллашиб, янги ғоялар билан бойтилган. Жумладан:

**I. Дуайт Х.Перкинс (Dwight H.Perkins; 1981 йил).** 1. Чалкашликлар келиб чиқмаслиги учун мавжуд эҳтиёжларни тартибга солиш. 2. Ақлий мобиллик. 3. Бошқалардан ажралиб турадиган муаммони топиш қобилияти. 4. Таваккал қилиш, мағлубиятга учраш истагининг бўлмаслиги. 5. Иш юзасидан жиддий танқидий фикрларни эшитиш ва уятни ҳис қилмаган ҳолда тажрибали ҳамкасбларнинг ёрдамларига мурожаат қилиш қобилияти. 6. Кучли эътиқод ва ўз қарашларига бўлган ишончга асосланган ички мотивация.

**II. Дон Коберг (Don Koberg), Жим Багналл (Jim Bagnall; 1981 йил).** 1. Вазиятни қабул қилиш (даъват сингари). 2. Таҳлил (“муаммолар дунёси”ни очиш учун). 3. Аниқлаш (асосий саволлар ва мақсад). 4. Ғоя (вариантларни яратиш учун). 5. Танлаш (вариантлар орасидан танлаш учун). 6. Амалиётга жорий этиш (ғояни ҳаракатга айлантириш учун). 7. Баҳолаш (қайта кўриб чиқиш ва қайтадан режалаштириш).

**III. Джеймс Ф. Бандровский (James F. Bandrowski; 1985 йил).**

1. Таҳлил. 2. Стандарт режалаштириш. 3. Ривожланишни англаш. 4. Ижодий ёндашув. 5. Ижодий пойга. 6. Стратегик алоқалар. 7. Ечим. 8. Концепция яратиш. 9. Танқидий муҳокама. 10. Режалаштириш. 11. Ҳаракатларни режалаштириш. 12. Кутилмаган вазиятлар учун ижодий режалаштириш. 13. Ҳаракат. 14. Ғояни мослашиш асосида жорий этиш. 15. Мониторинг натижалари.

**IV. Скотт Г. Исаксен (Scott G. Isaksen), Дональд Ж. Треффингер (Donald J. Treffinger; 1985 йил).**

1. Мақсад (мақсадни қўйиш). 2. Далиллар (далилларни аниқлаш). 3. Муаммо (муаммони қўйиш). 4. Ғоя (ечим бўйича бир неча вариантларни илгари суриш). 5. Ечим (бир неча вариантлар орасидан оптимал ечимни аниқлаш). 6. Ечимни ифода қилиш.

**V. Роберт Фриц (Robert Fritz; 1991 йил).** 1. Нишона (илк учкун)га эга бўлиш. 2. Башоратлаш. 3. Мавжуд реаллик. 4. Ҳаракат қилиш. 5. Тўғрилаш, ўрганиш, баҳолаш, тўғрилаш. 6. Яратишга ундовчи сабаб. 7. Яқунлаш. 8. Ўз ижод маҳсулидан фойдаланиш.

**VI. Сидни Дж. Парнс (Sidney J. Parnes; 1992 йил).** 1. Объектив топилма. 2. Далилларни аниқлаш. 3. Муаммони излаш. 4. Ечимни излаш. 5. Топилмани қабул қилиш.

Креатив тафаккур мумтоз моделлари билан танишиш ижодкорлик ва креативлик ўртасидаги фарқларни аниқ кўра олиш имконини беради. Фикримизча, улар ўртасидаги фарқ қуйидагилардан иборат (2.1.1-жадвал).

Креатив тафаккурнинг замонавий моделлари билан танишиш асосида шундай хулосага келинди: креатив тафаккур даражаси фикрий тезлик, вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилиш, ечим сифатида кўплаб ғояларни илгари суриш, уларни синтезлаш, энг мақбул вариантни ечим сифатида танлаш, ечимни баён қилиш, ечим асосида амалий қийматга эга маҳсулотни яратишга қаратилган фикрий + кинестетик ҳаракатнинг самарадорлиги билан аниқланади.

## Ижодкорлик ва креативлик ўртасидаги фарқлар

Сифат	Мақсад	Жараён	Натижа	Амалий қиймати
Ижодкорлик	Бадиий-эстетик қийматга эга ижод маҳсули (асар, маҳсулот)ни яратиш	1. Ҳиссий таъсирланиш. 2. Ғоянинг юзага келиши. 3. Ғояни асослаш. 4. Ғояга асосан ижод маҳсули (асар, маҳсулот)ни яратиш	Бадиий-эстетик қийматга эга ижод маҳсули (асар, маҳсулот)га эга бўлиш	Шахсга бадиий-эстетик завқ бериши, бадиий-эстетик дидни қондириши
Креативлик	Яратиш, бунёд этиш имконини берувчи оригинал ғояларни илгари суриш	1. Муаммони англаш. 2. Сабаб-оқибат тамойили бўйича муаммо ечимини топиш учун барча маълумотни таҳлил қилиш. 3. Муаммонинг ечими бўйича кўплаб ғояларни илгари суриш. 4. Мавжуд ғояларни таҳлил қилиш орқали улар орасидан самарали бўлган ечимни аниқлаш. 5. Ечимни баён қилиш	Яратувчанлик (янгиликлар киритиш, қайта яратиш, ўзгартириш, асослаш, тузиш) характериға эга ғояларга эга бўлиш	Шахсда яратиш, бунёд этишга бўлган рағбатни юзага келтириш, яратувчанлик қобилиятини ривожлантириш

Шахсда креативликни шакллантириш ва ривожлантиришда америкалик психолог, педагог Э.П.Торренс [132; 133]нинг алоҳида ўрни бор. Э.П.Торренс [132; 133] ўз олдига “шахсда креативликни қандай қилиб самарали шакллантириш мумкин?” деган саволни қўйиб, унга амалий ечим топишга уринди. Амалий ечим сифатида тестлар тўпламини таклиф қилди. Ушбу тестларининг мақсади шахснинг муаммоли вазиятларга муносабатини, муаммоли вазиятларни ҳал қилишга бўлган иштиёқ ҳамда креативлик сифатларига эгаллигини аниқлашдан иборат [132; 133].

Айни ўринда шуни ҳам қайд этиб ўтиш жоизки, Э.П.Торренс ўз даври (1988 й.)да Грэм Уолласнинг модели шахсни ижодий фикрлашга ўргатувчи,

бугунги кун учун ҳам аҳамиятли саналувчи кўплаб дастурлар учун асос бўлиб хизмат қилганлигини қайд этиб ўтган [93].


Э.П.Торренс томонидан таклиф қилинган тестлар тўплами шахснинг расмли топшириқларни бажариш орқали фикрлаш қобилиятига, фикрларни оригинал ифодалаш лаёқатига эгаллигини аниқлаш имконини беради. Респондент учта вариантдаги расмли топшириқни бажаради.

Топшириқни бажариш шартлари:


- 1) имкон қадар кўп ғояни таклиф қилиш;
- 2) расмларнинг бадиий қийматига эътибор бермаслик;
- 3) фикрлашда ўз олдида чекловларни қўймаслик.

Топшириқлар қуйидагилардан иборат:

**1. Расм чизиш** (респондентга шакли ва ҳажми оддий тухумга тенг бўлган рангли тухумсимон шакл таклиф этилади; шаклнинг ранги ихтиёрий танланади; шакл рангининг қандай бўлиши респондент томонидан таклиф қилиниши мумкин). Мисол учун респондент кўк рангдаги ушбу шакл негизида турли тасвирий кўринишларни ҳосил қилади ва уларни номлайди:



**2. Расмларни тугаллаш** (респондент 10 та тугалланмаган таянч фигуралар асосида уларни тугаллаб, янги тасвирий кўриниш ҳосил қилиши ва уни номлаши керак). Респондент штрихни кўрганда нимани тасаввур қилса, уни тасвирлаши лозим. Масалан, биринчи штрих тугалланган ҳолда очик китоб, ёнма-ён турган иккита стакан, қўшалок шар бўлиши мумкин. Респондентнинг эътиборига қуйидаги штрихлардан иборат шакллар тақдим этилади:



**3. Такрорланаётган чизиқлар.** Таянч материал 30 жуфт параллел вертикал чизиқлар саналади. Ҳар жуфт чизиқлар негизида қандайдир бир-бирини такрорлайдиган расмлар чизилиши зарур.

Ҳар қандай тестда бўлгани каби Э.П.Торренс [132; 133]нинг “Тугалланмаган расмлар” тестининг натижалари ҳам муайян мезонлар ҳамда уларга мувофиқ келувчи кўрсаткичлар ёрдамида ҳисобланади.

Айни вақтда PISA тести ўқувчиларнинг саводхонлиги, билим даражаси, назарий билимларни амалиётда қўллай олиш малакаси ўқиш саводхонлиги, математик саводхонлик, табиий-илмий саводхонлик ва компьютер саводхонлиги бўйича тўртта йўналишда баҳоланади. 2021 йилдан бошлаб креативлик PISA (Programme for International Student Assessment; Ўқувчиларнинг таълимий ютуқларини баҳолаш бўйича Халқаро дастур) тести мезонлари қаторига киритилиши кўзда тутилган [156]. PISA тести ғоялари 1997 йилда асосланган бўлиб, 2000 йилда таълим амалиётида илк марта қўлланилган. Ҳар уч йилда бир марта жаҳоннинг турли давлатларида ташкил этиладиган ушбу тест ўқувчилар томонидан эришилган таълимий ютуқлар даражасини баҳолашга хизмат қилади. Унга кўра ўқувчиларнинг

саводхонлиги, билим даражаси ҳамда мавжуд назарий билимларни амалиётда қўллай олиш малакаси баҳоланади. Тест жараёнига 15 ёшли ўқувчилар жалб этилади. Консорциум шаклида фаолият олиб боровчи PISA фаолиятига Австралия педагогик тадқиқотлар кенгаши (Australian Board of Education Research – ACER) раҳбарлик қилади. Ўз моҳиятига кўра консорциум (consortium – шериклик, биргаликда иштирок этиш; PISA – таълимий инвестицион лойиҳани биргаликда амалга ошириш учун тузилган битим) фаолиятида Нидерландия педагогик фаолият Марказий институти (National Institute of Pedagogical Occupation – CITO), АҚШнинг Таълим тестлари хизмати (Educational Testing Services – ETS), Япониянинг Таълим соҳасидаги тадқиқотлар Миллий институти (National Institute for Educational Research – NIER), АҚШнинг Вестат (WESTAT – касбий хизматлар кўрсатиш уюшмаси) ҳам иштирок этади [149].

Шахсда креативликни ривожлантиришга доир хориж тажрибаларини ўрганиш қуйидаги хулосага келиш имконини яратди:

1. Иқтисодий жиҳатдан етакчи хорижий давлатларда креативлик, шахс креативлиги ва шахс креативлигини ривожлантириш муаммоси бундан бир аср аввал тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига торган.

2. Гарчи тадқиқотчилар томонидан “креативлик” тушунчасига берилган назарий тавсифларда бир қадар фарқлар мавжуд бўлса-да, бироқ, уларнинг барчаси креативликнинг муаммо, масала юзасидан ечим сифатида кўплаб ғояларнинг илгари сурилиши, уларни ҳар томонлама таҳлил қилиниши, оригинал ечимга эга бўлишдан иборат қарашлар бўйича ўзаро кесишади.

3. Бизнинг фикримизга кўра, креативлик вақтни, кучни тежашга имкон берадиган, фойдаланишга ҳар жиҳатдан қулай бўлган маҳсулотнинг яратилишини таъминлайдиган амалий қийматга эга кўплаб ғояларни яратиш қобилияти.

4. Иқтисодий жиҳатдан етакчи хорижий давлатларда тадқиқотчилар томонидан креатив тафаккурнинг мумтоз ва замонавий моделлари ишлаб

чиқилган. Креатив тафаккур моделларини ишлаб чиқишда тадқиқотчилар фикрлаш, тафаккур юритиш жараёнидаги фикрий операциялари босқичларини инобатга олишган.

5. Уоллас Грэм, Бетти Б. Россман, Алекс Осборн, Дуайт Х.Перкинс, Дон Коберг, Джеймс Ф. Бандровский, Скотт Г. Исаксен, Роберт Фриц, Сидни Дж. Парнс каби тадқиқотчилар томонидан асосланган креатив тафаккур моделлари бугунги кунда ҳам амалий қийматга эга бўлиб, улар асосида шахсда креатив тафаккурни ривожлантириш имконияти мавжуд.

6. Тадқиқотимизга кўра, креатив тафаккур даражаси фикрий тезлик, вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилиш, ечим сифатида кўплаб ғояларни илгари суриш, уларни синтезлаш, энг мақбул вариантни ечим сифатида танлаш, ечимни баён қилиш, ечим асосида амалий қийматга эга маҳсулотни яратишга қаратилган фикрий ва кинестетик ҳаракатнинг самарадорлиги билан аниқланади.

7. Глобал ахборотлашув шароити ва инновацион таълим муҳитида ҳам шахсда креативлик сифатларини ривожлантириш муаммоси долзарблик касб этмоқда. Шу боис 2021 йилдан бошлаб ўқувчиларнинг умумий маълумот даражаси баҳоловчи PISA дастурида асосий тўрт йўналиш (ўқиш саводхонлиги, математик саводхонлик, табиий-илмий саводхонлик компьютер саводхонлиги) қаторига бешинчи йўналиш сифатида креатив саводхонликни баҳолаш мезонларини киритиш режалаштирилмоқда.

Спортчилар, тренер-педагоглар, спорт муассасаларининг раҳбарлари, спорт шифокрлари учун тавсия этилган “Креативликни ривожлантириш учун энг яхши машқлар” (“Лучшие упражнения для развития креативности”) кўлланмада муаллиф А.Г.Герцов [33] томонидан жисмоний тарбия ҳамда спорт мисолида тавсия қилинган “Нима? Қаердан? Қандай?”, “Тулливер”, “Ҳаракат воситаси”, “Ер шари юмалоқ”, “Арка”, “Кўприк” ка ҳоказо каби ўттиздан ортиқ машқ (ўйин)лар шахсни креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Мазкур фикрнинг исботини “Нима?



Қаердан? Қандай?”, “Ҳаракат воситалари” ҳамда “Спорт ҳарфлари” номли машқ (ўйин)лар мисолида кўриб чиқамиз. **(3- иловага қаранг)**

Ю.Скрипник [129] шахсда креатив тафаккурни ривожлантиришда кўйидаги беш усулнинг самарали эканлигини айтади:

**I. Морфологик матрица (қолип, андоза)дан фойдаланиш.** Бу ўринда муаллиф машҳур швейцариялик астрофизик Фриц Цвики (Fritz Zwicky) томонидан асосланган ҳамда кўплаб ғояларни ишлаб чиқариш имконини берувчи “Морфологик кути” (“Морфологик таҳлил”) методидан фойдаланишни тавсия этади. Ю.Скрипник [Скрип]нинг айтишича, мазкур метод кашфиётлар соҳасида муаммонинг ечимини топишга нисбатан тизимли ёндашиш имконини морфологик таҳлил сифатида катта имкониятларга эга. Айнан мана шу метод ёрдамида унинг асосчиси Ф.Цвики реката ишлаб чиқариш соҳасидаги кўплаб ўзига хос техник ечимларни топиш имкониятига эга бўлган [129].

Сўнги 5-10 йиллик ёндашувга кўра интерфаол методларни график органайзер, таълим стратегияси ва интерфаол метод сифатида гуруҳлаштириш анъанасига кўра “Морфологик кути” (“Морфологик таҳлил”) метод эмас, график органайзер саналади. Зеро, у ўзининг графикавий тузилмаси (жадвали)га эга. График органайзернинг жадвалида “кўп ҳолатларда сўзлардан эмас, балки қисқа, аниқ, лўнда ифодаланган рамзий белгилардан фойдаланилади. Масалан, дизайн соҳасида Марио Прикен Ф.Цвики қарашлари асосида шакллантирилган “Морфологик кути”дан логотипларни ишлаб чиқишда, Натали Ратковски эса биологик ёнғилғи манбаларини аниқлашда фойдаланган” [129; 177].

**II. Фикрий маълумотлар “омбори”ни яратиш.** Ю.Скрипник [129] бу ўринда ҳар бир шахс муайян муаммо устида ишлаш жараёнида туғилаётган ҳар бир ғояни ёдда сақлаб қолиш, ривожлантиришга аҳамият бериши кераклигига урғу беради. Ғояларни сақлаш ва уларнинг ишга тушириш механизмини аниқлашга имкон берувчи махсус контейнер (кофе идиши, туфли қутиси, стол бўлинмаси (кутиси) ёки шкаф) керак бўлади.

Муаллифнинг ёндашувиغا кўра, “Фикрий маълумотлар “омбори”ни яратишга қаратилган ҳаракатлар қуйидаги босқичларда ташкил этилади:

1-босқич. Махсус контейнер (кофе идиши, туфли қутиси, стол бўлинмаси (қутиси) ёки шкаф)ни танлаш.

2-босқич. Қизиқарли реклама лойиҳалари, бадиий асарлар, кинофильмлар, ҳатто йўриқномалардан олинган ихтибослар, ғоялар, саволлар, карикатуралар, ҳазил суратлар ёки шунчаки оддий сўзларни қоғозларга қайд этиб, ўрам ҳолатига келтириш.

3-босқич. Ўрам ҳолатига келтирилган қоғозларни махсус контейнер (кофе идиши, туфли қутиси, стол бўлинмаси (қутиси) ёки шкаф)га жойлаштириш ва уларни араштириш.

4-босқич. Махсус контейнер (кофе идиши, туфли қутиси, стол бўлинмаси (қутиси) ёки шкаф)дан ўрам ҳолатига келтирилган қоғозлардан бир жуфтини олиш.

5-босқич. Тасодифий танлов йўли билан олинган қоғозлардаги икки сўз (бир-бирларига мутлақо алоқадор бўлмаган сўзлар) асосида юзага келган ассоциациялар ёрдамида янги, ўзига хос ғояни илгари суриш.

Борди-ю, махсус контейнер (кофе идиши, туфли қутиси, стол тормаси (қутиси) ёки шкаф)дан тасодифан олинган қоғозлардаги сўзлар бир-бирига мутлақо мос келмаса, у ҳолда қайта уриниб кўриш мумкин.

**III. Нотўғри маълумотларни тўғрилаш.** Мазкур усулнинг моҳияти барча реал воқелик ўтмишга сингиб кетгунга қадар, муайян вазиятда ихтиёрий равишда маълум дақиқани танлаш, уни қоғозга қайд этиш ҳамда кейинчалик мазкур ҳолатни ривожлантиришдан иборат. Қайд этилган ҳолатни синчиклаб ўрганиш чоғида амалий қийматга эга ғояларнинг туғилиши шубҳасиз. Чунки ўқувчилар қоғозга қайд этилган ҳолатни синчиклаб ўрганиш чоғида унга тааллуқли бўлган қўшимча маълумотларни ҳам излайди. Баъзан маълумотлар бир-бирига мутлақо тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Бу жараёнда ўқувчилар олдига ягона талаб – бир-бирига мос келмайдиган ғоялар ўртасидаги зиддиятни бартараф этиш қўйилади [129].

Масалан, “карвинг сабзавотлардан тайёрланади” фикрига зид бўлган “карвинг фақатгина сабзавотлардангина эмас, мевалардан ҳам тайёрланади” деган ғояни илгари суриш мумкин. Галдаги вазифа ўқувчи айнан қайси мева карвингни яратишга асқотиши мумкинлигини топиши керак бўлади.

Ўқувчилар томонидан бу ўринда турли таклифлар билдирилиши мумкин. Масалан, ўрик, олхўри, шафтоли, олма, нок, банан. Ўқувчиларнинг фикрларига кўра, бу каби мевалардан ҳам самарали фойдаланиш мумкин. Фақатгина улар жуда пишган бўлмаслиги, имкон қадар сал қаттиқроқ бўлгани маъқул.

Ю.Скрипник [129]нинг ёндашувига кўра, мазкур усулни қўллаш якунида ўқувчилар ҳақиқатдан йироқ бўлган ҳолатдан реал воқеликка қайтади. Аммо бу усулнинг афзаллиги ўқувчилар имкониятсиз, чорасиз деб баҳоланадиган ҳолатлар учун ҳам ечим топишга ҳаракат қилишади. Демакки, уларда фикрлаш қобилияти ривожланади. Бу эса таълим сифатини яхшилаш ва самарадорлигини оширишда энг муҳим омиллардан биридир.

**IV. “Аждаҳо уни”да ушлаб туриш.** Ю.Скрипник таъкидлашига кўра, “Аждаҳо уни” [129]нинг моҳияти мавжуд ғоялар (унга мувофиқ келувчи тўғри ечимлар) ва мавжуд бўлмаган, ҳали туғилмаган ғоялар (нотўғри деб баҳоланадиган ечимлар) ўртасидаги узилиш бўлиб, айнан ана шу узилиш жойида ўзига хос ғоялар яширинган бўлади. Кимки мавжуд ғоялар ва мавжуд бўлмаган, ҳали туғилмаган ғоялар ўртасидаги узилишни боғлашдан, муаммодан чўчимаса, ана шу шахс креативлик сифатларига эга бўлади. Агарда ўқувчилар фақатгина тўғри ечимларда тўхталиб қолса, у ҳолда жуда ёрқин, жуда самарали ечимларни эътибордан четда қолдириши мумкин. Шу сабабли тўғри ечимлар хусусида эмас, балки нотўғри ечимлар ҳақида фикрлаш, ностандарт ечимларни ҳам қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Ностандарт ечимлар ахборотларнинг етарли эмаслиги, ўқувчиларнинг уларни қабул қилиш кўникма, малакаларига эгамаслиги, бу каби ечимларнинг ҳамиша ҳам тан олинавермалиги сабабли и нкор этилаётган бўлса, аждаҳо билан “қайтадан жанг бошланади”.

*У. Фикрларни ўзгартириш.* Креатив ғояларга эга бўлиш, Ю.Скрипник [129]нинг талқинига кўра, шахснинг мустақил равишда ўз қарашларини ўзгартириши ҳисобига таъминланади. Шахс истаган вазиятда креатив ғояни илгари суриши мумкин. Масалан, сайр қилиб юрган вақтда ерда ётган дарахт шохини олиб, ювиб, локлаб ёки бўёқ ёрдамида ишлаб бериш орқали ромга жойлаштириш орқали чиройли бир композицияни ҳояил қилиш мумкин.

Ўз қарашларини ўзгартиришнинг энг оддий усуллари – ўзини боладек ҳис қилиб ўйлаш, атрофидаги борлиқни, ҳатто шахс мулоқот қиладиган кишилар даврасини, уй шароитида жиҳозларни ҳам ўзгартириш кабилар саналади. Бу ўринда Ю.Скрипник [129] АҚШ ва Япония мисолида кўчаларнинг номланиши ва уйларнинг рақамланишини келтириб ўтади. АҚШда кўчага ном берилиб, уйлар уларнинг тартиб билан жойлашишига кўра рақамланса, Японияда массивнинг ўзи яхлит ҳолда рақамланади ва кўчалар шу ҳудуддаги бўш жой саналади. Уйларга қўйилган рақам уларнинг жойлашиш тартибини эмас, балки уни қуриш бошланган санани англатади.

Ушбу моделлар шахсда керативлик сифатларини ривожлантириш жараёнини самарали кечиши таъминлашга хизмат қилади.

### **Биринчи боб бўйича хулоса**

Биринчи боб юзасидан қуйидаги хулосага келдик. Шахс креативлиги у томонидан ташкил этиладиган фаолиятнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Фаолиятга креатив ёндашган шахс бозор муносабатлари шароитидаги мураккаб, кучли рақобатга бардошли бўла олади.

Шу сабабли умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларда креатив сифатларини шакллантириш, уни изчил ривожлантириб бориш меҳнат бозорида, кучли рақобат муҳитида ўз ўрнига эга бўлишига ёрдам бериш билан бирга соҳанинг ривожланишига ҳам замин яратади.

Герменевтик, визуал-образли, фаолиятли, муаммоли, интерфаол, полилогик, технологик, ҳиссий-психологик, ижодий ёндашув, танқидий,

интергратив, рефлексив ёндашув “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш самарадорлигини кафолатлайди.

“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришда тизимлилик, изчиллик, амалий фаолиятга йўналганлик, ижодий характерга эгалик, интеграллашув, мувофиқлик, интерфаоллик, амалий қийматга эгалик, эстетик таъсирга эгалик ҳамда рефлексивлик тамойиллари устуворлик касб этади.

“Технология” дарсларида ўқув топшириқларининг муаммоли, ижодий, креатив характер касб этишини таъминлаш орқали ўқувчиларда ҳиссий ривожланганлик, қизиқувчанлик, эстетик туйғу ва эстетик дидга эгалик, мустақиллик, ижодий тасаввур, интеллектуал фаоллик, таваккал қилишга мойиллик, муаммога нисбатан тоқатсизлик, танқидий фикрлаш қобилиятига эгалик, ижодий фаолиятга йўналганлик, интуитивлик, нутқ маданиятига эгалик, креатив (дивергент) тафаккур, рефлексия қобилиятига эгалик каби креативлик сифатлари ривожлантирилади.

Жаҳон миқёсида деярли бир аср вақт мобайнида шахс креативлигини ривожлантириш муаммоси когнитив-методологик, ташкилий-методик, амалий-фаолиятли ва рефлексив-баҳолаш нуқтаи назардан кенг тадқиқ этилган.

Глобал ахборотлашув шароитида шахснинг ички имкониятини фойдали ишга йўналтириш орқали унда креативлик сифатларини ривожлантириш ўзига хос долзарблик касб этмоқда. Хорижий мамлакатларда креативликнинг асосида фикрий жараённинг кечиши инобатга олиниши зарур, деган ёндашувдан келиб чиққан ҳолда сўнгги юз йиллик ичида креатив тафаккур моделларини яратиш йўлида туркум тадқиқотлар олиб борилган. Амалий қийматга эга бўлган креатив тафаккур моделлари бугунги кунда ҳам шахсда керативлик сифатларини ривожлантириш жараёнини самарали кечиши таъминлашга хизмат қилади. Айнан технология дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг асосий жиҳатларини диссертациямизнинг иккинчи бобида батафсил кўриб чиқамиз.

## **II БОБ. “ТЕХНОЛОГИЯ” ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

### **2.1-§. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг назария ва амалиётдаги аҳволи**

Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонда ҳам Р.Стернберг ҳамда Д.Лаверт томонидан 1985 йилда асосланган “Маблағ киритиш назарияси” оммалашмоқда. Назария асосчилари креатив шахснинг имкониятларини юқори баҳолар экан, уларга “ғояни паст баҳода сотиб олиб, юқори нархда сотадиган шахслар” дея таъриф беради. Уларнинг назарларида “ғояни паст баҳода сотиб олиш” номаълум, тан олинмаган ёки оммалашмаган ғояларни илгари суриш саналади.

Р.Стернбергнинг эътирофига кўра, шахс ўзининг ижодий потенциалини икки ҳолатда намоён эта олмайди: 1) агарда, ижодий ғояларини барвақт айтмаса; 2) агар шахс ғояни жуда узоқ вақтдан кейин муҳокамага олиб чиқса, бундай вазиятда у “эскиради”. Муаллиф ижодкорликнинг намоён бўлиши олтита муҳим омилга асосланади, дея ҳисоблайди: 1) қобилият сифатидаги интеллект; 2) билим; 3) тафаккур услуби; 4) шахснинг индивидуал хусусиятлари; 5) мотивациялар; 6) ташқи муҳит.

А.Н.Лук томонидан яратилган “Ижодкорлик психологияси” ҳамда “Юмор, зукколик, ижодкорлик” (“Психология творчества”. – М.: Наука, 1978. – 127 с.; “Юмор, остроумие, творчество”. – М.: Искусство, 1977. – 183 с.) асарларда креатив тафаккурнинг асоси бўлган ижодий қобилият негизида намоён бўладиган сифатлар тўғрисида сўз юритилади. Муаллиф ижодий қобилият қуйидаги сифатларнинг мажмуи эканлигига урғу бериб ўтади: бошқалар кўра олмайдиган муаммоларни англай олиш қобилияти; воқеликни унинг қисмларига таяниб эмас, яхлит ҳолда қабул қилиш қобилияти; бир

масаланинг ечимини топишдан иккинчи масалани ҳал қилишга тезкор киришиш қобилияти; бир вақтнинг ўзида бир неча тушунчаларнинг рамзлар ахборотли муносабатида каттароқ ҳажми эгаллашини таъминловчи фикрий жараёнларни юрита олиш қобилияти; алоҳида тушунчаларни енгил ассоциациялаш қобилияти; зарур ахборотни керакли дақиқада бера олиш қобилияти; шаклланган билимлар тизимига маълумотларни қайта киритиш қобилияти; мослашувчан тафаккурга эгалик, янги ғояларни осон ишлаб чиқариш қобилияти; муаммонинг муқобил ечимлари орасидан энг мақбул ечимни танлаб олиш қобилияти; ижодий тасаввур, воқеа, ҳодиса, нарсаларни бориचा қабул қилиш қобилияти; кузатилаётган воқелик, ҳодиса ва предметлар тизимида янгича талқин қилиш мумкин бўлганларини ажрата олиш қобилияти; бошланғич ҳолатидан бошлаб такомиллаштиришга бўлган жараёнларда деталларни қайта ишлаш қобилияти.

Америкалик психолог, педагог Жой Пол Гильфорд томонидан ишлаб чиқилган методика умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари, шунингдек, катта ёшлиларда креативлик сифатларининг ривожланганлик даражасини аниқлаш ва баҳолашда методологик асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур методика шахс ижодий тафаккури даражасини аниқлаш ва баҳолаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, у тестга асосланади.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, Жой Пол Гилфорд, шунингдек, шахсда намоён бўладиган креативлик, унинг кўрсаткичлари ҳамда уларни ташкил этувчи таркибий асосларни аниқлашда катта ютуқларни қўлга киритди. Хусусан: муаммони кўра олиш қобилияти ва уни излашни осон ҳал қилиш; ассоциациялардан ҳоли равишда тушунчаларни кенг кўламда туркумлаштира олиш; бой ва турли-туман ғояларни тавсифловчи тафаккурнинг тезкорлиги; бир муаммодан иккинчи муаммога, бир масалани ҳал қилишдан иккинчи масалани ҳал қилишга ўтиш қобилиятини ифодаловчи тафаккурнинг эгилувчанлиги; оригиналлик (ўзига хослик); тафаккурнинг ностандартлиги; хаёлотнинг бойлиги; тасаввурнинг кенглиги; ижодий илҳомланишга бўлган қобилият [30, 32].

Жой Пол Гильфорд шахснинг ижодкорлиги даражасини учта мезон билан аниқлаш мумкин деган ғояни илгари суради:

1) тезкорлик (Т); ушбу омил ижодий тафаккурнинг тезкорлигини англатади; ижодий тафаккурнинг тезкорлиги синалувчилар томонидан қайд этилган умумий жавобларнинг сони билан белгилайди;

2) эгилувчанлик (Э); мазкур омил бир ғоядан иккинчи ғояга тезкор ўтишни ифодалайди;

3) оригиналлик (О); бу омил ижодий тафаккурнинг ўзига хослигини, муаммога нисбатан оддий бўлмаган ёндашувни, креативликни тавсифлайди.

Муаллиф, шунингдек, шахс ижодий тафаккури даражасини аниқлашга хизмат қилувчи формулани ҳам илгари суради. Ушбу формула бўйича шахснинг ижодий тафаккури (ИТ)нинг тезлиги унинг тезкорлиги (Т), эгилувчанлиги (Э), оригиналлиги (О)нинг ўзаро йиғиндиси асосида ҳисобланади. Яъни:  $ИТ = Т + Э + О$  [120].

Ж.П.Гилфорднинг ушбу модели ўзида 120 та турли интеллектуал жараёнлар – хусусий қобилиятларни акс эттиради. Муаллиф интеллектуал тафаккур ёрдамида яратилган ижодий, креатив маҳсулотлар қуйидаги тўртта мезонга жавоб бера олиши лозим [30, 22] : 1. Ўзига хослик (оригиналлик; ғоянинг ғайриоддий, сийқаси чиқмаган бўлиши, интеллектуал янгиликка интилишнинг яққол намоён бўлиши). 2. Семантик мослашганлик (объектни янгича қараш орқали талқин қилиш; уни янги талқинда қўллаш, амалиётда объектни функционал қўллаш имконини кенгайтириш). 3. Образли мослашувчанлик (объектни қабул қилишни шундай талқинда ўзгартириш, натижада у унинг янги, кўринмас, мавҳум қирралари намоён бўлади). Тасодифий семантик мослашувчанлик (алоҳида олинган вазиятларда турли ғоялар, шу жумладан, мазкур ғоялар учун йўналтирилмаган қарашларни ҳам қамраб олиш).

Жой Пол Гильфорднинг ғоялари кейинчалик янада бойитилди. Жумладан, Т.И.Виноградова шахс ижодий тафаккурининг даражасини



аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлар ҳам муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблайди: тезкорлик (шахс томонидан топшириқларни ижобий ҳал қилиш ёки муаммоли масалаларга жавоб топиш учун кўплаб самарали амалий ҳаракатларнинг ташкил этилиши); эгилувчанлик (жисмлар, жараёнлар ёки тизимнинг таркибий қисмлари ўртасидаги фарқни англашга хизмат қилувчи тафаккурнинг унумдор ишлаши учун йўналтирилади; одатда фарқни англашга хизмат қилувчи тафаккурга эга шахс бир турдаги ҳаракатларни амалга ёки бир турдаги муаммоларнинг ечимини топишга интилади); оригиналлик (ғояларни ишлаб чиқишда уларнинг янгилари (кутилмаган ёки статистик жиҳатдан кам кузатиладиган ғоялар)ни аниқлашга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш ва муаммоли масалаларни ҳал этишда кўзга ташланади); зехннинг ўткирлиги (зехнлилик; ғайритабиий деталларга, карама-қаршилиқларга ва ноаниқликларга бўлган сезгирликни англатади); метафора (мажозий маъно)га эгалик (мутлақо ғайриоддий топшириқларни бажариш ёки ғайритабиий масалаларни ҳал қилиш, рамзий, ассоциацияларга асосланган тафаккурга эгаликни, оддий ҳолатларда мураккаблиқларни, мураккаб ҳолатларда эса оддийликни кўра олишни билдиради); қониқтириш [20, 23-24].

Бизнинг фикримизга кўра, мазкур мезонлар шахс креативлигининг даражасини ҳам аниқлаш ва баҳолаш имкониятига эга.

Америкалик психолог Ж.П.Гилфорд тадқиқотларида, айтиш мумкинки, А.Н.Лук томонидан креатив фикрлашнинг таркибий асоси сифатида эътироф этилган ижодий қобилиятлар туркумлаштирилган ҳолда тақдим этилган. Ж.П.Гилворднинг фикрига кўра шахс қиёфасида акс этувчи барча ижодий қобилиятлар етти гуруҳга қамраб олинган ягона моделда ўз аксини топади: 1) муаммога нисбатан тоқатсизлик (муаммони ҳал қилмасдан туролмаслик); 2) ўзгарувчанлик; 3) тафаккурнинг мослашувчанлиги; 4) ўзига хослик (оригиналлик); 5) таҳлил қобилиятига эгалик; 6) синтез қилиш қобилиятига эгалик; 7) зийраклик.

А.Г.Герцов [33]нинг “Креативликни ривожлантириш учун энг яхши машқлар” (“Лучшие упражнения для развития креативности”) номли асариди шахс креативлигини ривожлантиришда амалий-методик имконияти юқори бўлган машқлар тақдим этилган. Мазкур машқлар шахсда ўзининг ижодий потенциали (ички имконияти)га таянган ҳолда янги ва ноаниқ вазиятларда ҳаракат йўналишини тўғри танлаш, фикрий ҳаракатларнинг унумли бўлишига интилиш, вазиятни тезкор ўзгартирган ҳолда муқобил ечимларни топиш орқали натижанинг самарали бўлишини таъминлаш каби сифатларни шакллантиришга хизмат қилади. Ушбу сифатлар анъанавий равишда ижодий характерга эга бўлган фаолият турлари – тасвирий санъат, дизайн, мусиқа, меъморчилик, ҳайкалтарошлик, халқ амалий санъати (хунармандчилик, қандакорлик, каштачилик, зардўзлик) билан бевосита боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин, аммо ноаниқлик мавжуд бўлган ҳамда янгиликни яратиш талаб этиладиган барча вазиятларда қўллаш имконини беради.

Дастлаб муаллиф “креативлик” тушунчасини назарий жиҳатдан изоҳлашга ҳаракат қилади. А.Г.Герцов креативликни алоҳида қобилият эмас, балки шахс руҳиятининг мажмуавий хусусияти эканлигига урғу беради. Яъни: креативлик – бу алоҳида қобилият эмас, балки шахс руҳиятининг интеллект сифати (тафаккур тезлиги, тафаккурнинг мослашувчанлиги, ўзига хослик), шахсий сифатлар ва қадриятли йўналганлик кабилардан таркибий топган мажмуавий хусусияти. А.Г.Герцов интеллект сифати, ижодий характердаги шахсий сифатлар, қадриятли йўналганлик негизида акс этувчи фикрий ҳодисаларнинг моҳиятини кўрсатиб ўтади.

1. Интеллект сифати тафаккур тезлиги (қўплаб ғоя, ассоциациялар юзага келишини таъминлайди); тафаккурнинг мослашувчанлиги (турли ғояларнинг туғилиши); ўзига хослик (ноаниқ, кам учрайдиган, шу билан бирга муқобил ғояларни илгари суриш қобилияти) кабилар мавжудлигини ифодалайди.

2. Ижодий характердаги шахсий сифатлар (янгиликларни қабул қилишга тайёрлик; янги ғоялар асосида ижодий маҳсулотларни ярата олиш;

янги иждодий махсулотни ўзига хос тарзда номлаш; иждодий махсулотни оммага намойиш қила олиш).

3. Қадриятли йўналтирилганлик шахсинг ривожланиш, билиш, эркинлик қадриятларини юқори кўйишни англатади. Зеро, шахс шунчаки мослашиб қолмай, балки ўзини ҳамда ўзини ўраб турган ҳаётини вазиятларни фаол қайта шакллантиради. Атроф-муҳит унинг учун қандайдир шахсий эҳтиёжларни қондириш воситасигина бўлиб қолмай, балки борича қизиқарлидир. Шунга кўра креатив шахс фаол, яратувчанлик, бунёдкорлик каби ҳаётини позицияни танлайди [33, 3-4].

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида, Т.И.Виноградова (Грицай) томонидан кўшимча қилинган мезонларни мазмунан тўлдиришга, шунингдек, “қониқиш” мезонининг моҳиятини назарий жиҳатдан очиқ беришга (зеро, Т.И.Виноградова (Грицай)нинг ишида ушбу мезоннинг моҳияти ёритилмаган) ҳаракат қилдик.

1. Зехннинг ўткирлиги – топшириқнинг моҳиятини тезда илғаб олиш, мақсадни тез тушуниш бўлиб, бундай хислатга эга шахс берилган топшириқ шартларини тезлик билан идрок қилиш, қисқа муддатларда ўнлаб янги ғояларни илғари суриш, топшириқни қисқа муддатда бажариш имкониятига эга бўлади.

2. Методора (мажозий маъно)га эғалик – сўз ва ибораларни кўчма маъноларда ишлатиш (масалан, кўз – булоқнинг кўзи, оғиз – ғорнинг оғзи). Креатив ғояларни илғари суришда шахс кинояли иборалар, кўчма маъноли сўз ҳамда иборалардан самарали фойдаланади.

3. Қониқиш – рўй берган ҳодиса, воқеа ёки жараённинг шахс эҳтиёжи, талаби, қизиқишига мос келиши, уни қаноатлантиришини англатувчи ижобий ҳолат саналиб, креатив ғояларни асослашда унинг завқ-шавқ билан ишлаши, қониқарли натижаларга эришини таъминлайди.

Т.И.Грицай, П.И.Чернецовларнинг тадқиқоти (Гриц, Черн)да юқори синф ўқувчиларининг креативлик сифатига эғалиги, унинг даражаси улар томонидан уч турдаги топшириқни бажариш кўрсаткичлари асосида

аниқланганлиги кўрсатиб ўтилади. Улар: а) билиш эҳтиёжини қондириш йўлида мустақил равишда изланишни амалга оширишни тақозо қилувчи топшириқ; б) ижодий жиҳатдан ўз-ўзини намоён қилиш, фантазия юритиш (хаёл қилиш), индивидуалликни акс этирувчи топшириқ; в) маълумотларни қайта ишлаш, тадқиқ қилиш, янги ғояларни яратишга имкон берувчи топшириқ [93].

Ўзбекистонда шахснинг креативлигини ривожлантириш масалалари 2000 йилдан кейин ўрганила бошланган. 2015 йилда муаллифлар жамоаси томонидан “Педагогик компетентлик ва креативлик асослари” [44] номли ўқув-методик қўлланма яратилган. 2016 йилда эса муаллифлар жамоаси томонидан “Креатив педагогика” [52] модули бўйича ўқув-методик мажмуа шакллантирилган.

Ўқув-услубий мажмуа асосида қуйидаги мавзулар бўйича назарий ва амалий машғулотлар ташкил этилган:

1. Назарий машғулотлар: “Креатив педагогиканинг умумий асослари”, “ОТМ педагогларида креативлик сифатларини ривожлантириш йўллари ва шакллари”, “ОТМ педагогларида креативлик сифатлари ва ижодий тафаккурни ривожлантирувчи метод, восита ва технологиялар”, “Дидактик таъминотни яратишга креатив ёндашиш”, “Амалий педагогик фаолиятни ташкил этишга креатив ёндашиш” [64, 15-90].

2. Амалий машғулотлар: “Махсус тестлар ва топшириқлар ёрдамида педагогларнинг креативлик сифатларига эгалликларини аниқлаш”, “Ўқув материалларини тайёрлашга креатив ёндашув”, Ўқув машғулотлари учун кейслар ва даражали тестлар тўпдамини тайёрлаш”, “Ўқув фани бўйича бошқотирмаларни тайёрлаш”, “Ўқув машғулоти ва маънавий-маърифий тадбирни ташкил этиш учун аудиторияни жиҳозлаш” [52, 91-103].

Ўқув-услубий мажмуа [52]да “Креатив педагогика”нинг назарий ҳамда амалий асослари тўғрисида батафсил сўз юритилган бўлиб, тақдим этилган ўқув материаллари, методик ишланмалар ҳам когнитив, ҳам эмпирик

жихатдан шахсда креатив сифатларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга ёрдам беради.

З.Т.Раджапова [69] томонидан олиб борилган тадқиқот эса “Дизайн тўғаракларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш методикаси” муаммосининг тадқиқига бағишланган. Илмий изланишнинг амалий қийматини тадқиқотчи томонидан қуйидаги интерфаол характердаги методларнинг асосланиши билан белгилаш мумкин:

**1. “Ижодий ғоя генератори” методи.** Методнинг мақсади: шахс – дизайн тўғараклари ўқувчиларининг ижодий тафаккурини ривожлантириш уларни бир масала юзасидан ҳар томонлама фикрлашга, кўплаб янги ғояларни илгари суришга ўргатиш орқали ўзига хос ижодий иш (маҳсулот)ларнинг яратилишига эришиш.

Ўқувчиларнинг эътиборига “Туллар” композицияси бўйича бир неча эскизлар ҳавола қилинади. Топшириқнинг моҳияти шундан иборатки, ўқувчилар тақдим этилган эскизлар асосида кўрсатилган хом ашёлардан фойдаланган ҳолда қандай композиция яратиш мумкинлигини ўйлаш кўриш [69, 112-114].

**2. “Моддиятдаги мантиқ” методи.** Методнинг мақсади шахс – дизайн тўғараклари ўқувчиларида ўзлари томонидан яратиладиган ижодий маҳсулотда шакл ва мазмун уйғунлигини таъминлай олиш қобилиятини ривожлантиришдан иборат бўлиб, ўқувчиларнинг эътиборига композиция учун асос бўладиган мавзулар ҳавола қилиниб, улар томонидан яратиладиган композицияларда ранг ва геометрик шаклларнинг тўғри танланиши ва ўзаро уйғун бўлишига эришиш асосий талаб саналади. Ўқувчиларнинг эътиборига тақдим этилган мавзулар моҳиятини етарли даражада англаган ҳолда уларнинг моҳиятини ёритувчи композицияларни яратиш ҳамда мазкур композицияларда ранг ва геометрик шаклларнинг тўғри танланиши, уларнинг ўзаро уйғун бўлишини таъминлаш дан иборат топшириқ берилади [69, 114-116].

**3. “Ижод олами” методи.** Бир неча шахс – дизайн тўғараклари ўқувчилари томонидан гуруҳли лойиҳа сифатида оригами, турли мавзудаги композициялар, миниатюра ва бошқа амалий ижод намуналаридан иборат

яхлит тўпламининг яратилишини таъминлаш методнинг мақсади саналади. Мақсадга эришиш йўлида ўқувчилар лойиҳа сифатида оригами, турли мавзудаги композициялар, миниатюра ва бошқа амалий ижод намуналаридан иборат яхлит тўпламни яратади [69, 116-117].

Сўнгги ўн йил ичида Ўзбекистонда ҳам креативлик, ёш тоифаси, касбий фаолияти турлича бўлган шахсларда креативликни ривожлантириш масаласи мустақил тадқиқотлар учун мавзу сифатида танланган. Жумладан, Г.Н.Ибрагимова [42], Ф.Т.Эҳсонова [82] каби тадқиқотлар ўқитувчи, талаба ҳамда бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантириш муаммосининг ечимини топиш йўлида амалий ҳаракатларни олиб борган.

Г.Н.Ибрагимова [42] томонидан амалга оширилган илмий-педагогик тадқиқотнинг мақсади интерактив таълим шароитида бўлғуси ўқитувчи шахсининг креатив функциясининг ривожланишини назарий ва амалий асосларини ўрганишдан иборат бўлиб, ишда бўлажак ўқитувчи шахсида креатив функциясини шакллантиришнинг замонавий назарий шарт-шароитлари, бўлажак ўқитувчининг креатив функцияларини ривожлантиришда интерактив таълимнинг имкониятлари, замонавий олий таълимда бўлажак ўқитувчи шахсининг креатив функцияларини ривожлантириш босқичлари (даражалари), бўлажак ўқитувчида ижодкорлик, креатив функцияни интерактив ўқитиш жараёнида намоён бўлиши, талаба шахсида креатив функцияларини ривожланишида интерактив таълимнинг ўрни ҳамда талаба шахсида креатив функцияларини ривожининг ташхис қилиш масалалари ўрганилган [42].

Тадқиқотчи Ф.Т.Эҳсонова [82]нинг илмий иши бошланғич синф ўқувчиларида креатив тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик-психологик тавсифи ёритиш ва тизимини ишлаб чиқиш мақсадига эришишни назарда тутди. Илмий ишнинг амалий аҳамияти танланган муаммо моҳиятини тўғри ёритишга имкон берувчи туркум таянч тушунчалар, жумладан, “креативлик”, “креатив сифатлар”, “креатив тафаккур” ва “креатив тафаккурни ривожлантириш” кабилар моҳиятининг

педагогик нуқтаи назардан талқин этилиши; бошланғич синф ўқувчиларида креатив тафаккурни ривожлантириш моделининг яратилиши ва асосланиши; бошланғич синф ўқувчиларида креатив тафаккурни ривожланганлик даражасини баҳоловчи мезонларнинг ишлаб чиқилиши каби ҳолатлар билан ҳолатлар билан тавсифланади [82].

“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш муаммосини тадқиқ этишда педагогик жараён амалий жиҳатдан ҳам ўрганилди. Бунинг учун ўқувчилар ҳамда “Технология” фани ўқитувчилари учун анкета сўрови тайёрланиб, ўқувчиларнинг креатив сифатлар, креатив ғояларни илгари суриш, креатив маҳсулотларни яратиш малакасига эгалликларининг мавжуд ҳолати таҳлилий баҳоланди.

Ассословчи тажриба даврида респондент-ўқувчилар анкета саволларига қуйидагича жавоб қайтарди:

- 1-савол бўйича: “креативлик” тушунчаси тегишли равишда респондент-ўқувчилар томонидан 21/ 38 фоиз кўрсаткич асосида тўғри ва нотўғри талқин этган бўлса, 31 фоиз ўқувчи тушунчани изоҳламаган; тушунчага берилган шарҳлар орасида аксарият жавоблар “креативлик ижодкорликдир” деган маънони ифодалаган;

- 2-савол бўйича: респондент-ўқувчиларнинг деярли 82 фоизи шахсининг креативлик сифатларини кўрсатишда фаоллик кўрсата олмаган, уларнинг барчаси “креативлик сифатлари” деганда ижодкорликни, рассомлик ва дизайнерлик малакасини эътироф этишган, 16 фоиз ўқувчи креативлик янги ғояларни яратиш, дея қисман жавоб берган;

- 3-савол бўйича: респондент-ўқувчиларнинг бор-йўғи 14 фоизигина ўзларини креативлик сифатларига эга, деб ҳисоблайди (тажриба-синов даврида ташкил этилган суҳбатлар натижасида бунинг сабаби респондентларнинг креативлик сифатлари тўғрида етарлича маълумотга эмаслигидир);

- 4-савол бўйича: 87 фоизи респондент-ўқувчи креативлик сифатларини шакллантиришга таъсир этадиган омилни кўрсатишда нотўғри йўл тутишган; уларнинг жавобларида бундай омил сифатида тасвирий санъат, кино, театр

эътироф этилган; фақатгина 9 фоиз респондент-ўқувчи ҳар қандай муаммо ва у билан ишлаш креативлик сифатларни шакллантиришга ёрдам беради деб ҳисоблайди; 4 фоиз респондент саволга жавоб қайтармаган;

- 5-савол бўйича: респондент-ўқувчилар деярли бир овоздан (93 фоиз) креативлик сифатларини ўзлаштиришларида шахсларнинг иштирок бўлмаганлигини, 7 фоизи респондент эса бу жараёнда иштирок этган шахслар сифатида “Тасвирий санъат”, “Муסיқа”, “Адабиёт”, “Технология” фанларининг ўқитувчилари, “Дизайн” тўғарагининг раҳбарларини кўрсатган;

- 6-савол бўйича: жавобларга кўра респондент-ўқувчиларнинг 12 фоизигина креативлик сифатларга эгаликни дарслар жараёни ҳамда тўғарак машғулотида намоён этишини билдирган бўлса, 88 фоизи ўқувчилар мазкур саволга жавоб бермаган;

- 7-савол бўйича: тажриба ҳамда назорат гуруҳларида тегишли равишда респондент-ўқувчиларнинг 59/64 фоизи ўзлари томонидан креативлик сифатларининг ўзлаштирилишида “Технология” фанининг имкониятини паст баҳолаган;

- 8-савол бўйича: респондент-ўқувчиларнинг 17 фоизи ўқувчиларда креативлик сифатлари намоён бўлиши учун “Технология” дарслари билан “Чизмачилик асослари”, “Муסיқа”, “Адабиёт” каби ўқув фанлари ўртасида ўзаро алоқадорлик бўлишини зарур, 73 фоизи эса зарур эмас, деб ҳисоблайди; бертараф қолганлар сони эса 10 фоизни ташкил этган;

- 9-савол бўйича: “Шахсан Сизда креативлик сифатларининг самарали ривожлантирилиши учун “Технология” фанлари қандай ташкил этилиши лозим, деб ўйлайсиз?” деган саволга ўқувчиларнинг 54 фоизи “кўпроқ амалий топшириқларни бажариш”, 27 фоизи “қизиқарли ташкил этилиши”, 19 фоизи “билмайман” деб жавоб қайтарган;

- 10-савол бўйича: респондент-ўқувчиларнинг 85 фоизи креатив маҳсулотларни тайёрлаб, уларни реализация қилиш орқали маблағ топишни ўйлаб кўрганмаганликларини, 7 фоиз фоизи ўйлаб кўрганлигини айтишган бўлса, 8 фоизи жавоб беришни маъкул кўрмаган.



Асословчи тажриба даврида, шунингдек, “Технология” фани ўқитувчилари ўртасида ҳам анкета сўрови ўтказилди. Сўров натижалари қуйидагича бўлди:

- респондент-ўқитувчиларнинг 57 фоизи “креативлик” тушунчасини “яратиш”, “яратувчанлик”, 29 фоизи “ижодкорлик” эканлигини 14 фоизи эса “янгилик яратиш” эканлигини таъкидлашган;

- “шахснинг креативлик сифатлари” тушунчасини респондент-ўқитувчилари деярли бир овоздан (94 фоиз) ижодкорликни, янгилик яратишни ифодаловчи сифатлар дея талқин қилган; 6 фоизи эса саволга жавоб қайтармаган;

- респондент-ўқитувчиларнинг 56 фоизи “ха”, 44 фоизи “йўқ” дея “ўқувчиларингиз креативлик сифатларга эгами” деган саволга жавоб беришган;

- “ўқувчиларингиз айнан қандай креативлик сифатларига эга” деган саволга респондент-ўқитувчилар бир овоздан “ижодкорлик” дея жавоб беришган;

- респондент-ўқитувчилар аксарияти (52 фоиз) ўқувчиларнинг креативлик сифатларига эга бўлишига уларни ёшлиқдан расм чизишга ўргатиш, ҳунармадчиликнинг турли йўналишлари, шунингдек, санъат, адабиёт бўйича амалий малакаларни ҳосил қилиш, 40 фоизи эса дизайн соҳасига оид малакаларга эгалик каби омиллар таъсир кўрсатади, деб ҳисоблайди, 8 фоизи жаво қайтармаган;

- респондент-ўқитувчиларнинг айтишига қараганда ўқувчиларнинг креатив сифатлари кўпроқ турли танловларни ташкил этишда намоён бўлади (100 фоиз);

- 95 фоизи респондент-ўқитувчи ўқувчиларнинг креативлик сифатларига эга бўлишида “Технология” фани алоҳида ўрин тутади, деб ҳисоблайди, ушбу саволнинг мантиқий давоми сифати улар бир овоздан “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга эътибор қаратишини таъкидлаган;

- респондент-ўқитувчиларнинг барчаси (100 фоиз) ўқувчиларда креативлик сифатларини шакллантириш ва ривожлантиришда “Технология” фани билан “Тасвирий санъат”, “Чизмачилик санъат”, “Муסיқа”, “Адабиёт” фанлари ўртасидаги ўзаро интеграцияга эришиш муҳим деб топилган;

- “ўқувчиларнинг креативлик сифатларини самарали ривожлантириш учун “Технология” фани бўйича дарслар қандай ташкил этилиши керак?” деган саволга жавоб қайтарар экан, респондент-ўқитувчилар бир овоздан (100 фоиз) педагогик технологиялар ёрдамида ташкил этиш зарур, деб ҳисоблайди;

- респондент-ўқитувчиларнинг 26 фоизи оғзаки равишда, 17 фоизи турли методик кўрсатмалар асосида “Технология” дарсларида ўқувчиларни креатив маҳсулотларни тайёрлаб, уларни реализация қилиш орқали маблағ топишга рағбатлантиришини қайд этишган бўлса, 57 фоизи бунга эътибор қаратмаганлигини айтиб ўтишган.

Асословчи тажриба даврида, шунингдек, респондент-ўқувчиларнинг креативлик сифатларга эгалликлари ҳам ўрганилди. Мазкур жараён икки йўналишда амалга оширилди:

1) “Ақлий ҳужум”, “Олтита рангли шляпа”, “Ментал харита” (“Идрок харитаси”), “Синектика”, “Фокал объектлар”, “Билвосита стратегиялар”, “Тасодифий ассоциациялар” методи, Э.П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тести ёрдамида ўқувчиларнинг умумий билим, кўникма ва малакаларига таянган ҳолда уларнинг креативлик сифатларига эгаллиги ташхисланди;

2) “Ақлий ҳужум”, “Олтита рангли шляпа”, “Ментал харита” (“Идрок харитаси”), “Синектика”, “Фокал объектлар”, “Билвосита стратегиялар”, “Тасодифий ассоциациялар” методи, Э.П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тести ёрдамида ўқувчиларнинг “Технология” фанига доир билим, кўникма ва малакаларига таянган ҳолда уларнинг креативлик сифатларига эгаллиги ташхисланди.

Таҳлил натижасида қуйидаги кўрсаткичлар қўлга киритилди (1.3.1-1.3.2-жадваллар):


**Умумий билимлар негизда респондент-ўқувчиларнинг креативлик сифатларига эгалик даражаси (асословчи тажриба)**

Гуруҳлар	Респондентлар сони	Баҳолаш кўрсаткичлари (даражалар бўйича)		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба	90	25	34	31
Назорат	92	22	41	29

**“Технология” фанига оид билимлар негизда респондент-ўқувчиларнинг креативлик сифатларига эгалик даражаси (асословчи тажриба)**

Гуруҳлар	Респондентлар сони	Баҳолаш кўрсаткичлари (даражалар бўйича)		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба	90	21	29	40
Назорат	92	23	31	38

1.3.1- ва 1.3.2-жадвалларнинг кўрсаткичлари тажриба ҳамда назорат гуруҳларига бириктирилган респондент-ўқувчиларнинг креатив сифатларга эгаликлари даражаси ўртасида сезиларли фарқ мавжуд эмаслигини кўрсатади. Мазкур ҳолат ҳар икки гуруҳда қайд этилган кўрсаткичлар асосида диаграммани шакллантиришда янада яққол намоён бўлади. Айни ўринда ушбу фикрнинг исботи сифатида “Технология” фанига оид билимлар негизда респондент-ўқувчиларнинг креатив сифатларга эгалик даражасини ифодаловчи 1.3.2-жадвал кўрсаткичлари асосида қуйидаги диаграмма шакллантирилди:



**“Технология” фанига оид билимлар негизда респондент ўқувчиларнинг креативлик сифатларга эгаликлари даражаси (асословчи тажриба)**

“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш муаммосининг назария ва амалиётдаги мавжуд ҳолатини ўрганиш қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. Креативлик, шахснинг креативлиги, шахснинг креативлик сифатлари, шахснинг креативлик сифатларини ривожлантириш масалалари Рай М.Симпсон [155] томонидан таянч тушунча илк марта қўлланилган 1922 йилдан буён АҚШ, Европа ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган Осиё давлатларида турли соҳаларда изчил ўрганилиб келинаётганлигига қарамай, Ўзбекистон шароитида сўнгги ўн йил ичида амалга оширилаётган кам сонли мустақил тадқиқотлар учун муаммо сифатида танланган.

2. Ўзбекистон шароитида инновацион таълим муҳитида турли ёш тоифасидаги шахслар, касбий фаолият йўналишлари бўйича мутахассисларнинг креативлик сифатларига эга бўлишини таъминлаш муаммосининг долзарблашуви уни педагогик, психологик, фалсафий ҳамда иқтисодий жиҳатдан чуқур ўрганишга бўлган эҳтиёжни юзага келтирмоқда.

3. Республика миқёсида, шунингдек, ҳалқаро ҳамкорлик доирасида илмий лойиҳаларни амалга ошириш, мустақил тадқиқотларни олиб бориш бу борадаги мавжуд эҳтиёжнинг қондирилишини таъминлайди.

4. Республика узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида тадрижийлик ривожланиш асосида таълим олувчилар ва мутахассисларнинг креативлик сифатларига эга бўлишини таъминловчи педагогик шарт-шароитни яратиш руҳан тетик, ўзига ишончи кучли, кескин рақобатга бардошли, турли мураккаб вазиятларда ҳам муқобил ечимларни топа оладиган, тўғри қарор қабул қиладиган, энг муҳими, бозор қонуниятларига мувофиқ фаолият юрита оладиган ишбилармонлар авлодини тарбиялаш учун пойдевор яратади.

5. Олиб борилган тадқиқот “Технология” дарслари мисолида махсус методикани ишлаб чиқиш орқали ўқувчиларнинг креатив сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик фаолият мазмунини инновацион шакл, метод, восита, технологиялар билан бойитиш мақсадга мувофиқлигини

тасдиқлади.

Шундай қилиб, жаҳон миқёсида деярли бир аср вақт мобайнида шахс креативлигини ривожлантириш муаммоси когнитив-методологик, ташкилий-методик, амалий-фаолиятли ва рефлексив-баҳолаш нуқтаи назардан кенг тадқиқ этилган. Республикада эса шахс креативлигини ривожлантириш муаммоси кам сонли тадқиқотлар доирасида ўрганилган бўлиб, улар сўнгги ўн йил ичида олиб борилган. Ментал хусусиятлар, миллий турмуш тарзи нуқтаи назаридан турли ёш тоифаси ва мутахассислик йўналишлари бўйича шахс креатив сифатларини ривожлантириш муаммосининг когнитив, эмпирик, рефлексив асосларини яратиш нафақат педагогика, балки психология, социология, фалсафа ҳамда гуманитар фанлар (тасвирий санъат, мусиқа, адабиёт) доирасида туркум илмий-тадқиқотларни олиб боришни тақозо этади.

## **2.2. Ўқувчиларда креативлик сифатларнинг ривожланганлик даражасини ташхисловчи методлар**

Ишнинг биринчи бобида айтиб ўтилганидек, ўқувчиларда креативликни шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, бу жараённи босқисма-босқич амалга ошириш тақозо этилади. Ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг 1- ва 2-босқичлари (мослашиш (адаптив) ҳамда ривожлантириш босқичлари)да “Тасодифий ассоциациялар” методи [117], Э.П.Торренснинг уч босқичли “Тугалланмаган расмлар” тести [132; 133]дан фойдаланилади. Айни ўринда ушбу метод ва тестдан фойдаланишга қаратилган амалий ҳаракатнинг асосий жиҳати тўғрисида сўз юритилади.

**I. “Тасодифий ассоциациялар” методи [130].** Ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг мослашиш (адаптив) босқичи (1-босқич)да “Тасодифий ассоциациялар” методидан асл моҳиятига кўра фойдаланилади. Яъни:

1-босқич. Ҳар бир ўқувчи ўзи истаган китоб (у луғат, бадиий адабиёт, турли соҳаларга оид қизиқарли журнал)ни қўлга олиб, унинг саҳифаларини

тасодифий очади.

2-босқич. Очилган саҳифанинг рақамига эътибор қаратмай, кўрсаткич бармоқ ихтиёрий сўзнинг устига қўйилади, аниқланган сўз қоғозга қайд этилади.

3-босқич. Бу ҳаракат яна бир бор қайта такрорланиб, яна бир сўз аниқланади.

4-босқич. Аниқланган ҳар икки сўз ўртасидаги ўзаро алоқадорлик топилади ва у асосида оригинал ҳикоя тўқилади.

Мазкур жараённинг ривожлантириш босқичи (2-босқич)да “Тасодифий ассоциациялар” методидан соҳага оид креатив фикрлаш қобилиятини такомиллаштириш мақсадида унинг мазмунига бироз ўзгартиришлар киритиш асосида фойдаланилади. Яъни:

1-босқич. Ҳар бир ўқувчи “Технология” фани бўйича дарсликни қўлга олиб, унинг саҳифаларини тасодифий очади.

2-босқич. Очилган саҳифанинг рақамига эътибор қаратмай, кўрсаткич бармоқ ихтиёрий сўзнинг устига қўйилади, аниқланган сўз (*масалан, фреза – металлга ишлов берадиган, айланма барабанли машина; “Металлга ишлов бериш технологияси” боби бўйича*) қоғозга қайд этилади.

3-босқич. Бу ҳаракат яна бир бор қайта такрорланиб, яна бир сўз (*масалан, гўшт – “Пазандачилик асослари” боби бўйича*) аниқланади.

4-босқич. Аниқланган ҳар икки сўз (*фреза ва гўшт*) ўртасидаги ўзаро алоқадорлик топилади ва у асосида касбий фаолиятга доир асосли фикр билдирилади (*масалан, фреза ёрдамида тайёрланган тўрт лезвияли қирқувчи пичоқ қиймалагичга ўрнатилганда гўштни тезда майдалаш имкониятига эга бўлди*).


**II. Э.П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тести [132; 133].** Шу тарзда Э.П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тестидан ҳам фойдаланилади.

Ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг мослашиш (адаптив) босқичи (1-босқич)да Э.П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” [132; 133] тести дан асл моҳиятига кўра фойдаланилади. Яъни:


1-босқич. Ўқувчиларнинг эътиборига Э.П.Торренснинг уч вариантдан иборат қуйидаги “Тугалланмаган расмлар” тести ҳавола қилинади:

Топшириқлар қуйидагилардан иборат:


**1-топшириқ. Расм чизиш.** Ўқувчиларнинг эътиборига шакли ва ҳажми оддий тухумга тенг бўлган рангли тухумсимон шакл таклиф этилади; шаклнинг ранги ихтиёрий танланади; шакл рангининг қандай бўлиши ўқувчилар томонидан (масалан, кўк ранг) таклиф қилиниши мумкин:



**2-топшириқ. Расмларни тугаллаш.** Ўқувчиларнинг эътиборига қуйидаги 10 та тугалланмаган, штрихлардан иборат шакллар, таянч фигуралар ҳавола қилинади:



**3-топшириқ. Такрорланаётган чизиқлар.** Ўқувчиларга таянч материал сифатида қуйидаги 30 жуфт параллел вертикал чизиқлар тақдим этилади:



2-босқич. Ўқувчиларга Э.П.Торренсинг уч вариантли “Тугалланмаган расмлар” тестини бажариш юзасидан методик кўрсатмалар бериш. Топшириқлар қуйидаги методик кўрсатмалар асосида бажарилади:

**1-топшириқ – расм чизиш бўйича.** Ўқувчилар кўк рангдаги ушбу шакл негизида турли тасвирий кўринишлар (*масалан, жўжа, қўзичоқ, ўрдак, бионинг ойнаси, кема ёки самолётнинг иллюминатори ва бошқалар*)ни ҳосил қилади ва уларни номлайди (нима тасвирланишидан қатъий назар қуйида берилган шакл ана шу тасвирнинг асоси бўлиши зарур).

**2-топшириқ бўйича – расмларни тугаллаш бўйича.** Ўқувчилар тақдим этилган штрихларни кўрганда турли соҳалар бўйича нимани тасаввур қилса, уни тасвирлаши лозим (*масалан, биринчи штрих тугалланган ҳолда очик китоб, ёнма-ён турган иккита стакан, қўшалоқ шар*) бўлиши мумкин (нима тасвирланишидан қатъий назар таклиф этилган шакл ана шу тасвирнинг асоси бўлиши зарур). Ҳар бир янги тасвирий кўриниш (расм) номланади.

**3-топшириқ – такрорланаётган чизиқлар бўйича.** Ўқувчилар тақдим этилган 30 жуфт параллел вертикал чизиқлар асосида ҳар иккита (жуфт) чизиқ негизида турли соҳаларга доир қандайдир бир-бирини такрорланмайдиган расмлар (*масалан, квадрат, учбурчак, тўртбурчак, ромб, пирамида, айлана, машина, трамвай, кема, қайиқ, сават, қор парчаси, томчи, камалак, арча ўйинчоқлари, мевалар (банан, олма, олча, гилос), сабзавотлар (пиёз, сабзи, картошка, карам)* ва бошқалар)ни чизади.



3-босқич. Топшириқларнинг бажариш жараёни. Уч вариантдан иборат тестларни бажариш учун ўқувчиларга 10 минут вақт берилади. Методик кўрсатмани бериш учун 2 дақиқа талаб этилади.

Жами 12 дақиқа.

4-босқич. Ечимларни муҳокама қилиш. Ўқитувчи ўқувчиларнинг иштирокида ечимларни муҳокама қилади.

5-босқич. Ечимларни баҳолаш. Ўқитувчи ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ечимларни баҳолайди.

Мазкур жараённинг ривожлантириш босқичи (2-босқич)да Э.П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тестидан “Технология” ўқув фани бўйича билимларни ёдга олиш, тизимлаштириш мақсадида фойдаланилади. Яъни:

1-босқич. Ўқувчиларнинг эътиборига Э.П.Торренснинг уч вариантли “Тугалланмаган расмлар” тести ҳавола қилинади.

2-босқич. Ўқувчиларга Э.П.Торренснинг уч вариантли “Тугалланмаган расмлар” тестини бажариш юзасидан методик кўрсатмалар бериш. Топшириқлар қуйидаги методик кўрсатмалар асосида бажарилади:

**1-топшириқ – расм чизиш бўйича.** Ўқувчиларга кўк рангдаги ушбу шакл негизида “Технология” ўқув фани доирасига қамраб олинган аниқ соҳалар бўйича уларга тааллуқли предмет, буюмларни тасвирий (чизма шаклида) ифодалаш вазифаси топширилди.

7-синф “Технология” дарслари [74]да респондент-ўқувчилар қуйидаги боблар ва уларга тегишли мавзулар асосида предмет, буюмларни тасвирий (чизма шаклида) ифодалади:

1. “Полимер материалларга ишлов бериш технологияси”.
2. “Металлга ишлов бериш технологияси”.
3. “Электроника ишлари”.
4. “Уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш”.
5. “Пазандачилик асослари”.

Ҳосил қилинган тасвирий кўринишларнинг барчаси номланади (барчасининг асосида тухумсимон тасвир бўлиши шарт). Шунингдек, ҳар бир бўлим бўйича таклиф этилган тасвирий кўринишларни умумий ҳолда номлаш мумкин.

Тажриба-синов ишларини олиб боришда ушбу топшириқ респондент-ўқувчиларни “Ёғочга ишлов бериш технологияси” (7-синф) ҳамда “Уй-рўзгор буюмларини таъмирлаш” (7-синф) боблари бўйича Э.П.Торренс тестларининг ечимини топишга жалб қилиш асосида бажарилди. Респондент-ўқувчилар томонидан ечим сифатида қуйидаги вариантлар таклиф қилинди:




**1. “Ёғочга ишлов бериш технологияси” боби бўйича:**








*Эгов, бигиз, болта, теша, болга, дарахт; айлана стол, суянчиги доирасимон бўлган стул, замонавий диван, стол лампаси, доирасимон қандил, айлана шаклидаги эшик қўнғирози ва ҳоказолар..*

**2. “Уй-рўзгор буюмларини таъмирлаш” боби бўйича:**

*Атрофи нақшинкор доирасимон кўзгу, айлана ойнали кир ювиш машинаси, айлана ойнали микро тўлқинли печ, доирасимон нақшлар билан безатилган эшик, айлана ойнавандли камод, гулдор тоғарача, кекс учун қолип, шиша банка, консерва идиши, овалсимон ванна, доирасимон ганчли девор беаги, овал шаклидаги гилам, доирасимон сандиқ ва бошқалар.*

**2-топшириқ бўйича – расмларни тугаллаш бўйича.** Ўқувчилар тасвирнинг асосини Э.П.Торренс томонидан таклиф қилинган штрихлар ташкил этувчи буюм, жиҳоз ёки асбоб-ускуналарнинг тасвирини ифодалаш ва уни номлаши зарур. Тадқиқот даврида ҳар бир штрих бўйича респондент-ўқувчилар томонидан қуйидаги вариантлар таклиф этилди:

№	Штрихлар	Таклиф этилаётган вариантлар
1.		Кроватга қўйилган ёстик, олма, ёрёнғок, поядаги ловия
2.		Куйлакнинг олд қисми, мевали дарахтлар учун тиргак
3.		Кувур, қовун, банан, бир жуфт туфли, бир жуфт пайпоқ, робот, чана

4.		Панжаранинг нақши, қадимги шамдон, шамчироқ таглиги, тикувчиликдаги сипиралсимон услуб, овалсимон услуб, қайчи
5.		Гамак, осма беланчак, гулдоннинг таглиги, осма қандил, панчо, қуйлакнинг гулдор ёқаси, саватча, нутромер, бурчак ўлчагич, арра, ўроқранда
6.		Кўп бўлмали токча, стеллаж, машина, гулдор зина, гул, чана, ландшафт, чемпионлик зинаси
7.		Чўмич, қошиқ, ракетка, човли, ўроқ, қапгир, қапгир, машина, кўприк, дотор, рашпиль (йирик тишли эгов)
8.		Балиқ, соч қуритгич
9.		Қалпоқча, адир, яйловдаги сурув, ёнма-ён турган палатка, пахта хирмони
10.		Соч қуритгич

**3-топшириқ – такрорланаётган чизиқлар бўйича.** Ўқувчилар такдим этилган 30 жуфт параллел вертикал чизиқлар асосида ҳар иккита (жуфт) чизиқ негизида турли соҳаларга доир қандайдир бир-бирини такрорланмайдиган расмларни чизади.

Тадқиқот даврида респондент-ўқувчилар (7-синф) таклиф этилган мавзулар бўйича топшириқни қуйидаги тарзда бажарди:

1) “Полимер материалларга ишлов бериш технологияси” (7-синф): *ўтказгич, улагич, томчилатгич, тармоқлагич (пластмасса турбаларда), қўл пармаси;*

2) “Металлга ишлов бериш технологияси”: *аёллар зираги, узук, тиллақошнинг асоси, мурғак, зебигардон, белга камар, билакузукнинг нақши;*

3) “Электротехника ишлари” (7-синф): *кир ювиш машинасининг ойна қисми,*

4) “Уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш”: *суянчиқсиз курси, гамак (тўр беланчак), доирасимон кўзгу, болгарка диски, тунука чойнак, лаган, ликобча, стакан, қаҳва чашкаси, челак.*

5) “Пазандачилик асослари”: *картошка, тухум, киви, редиска, қовун, олхўри, аёллар пардоз ойнаси, апельсин, шафтоли, безакли тухум, чучқара, манти, нон қути, балиқ, котлет, фрикаделька, тефтели, печенье, блинчик.*

3-босқич. Топшириқларнинг бажариш жараёни. Уч вариантдан иборат тестларни бажариш учун ўқувчиларга 10 минут вақт берилади. Методик кўрсатмани бериш учун 2 дақиқа талаб этилади.

Жами 12 дақиқа.

4-босқич. Ечимларни муҳокама қилиш. Тадқиқот даврида ўқитувчи етакчилигида респондент-ўқувчиларнинг иштирокида ечимлар муҳокама қилинди.

5-босқич. Ечимларни баҳолаш. Ўқитувчи респондент-ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ечимларни баҳолади.

“Тасодифий ассоциациялар” методини бир неча марта такрорлаш орқали ўқувчилар ассоциацияларни ва ғаройиб ғояларни тезкор илгари суриш лаёқатига эга бўлиб боради.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-9-синфларида “Технология” фанларини ўқитиш чоғида респондент-ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришда қуйидаги уларни эркин, ижодий фикрлашларига туртки берувчи топшириқлар мажмуини шакллантириш муҳим вазифалардан бири деб топилди.

Одатда ўқувчиларга когнитив, амалий, ижодий ва креатив ҳарактердаги топшириқлар берилади. Аксарият ҳолатларда ўқувчиларга вербал ва новербал топшириқлар берилади. Аммо топшириқларни беришда ўқувчиларни рағбатлантирувчи ғоялардан эмас, балки уларнинг ҳаракатларини чекловчи, тор доирада фикрлашга мажбур қилувчи кўрсатмалар берилади. Масалан:

1. Карвинг деганда нимани тушунасиз?
2. Карвинг қандай ҳосил қилинади?
3. Қовоқдан карвинг ҳосил қилинг ва ҳоказо.

Шунга кўра умумий ўрта таълим мактабларининг 7-9-синфларида “Технология” фанларини ўқитишда ўқувчиларни эркин, ижодий фикрлашига туртки берувчи топшириқлар мажмуини шакллантириш муҳим, деган фикрга келинди.

Ўқув топшириқларини бажаришдаги фикрий операциялар аста-секин ўқувчиларда мустақил, эркин, ижодий ва креатив фикрлаш малакаларини ҳосил қилади. Шунини ҳам қайд этиб ўтиш керакки, бу каби имкониятга эга бўлиши учун ўқитувчилар ўқув топшириқларини ишлаб чиқишда оддийдан мураккабга томон ривожланиб боришига, маълумотларни примитив қабул қилишдан токи янги ғояларни ишлаб чиқиш ва уларни асослашгача бўлган динамик ривожланиш суръатига эга бўлишини таъминлай олишлари зарур.

Бунинг учун ўқитувчилардан ўқув топшириқларини ишлаб чиқишда уларнинг турли характер ва мураккабликда бўлишига эътибор қаратиш талаб этилади. Айни ўринда Д.Толлингерова қуйидаги ўқув топшириқлари таксономияси [51, 66-71]ни таклиф этади:

1. Хотирада сақлаш, қайта ёдга туширишни талаб этувчи топшириқлар (бунда “Нима?”, “Ким?”, “Қандай?”, “Қачон?” каби саволларга жавоб бериш талаб қилинади).

2. Рақамлар, маълумотлар билан ишлашда оддий фикрий операцияларни тақозо этувчи топшириқлар (бунда топшириқлар “Қанча?”, “Қандай ўлчамда?”, “Таркибини айтинг”, “Таҳлил қилинг”, “Нимаси билан фарқланади?”, “Қандай ажратиш мумкин?”, “Агар ... рўй берса, нима бўлади?”, “Тенгликни бажаринг” каби вазифаларга асосланади).

3. Рақамлар, маълумотлар билан ишлашда мураккаб фикрий операцияларни тақозо этувчи топшириқлар (бунда ўқувчиларга “Изоҳланг”, “Қандай тушунасиз?”, “Диаграммани ўқинг”, “Давом эттиринг”, “Тўлдиринг”, “Тасдиқланг”, “Текшириб кўринг”, “Тўғри келадими?” каби мазмудаги топшириқлар берилади).

4. Маълумотларни эълон қилишга оид топшириқлар (бунда топшириқларнинг “Режани тузинг”, “Схемани ишлаб чиқинг”, “Лойиҳани яратинг”, “Конструкцияланг”, “Ҳикоя тузинг”, “Ҳисоботни ўрганиб, таҳлил қилинг”, “Чизинг”, “Алоқадорликни топинг”, “Фарқни топинг”, “Эссе ёзинг” каби вазифаларга асосланиши аҳамиятли саналади).

5. Ижодий фикрлашни талаб этувчи топшириқлар (бунда “Қуйидаги вазиятда қандай йўл тутиш тўғри?”, “Матн билан танишиб, режа тузинг”, “Матнни кичик матнларга ажратинг”, “Ушбу .... ларни гуруҳлаштиринг”, “Таянч тушунчаларни аниқланг”, “Тушунчаларни туркумлаштиринг”, “Маълумотларни схема (жадвал, диаграмма, жадвал) ёрдамида ифодаланг”, “Қайта баён қилинг”, “Мавжуд элементларни бойитинг! каби топшириқлардан фойдаланилади).

“Технология” дарсларида ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантиришда, энг аввало, ўқитувчи томонидан бериладиган топшириқларнинг моҳиятини ҳам ўзгартириш, уларнинг рағбатлантирувчи, уларни ижодий ва креатив фикрлашга турки берувчи кўрсатмалар асосида савол ёки топшириқлар тўпламини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотни олиб боришда мазкур вазифанинг ҳам ижобий ҳал қилинишига эътибор қаратилди. Натижада қуйидаги ижодий, инновацион, креатив характерга эга саволлар ҳамда топшириқлар тўплами шакллантирилди: **(4-иловага қаранг)**

Шундай қилиб, шахсда креативлик сифатларини самарали ривожлантиришнинг энг муҳим омили – унинг мазкур сифатларга эғалигини ташхислаш саналади. “Тасодифий ассоциациялар” методи ва Э.П.Торренсинг уч босқичли “Тугалланмаган расмлар” тести шахс, хусусан, ўқувчиларда ҳам креативлик сифатлари мавжудлигини аниқлашга, шунингдек, уларни дастлабки босқичлар (1-2-босқич)да самарали шакллантиришга хизмат қилади. “Тасодифий ассоциациялар” методи ва Э.П.Торренсинг уч босқичли “Тугалланмаган расмлар” тестининг самарадорлигига улардан фойдаланиш шартларига риоя қилиниши, босқичларнинг изчиллигини таъминлаш орқали эришилади. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида мазкур ҳолатларни инобатга олиш кутилган натижани кафолатлади. Ўқувчилар “Технология” дарсларида ўзлаштирилаётган мавзулар бўйича креатив ғояларни илгари суриш, уларни асослаш, ўзига хос (оргинал) ғояларни ажратиб кўрсатиш малакаларини ўзлаштирди.

Шакллантирувчи тажриба даврида эса ўқувчилар креатив фикрлаш жараёнига фаол жалб этилди. Ишнинг навбатдаги параграфида ана шу хусусида сўз юритилади.

### **2.3-§. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантирувчи методлар**

Аксарият манбаларда шахс креативлигини ривожлантирувчи методлар тўғрисида маълумотлар берилган. Мазкур методлар шахсда янги ғояларни илгари суриш, бир мавзу юзасидан кўплаб ечимларни таклиф қилиш, улар орқасидан энг мақбулини танлаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Улар сирасида “Ақлий хужум”, “Фокал объектлар”, “Морфологик кути”, “Олтита рангли қалпоқча”, “Ментал харита” (“Идрок харитаси”), “Синектика”, “Билвосита стратегиялар” кабилар кенг оммалашган.

Айни ўринда шуни ҳам қайд этиш жоизки, мазкур методлар билан жуфтликда, кичик ва катта гуруҳларда ишлаш самарали саналади. Чунки бундай шароитда кўплаб ғояларга эга бўлиш имконияти мавжуд.

**I. “Ақлий хужум” методи.** Мазкур метод Алекс Осборн томонидан асосланган бўлиб, унинг асосий принципи шахсда янги, кўзлаб ғоялар ишлаб чиқиш, уларнинг ҳар бирини танқидий таҳлил қилиш малакасини шакллантиришдан иборат. Ўрганилаётган муаммо бўйича ҳар бир ўқувчи ўз фикрини билдиради, ечим юзасидан ўз таклифини илгари суради. Қолганлар билдирилган фикрни тўлдиради ва ривожлантиради. Ўқувчилар томонидан билдириладиган ҳеч бир фикр танқид қилинмайди. Барча ўқувчилар муаммонинг ечими юзасидан ўз таклифини билдиргандан сўнггина улар умумий ҳолда таҳлил қилинади ва энг тўғри, самарали ечим танланади [117].

“Технология” дарсларида “Ақлий хужум” методидан фойдаланиш ўқувчиларда ўқув фани, муайян вақт оралиғида эса унинг бўлим ёки боблари бўйича ўзлаштирилган назарий билимларни тизимлаштириш, уларни амалга татбиқ қилиш усуллари излашга имкон беради. Қолаверса, “Ақлий хужум”

методи ёрдамида “Технология” фани бўйича ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини назорат қилиш ва улар томонидан мавзуларнинг ўзлаштирилиш даражасини аниқлаш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин.

Хусусан, тадқиқот даврида “Халқ ҳунармандлари томонидан экспорт ва ички бозор учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар. Ҳунармандчиликда фойдаланиладиган нодир материаллар ва асбоб-ускуналар” (9-синф), “Ёғочнинг кимёвий ва технологик хоссалари. Ёғочнинг кимёвий хоссалари” (7-синф) мавзулар [74] бўйича ўқувчиларнинг билим даражасини аниқлаш мақсадида ушбу методдан фойдаланилди. Самарадорликка эришиш учун ўқувчилар кичик гуруҳларга бириктирилди.

Дарс жараёнида ушбу методдан 7- ва 9-синфларда қуйидаги тартибда фойдаланилди:

1. “Халқ ҳунармандлари томонидан экспорт ва ички бозор учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар. Ҳунармандчиликда фойдаланиладиган нодир материаллар ва асбоб-ускуналар” (9-синф) мавзуси [76] биринчи дарсга тўғри келганлиги сабабли навбатдаги дарсда ўтилган мавзунини мустақамлаш жараёнида “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилди. Методдан фойдаланиш қуйидагича амалга оширилди:

1. Мавзу ўрганиладиган дарс якунида ўқувчилар метод ва унинг моҳияти билан таништирилди.

2. Дарсликда берилган мавзуга оид маълумотларни диққат билан ўрганиш вазифаси топширилди.

3. Интернет тармоғида [google.co.uz](http://google.co.uz) ҳамда [google.com](http://google.com) қидирув сайтларида қўшимча равишда қуйидаги мавзулар бўйича маълумотларни излаш ва улар билан танишиш топшириғи берилди:

1) [google.co.uz](http://google.co.uz) сайти бўйича:

- “V синфда меҳнат таълими дарсларида халқ ҳунармандчилиги ишларини ўрганиш” номли ўқув қўлланма билан танишиш;



- “Ёғочсозлик саноати” (1-гурух) мавзуси (унинг негизида “Заргарлик” (2-гурух), “Чилангарлик” (3-гурух), “Темирчилик” (4-гурух), “Мисгарлик” ва “Кандакорлик” (6-гурух) каби кичик мавзулар) билан танишиш;

2) google.com сайти бўйича:

- “Столярные изделия” (1-гурух), “Кузнечные изделия” (ёки “Кованные изделия”; 2-гурух), “Мягкие мебели” (3-гурух), “Мебели” (4-гурух), “Ювелирные изделия” (5-гурух) каби умумий мавзу остида берилган маълумотлар билан танишиш.

II. “Ёғочнинг кимёвий ва технологик хоссалари. Ёғочнинг кимёвий хоссалари” (7-синф) мавзуси [74] биринчи дарсга тўғри келганлиги сабабли навбатдаги дарсда ўтилган мавзунини мустақамлаш жараёнида “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилди. Методдан фойдаланиш қуйидагича амалга оширилди: **(5-иловага қаранг)**


Хусусан, 9-синфда ташкил этилган “Халқ ҳунармандлари томонидан экспорт ва ички бозор учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар. Ҳунармандчиликда фойдаланиладиган нодир материаллар ва асбоб-ускуналар” мавзусида респондент-ўқувчилар томонидан қуйидаги фикрлар билдирилди:

1) ҳунармандчилик маҳсулотлари: кишиларнинг кундалик эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади; миллатнинг ўзлигини намоён этган ҳолда уни жаҳонга танитади; миллатнинг асрий қадриятларини ўзида намоён қилади; муайян халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, ижтимоий муносабатлари, ҳаётий интилишлари ҳақида маълумот беради; шахс, айниқса, болалар, ўсмирларнинг эстетик дидини бойитади; амалий қийматга эга бўлиб, улардан кундалик фаолиятда фаол фойдаланиш мумкин; ижтимоий ўзгаришлар, янги ғоялар, техник воситаларнинг ривожланиши асосида изчил такомиллашиб борган;

2) халқ ҳунармандчилиги маҳсулотларининг турлари: **(6-иловага қаранг)**

Тадқиқотни олиб бориш даврида “Ёғочнинг кимёвий ва технологик хоссалари. Ёғочнинг кимёвий хоссалари” (“Ёғочдан уй-рўзғор буюмларини ясаш” кичик мавзуси) (7-синф) мавзуси [74, 7]ни ўрганиш жараёнида ўқувчиларда креатив ғояларни шакллантириш мақсадида:

1) ўқувчилар эътиборига <https://www.pinterest.com/toppolyana/столярные-работы> номли Интернет сайтида “Столярные работы” мавзуси остида берилган берилган суратлардан намуналар тақдим қилинди. Жумладан:



2) ўқувчилардан уларни эътиборига ҳавола қилинган креатив характерга эга стул ва курсиларни янги деталлар билан бойитиш ёки янги талқини яратишга оид ғояларни илгари суриш вазифаси топширилди (фото суратлар <https://www.pinterest.com/toppolyana/столярные-работы> ҳамда <https://roomble.com/ideas/soveti-i-idei/vdohnovenie/100-samyh-krutyh-izdelij-iz-dereva-s-vystavki-wood-works> сайтларидан олинди:

	<p><b>Креатив ғоялар:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) курсининг 1-оёғидан 3-оёғига қадар баландлиги 20-25 см бўлган доирасимон суянчиқ ўрнатиш;</li> <li>2) курсининг 2-оёғи жойлашган жойдан пастга қараган учбурчак шаклида суянчиқ ўрнатиш;</li> <li>3) курсининг 1- ва 2- ҳамда 2- ва 3-оёқлари ўртасида жойлашган жойдан иккита устунга маҳкамланадиган суянчиқ ўрнатиш (суянчиқ ҳам доира шаклида бўлиб икки томондан устунларга маҳкамланади)</li> </ol>
	<p><b>Креатив ғоялар:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) тебратма стулнинг олдида томонлари 4-6 см қалинликда, узунлиги стул ўриндиғининг узунлигидан 8 см (4+4) ортик бўлган рейка ўрнатиш; шунда 3 ёшгача бўлган болалар ҳам бемалол ўтириши мумкин;</li> <li>2) ҳар икки тирсаклагичнинг олд томонидан устунлар ўрнатиб, уни суянчиққа 140° см бурчак остида маҳкамлаш орқали соябонли курси ҳосил қилиш (ундан қуёшли остида ҳовлида ўтириш ҳам мумкин бўлади)</li> </ol>
	<p><b>Креатив ғоялар:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) стулнинг ҳар иккала томонига баландлиги 15-20 см бўлган ёстиқсимон тирсаклагичларни суянчиқ томонини ҳар икки томонидан ичга қараб 5 (5+5=10) см фары билан ўрнатиш;</li> <li>2) суянчиқнинг ҳар икки томонидан унинг баландлиги баробарида устунлар ўрнатиш ва ана шу устунларга стулнинг ҳар иккала томонига баландлиги 15-20 см бўлган тирсаклагич қўшиш (тирчаклагичнинг ичи очиқ ҳам ёпик ҳам бўлиши мумкин)</li> </ol>



**Креатив ғоялар:**

- 1) ўриндиқнинг орқа томонидан баландлиги 30-35 см бўлган иккита устун ўрнатилиб, устунларга тўлқинсмон шаклдаги баландлиги 15-20 см бўлган (тағ қисми очик) суянчиқ ўрнатиш;
- 2) ўриндиқнинг диагонали бўйича 45<sup>0</sup> см бурчак асосида қалинлиги 10 см, баландлиги 15-20 см бўлган (тағ қисми 15 см очик) суянчиқ ўрнатиш

**II. “Олтита рангли қалпоқча” методи.** Ушбу метод Эдвард де Боно томонидан таклиф этилган. Метод хаёлан турли рангдаги олтита қалпоқчани кийиш ёрдамида ижодий жараёнларни тартибга солишга имкон беради. Турли рангдаги қалпоқчалар шахс томонидан қуйидаги ҳаракатларнинг ташкил этилишини ифодалайди: 1) оқ қалпоқча – рақамлар ва далиллар таҳлил қилинади; 2) қора қалпоқча – тегишли масала бўйича фақат салбий фикрни билдириш; 3) сариқ қалпоқча – муаммонинг ижобий томонларини излаш; 4) яшил қалпоқча – янги ғояларни ишлаб чиқиш, илгари суриш; 5) қизил қалпоқча – муаммо юзасидан ўзининг ҳиссий кечинмаларини баён қилиш; 6) яшил қалпоқча – натижаларни умумлаштириш [117].

Тадқиқотни олиб бориш даврида “Технология” фани бўйича ёритилаётган маълумотлар ва уларни ўзлаштириш характери, шунингдек, креатив фикрлашда энг муҳими жараён (ҳодиса, воқеа, муаммо, масала)ни ҳар томонлама таҳлил қилиш, кўплаб ечимларни топиш, амалий таклиф (тавсия)ларни ишлаб чиқиш эканлигидан келиб чиққан ҳолда қалпоқчаларнинг ранги орқали ифодаланадиган фаолият мазмуни бир оз ўзгартирилди. Яъни (2.2.3-жадвал):

2.2.3-жадвал

**“Олтита рангли қалпоқча” методи ғоясига янгича ёндашиш**

Қалпоқчалар	Қалпоқчанинг асосий вазифаси (Эдвард де Боно ғояси)	Қалпоқчанинг асосий вазифаси (модернизацияланган ғоя)
Оқ	Рақамлар, далилларни таҳлил қилиш	Матн (ҳодиса, жараён моҳияти)ни ўрганиш

Қора	Тегишли масала бўйича фақат салбий фикрни билдириш	Салбий ҳолат (йўл қўйилган хато, камчиликлар)ни аниқлаш
Сариқ	Муаммонинг ижобий томонларини излаш	Ижобий ҳолат (эришилган ютуқлар)ни аниқлаш
Яшил	Янги ғояларни ишлаб чиқиш, илгари суриш	Амалий тавсия (таклиф)ларни ишлаб чиқиш
Қизил	Муаммо юзасидан ўзининг ҳиссий кечинмаларини баён қилиш	Муаммо юзасидан шахсий хулоса чиқариш
Яшил	Натижаларни умумлаштириш	Натижаларни умумлаштириш

Методдан фойдаланишда рангли қалпоқчалардан икки йўл билан: ихтиёрий (2 та қалпоқчадан) ва изчил (навбат билан барча қалпоқчадан) фойдаланиш [47, 79] мумкин, деган талаб инобатга олинди. Ўқувчилар бу ҳақида хабардор қилинди. Аммо ўқувчилар учта (оқ, қора, сариқ) қалпоқчадан ҳам фойдаланиб кўриш истагида бўлганликлари учун шу таклиф асосида иш кўрилди. Методдан фойдаланишдан аввал ўқувчиларга кўшимча адабиётлар ва “Правка металла”, “Как загнуть лист металла в домашних условиях”, “Когда и зачем проводят правку металла” мавзуларида маълумот бера оладиган Интернет сайтлари (<https://tech.wikireading.ru/4986>; <https://si-3.ru/kak-zagnut-list-metalla-v-domashnih-usloviyah>; <https://metalloid.ru/obrabotka/sgibanie/pravka-metalla>) асосида ахборот тўплаш вазифаси топширилди. Вазифани бажаришда ўқувчилар кичик гуруҳларда ишлади. Дарс жараёнида “Олтига рангли қалпоқча” методидан қуйидаги босқичлар асосида фойдаланилди: **(7-иловага қаранг)**

**III. “Морфологик кути” (“Морфологик таҳлил”) методи (ёки график органайзери)** [112]. Айни ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз, замонавий таълимда қўлланилаётган методларнинг айримлари график органайзер деб номланади. Бундай деб номланишига уларнинг муайян шакл – жадвал, диаграмма, кластер, расмлар ёрдамида талқин этилиши саналади. Хусусан, “Морфологик кути” (“Морфологик таҳлил”) график органайзери жадвал, “Кластер” график органайзери кластер, “Венн диаграммаси” график органайзери

диаграмма, “Балиқ скелети” график органайзери эса балиқ скелетини ифодаловчи расм ёрдамида талқин этилади.

Муаллифи Фриц Цвикки бўлган “Морфологик кути” (“Морфологик таҳлил”) график органайзери ўз моҳиятига кўра танланган объект унга хос бўлган бир нечта белгини саралаб олиш орқали бир неча таркибий қисмларга ажратилади. Сўнгра улар моҳиятан ўзгартирилади ва қайта бирлаштирилади. Натижада янги объект пайдо бўлади. Мазкур метод XX асарнинг 30-йилларида швейцариялик астрофизик Фриц Цвикки (Fritz Zwicky) томонидан асосланган. График органайзер ғоясини асослашда Фриц Цвикки куйидаги мисолни келтиради: парфюмерия компанияси учун янги ташриф қоғозини тайёрлаш талаб қилинсин. Одатдаги тўғри тўртбурчакли бўладиган ташриф қоғози шакли ўзгартириб, ёқимли ҳид тарқатувчи учбурчак ҳолатда тайёрланса, унинг шахс онгига таъсири бошқача бўлади [117].

Қарийб бир асрдан “Морфологик кути” график органайзери – объектнинг таркибий тузилмасини таҳлил қилишга асосланувчи метод бўлиб, у қабул қилинган қарорнинг назарий имкониятларини ифодаловчи барча вариантларни тизимлаштиришни тақозо этади. Маълумки, одатда қутиларга нарсалар муайян тартиб билан жойлаштирилади. Агарда кути катта ҳажмли бўладиган бўлса, унга бир неча турдаги нарса, буюм ёки жиҳозлар турига қараб, алоҳида-алоҳида жойлаштирилди. Яъни кутида нарсаларга уларнинг тури бўйича маълум жой ажратилади. Муаммоли вазиятларни тадқиқ қилиш ва ечимларни танлашга хизмат қилувчи ушбу методнинг дидактик аҳамияти шундаки, у муайян жараён, тур, ҳатто соҳалар бўйича ҳам тизимли фикрлаш, ғояларни таҳлил қилиш, жараён, тур, ҳатто соҳаларнинг умумий моҳиятини ёритувчи ҳар бир ҳолатни кўриб чиқиш имконини беради. Ўз мазмунига кўра таҳлилий характерга эга ушбу метод тизим ва унинг таркибий асослари тўғрисидаги фикрларни ҳам ойдинлаштиришга ёрдам беради.

Айни ўринда “Морфология” тушунчасининг моҳиятини етарли даражада англаб олиш мақсадга мувофиқ саналади. Морфология: 1) биология фанида тирик организмнинг ташқи (шакли, таркибий тузилмаси, ранги,

образлари) ҳамда ички тузилиши (масалан, одамнинг ташқи (эйдономия) ва ички (анатомия) морфологияси); 2) тилшуносликда: табиий тилларга хос сўзлар, уларнинг аҳамиятли қисмлари ва морфологик белгиларини акс эттирувчи грамматиканинг бўлими. Ҳар қандай ҳолатда ҳам морфологик орғанизм, жисм, жараённинг таркибий тузилмасининг тўлиқ ёритилишини ифодалайди.

Фриц Цвикки ғоясига асосланган бу метод “Морфологик таҳлил” ҳам деб номланади.

“Морфологик қути” методи объектнинг таркибий тузилмасини таҳлил қилишга асосланувчи метод бўлиб, у қабул қилинган қарорнинг назарий имкониятларини ифодаловчи барча вариантларни тизимлаштиришни тақозо этади. График органайзер жадвал шаклига эга. Одатда қутиларга буюм, предметлар тартиб билан жойлаштирилгани каби “Морфологик қути” график органайзерида ҳам ўрганилаётган мавзуга доир таянч тушунчалар жадвалининг муайян катاكلарига тартиб билан, ўзаро изчиллик асосида жойлаштирилади. Мазкур график органайзер талабаларни эркин, танқидий фикрлашга ўргатади.

Муаммони ҳал қилишга нисбатан тизимли ёндашувнинг ўзига хос кўриниши бўлган морфологик таҳлил қисқа вақт оралиғида оригинал ечимларни топиш имконини беради. Таълим жараёнида фойдаланадиган морфологик таҳлил турли рамзий белгиларга асосланган ёзувлар, расмлардан таркиб топган жадвал кўринишига эга бўлади. Жадвал табиий равишда бўйига ва энига эга. Одатда бўйича предмет, буюмлар тегишли бўлган умумий тур (масалан, кийим-кечак, озиқ-овқат, дори-дармон ва ҳоказолар қайд этилади. Энига эга ҳар бир турга тааллуқли бўлган нарса, буюм ёки жиҳозларнинг номлари кўрсатилади. Улар иложи борича расм, шартли белги ёки логотипларда акс этиши керак. “Бу каби кўрсаткичлар сифатида формат, ранглар, асосий муаммони акс эттирувчи рамзлар, тасвирнинг таркибий қисмлари тўғрисидаги тасаввурни ойдинлаштиришга ёрдам берувчи рамзларни танлаш мумкин” [129].

Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфида “Технология” фанидан дарсларни ташкил этишда ёки дарсдан ташқари шароитларда, жумладан, тўгаракларда ўқувчиларни креатив фикрлашга одатлантиришда Фриц Цвикки (Fritz Zwicky)нинг “Морфологик кути” методида фойдаланиш когнитив-манتيкий аҳамият касб этади. Тадқиқот ишини олиб боришда “Ёғочга ишлов бериш технологияси” мавзуси [74]нинг умумий моҳиятини “Морфологик кути” методи ёрдамида ёритишга эътибор қаратилди.

Методдан фойдаланишга қаратилган амалий ҳаракат қуйидаги босқичларда олиб борилди:

1-босқич. Синф ўқувчиларининг умумий сонидан келиб чиққан ҳолда уларни кичик гуруҳларга ажратиш (гуруҳларга ажратишнинг энг қулай йўли – уларнинг ўтирган ўринлари ёки парта қаторлари бўйича ажратишдир).

2-босқич. Ўқувчиларга Фриц Цвикки ва у томонидан яратилган “Морфологик кути” методи тўғрисида назарий маълумотларни бериш.

3-босқич. Мактаб ҳаёти мисолида ўқувчиларнинг “Морфологик кути” методининг моҳиятини англаганлик даражасини ўрганиш.

4-босқич. Ўқувчиларга “Ёғочга ишлов бериш технологияси” мавзусининг умумий моҳиятини “Морфологик кути” методи ёрдамида ёритишга оид топишириқни бериш.

5-босқич. Топшириқнинг бажарилиши учун вақт белгилаш (8-10 дақиқа).

6-босқич. Ўқувчилар томонидан топшириқни бажариш учун имкон бериш.

7-босқич. Гуруҳларнинг ечимларини таҳлил қилиш.

8-босқич. Ўқитувчи томонидан гуруҳлар ишини баҳолаш.

Маълумки, ўқувчилар маълум бир метод ёрдамида ўқув топшириғини бажаришга йўналтиришда дастлаб уларга у ҳақида маълумотлар берилади. Маълумотда методнинг асосчиси, нима мақсадда қўлланилиши, дидактик имконияти, метод билан ишлаш шартлари ўз ифодасини топади. Шунингдек, ҳаётий мисол ёрдамида ўқув топшириғини “Морфологик кути” методи асосида бажарилиши ўқитувчи раҳбарлигида амалий жиҳатдан бажариб



кўрсатилади. Бу ўринда метод билан ишлаш моҳияти ўқувчиларнинг ҳаётида муҳим аҳамиятга эга мактаб мисолида тушунтирилди (2.2.1-жадвал).

7-синф ўқувчилари томонидан “Ёғочга ишлов бериш технологияси” мавзуси [74]нинг умумий моҳиятини ёритишга оид ўқув топишириғининг самарали бажарилиши қуйидаги шаклдаги морфологик қутини шакллантиришга имкон беради (2.2-жадвал).

## 2.2.1-жадвал

### “Морфологик қути” методи билан ишлаш учун намуна

Мактаб				
<b>I. Таълим иштирокчилари</b>				
1. Ўқувчилар	2. Ўқитувчилар, педагог ходимлар (психолог, етакчи)	3. Ота-оналар	4. Мактаб раҳбарлари	5. Мактабнинг ишчи-ходимлари
<b>II. Мактаб фаолиятининг муҳим йўналишлари</b>				
1. Таълим жараёни		2. Маънавий-маърифий ишлар жараёни		
<b>III. Мактаб фаолиятини белгиловчи асосий воситалар</b>				
1. Мактаб биноси	2. Ўқув Қуроллари	3. Ўқув жиҳозлари	4. Ўқув фанлари	5. Техник воситалар
<b>IV. Мактаб фаолиятининг таркибий асослари</b>				
1. Ўқув йили	2. Дарс Жадвали	3. Қўнғироқ	4. Дарс вақти	5. Фан олимпиадаси
6. Дарслар	7. Чораклар	8. Имтиҳон	9. Таътиллар	10. Ўқув йилининг якуни
<b>V. Мактабда фаолият юритувчи органлар</b>				
1. Педагогик кенгаш	2. Ўқув-методик Кенгаш	3. Методик бирлашмалар	4. Ота-оналар кўмитаси	5. Ҳомийлар кенгаши

## 2.2-жадвал

### “Ёғочга ишлов бериш технологияси” мавзусига оид морфологик қути

Ёғочга ишлов бериш технологияси			
<b>I. Ёғоч навлари (қуруқ ёғоч)нинг кимёвий таркиби</b>			
1. Углерод – 49 фоиз	2. Кислород – 44 фоиз	3. Водород – 6 фоиз	4. Азот – 0,1-0,3
<b>II. Ёғоч қулининг таркибидаги асосий кимёвий элементлар</b>			
1. Кальций	2. Калий	3. Натрий	4. Магний
<b>III. Ёғоч қулида ҳосил бўладиган бирикмалар</b>			
1. Целлюлоза		2. Лигнин	
<b>IV. Ёғоч таркибидаги моддалар</b>			
1. Смола	2. Пектин	3. Ёғлар	4. Бошқалар
<b>V. Ёғочнинг асосий хусусиятлари</b>			
1. Метал михларни тутиб туриш	2. Ейилиш	3. Эгилиш	4. Ёрилишга чидамлилиқ
<b>VI. Ёғочнинг механикавий хоссалари</b>			
1. Пухталиги	2. Қаттиқлиги	3. Эгилувчанлиги	4. Қовушқоқлиги
5. Мўртлиги		6. Ёрилувчанлиги	7. Михланувчанлиги
<b>VII. Ёғочларнинг қаттиқлик даражасига кўра гуруҳлари</b>			

1. Юмшоқ ёғочлар – карағай, оқ карағай, арча, терак, тоғтерак, арғувон ва ҳ.к.	2. Қаттиқ ёғочлар – қайин, қора қайин, тилоғоч, эман, заранг, ғужум ва ҳ.к.	3. Жуда қаттиқ ёғочлар – акация, нок, қайрағоч, ёнғоқ, шамшод, pista ва ҳ.к.
<b><i>VIII. Ёғочнинг эластик хусусиятига кўра тайёрланадиган маҳсулотлар</i></b>		
1. Машина болғаларининг сандони	2. Таглик-кистирмалар	3. Ноғораларнинг зарб бериш чўпи
4. Болға	5. Искана	6. Эгов
7. Белкурак	8. Кетмон	9. Теша дасталари

**IV. “Фокал объектлар” методи.** Луғавий мазмунига кўра “фокал” тушунчаси (инг. “focal“ – “ўзак”, “манба”, “ўчоқ” маъноларини англатади. Асосчи Чарльз Вайтинг бўлган ушбу методнинг ғояси – турли объектларга хос бўлган белгиларни биргина предметда акс этишига эришиш.

Муаллифнинг ўзи метод ғоясини тушунтиришда қуйидаги мисолдан фойдаланади: оддий шам ва “Янги йил” тушунчаси қабул қилинади. Одатда “янги йил” тушунчаси бенгал оловлари билан ассоциацияланади. Бу белги (бенгал олови) шамни ёдга солади. Агарда бенгал олови кир ювиш воситасида артилиб, унга мум қўшилса, ичида жуда кичик учқунланадиган “янги йил” шами ҳосил бўлади [117].

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида ўқувчиларга “Фокал объектлар” методи ёрдамида “Технология” фани мазмунига мос келувчи ғояларни илгари суриш вазифаси топширилди. Респондент-ўқувчилар кичик гуруҳларга бириккан ҳолда ишлади. Гуруҳлар томонидан қуйидаги ғоялар илгари сурилди:

1. Ишга яроқсиз мобил телефонлари (планшет) ва табуретка (суянчиқсиз курси).
2. Ғўла (дарахт бўлаги) ва пластик сув идиши.
3. Пойафзал қутилари ва сумкача.
4. Рангли иплар, чифаноқлар, рангли шиша бўлаклари ва шиша идиш.

“Технология” фанидан ташкил этилган амалий машғулотларнинг бирида респондент-ўқувчилар бириктирилган кичик гуруҳлар томонидан

илгари сурилган ғоялар асосида уй-рўзғор буюмлари тайёрланди. Қуйида улардан иккитаси намуна сифатида келтирилади. **(8-иловага қаранг)**

**V. “Синектика” график органайзери.** Уильям Гордон асосланган мазкур метод муаллиф креативликнинг асоси дея эътироф этган – муқобиллар (ўзаро ўхшаш жиҳатлар)ни излашга хизмат қилади. Методни қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1-босқич: зарур объект (ўрганилаётган мавзуга оид муҳим тушунча) танланади;

2-босқич: танланган объектнинг муқобил (ўзаро ўхшаш жиҳат)ларини топиш учун икки бўлимдан иборат жадвал шакллантирилади;

3-босқич: жадвалнинг 1-устунида танланган тушунчага тўғри муқобил бўлган тушунчалар қайд этилади;

4-босқич: 1-устунда қайд этилган ҳар бир тушунча асосида мақсад, тушунчанинг моҳияти ва нотўғри муқобиллар белгиланади.

Бу ўринда У.Гордон шундай мисол келтиради: объект – қалам; вазифа – қаламнинг турларини кўпайтириш; тўғри муқобил – бўртма қалам; нотўғри муқобил – ясси қалам; натижа – қаламни ишлаб чиқариш [117].

Тадқиқотни олиб бориш даврида “Пазандалик асослари” (7-синф) бўлими [74] материалларини ўрганиш якунида “Синектика” график органайзеридан фойдаланилган ҳолда ўқувчиларнинг назарий билимлари аниқланди.

Ана шу мақсадда респондент-ўқувчиларга “Пазандалик асослари” бўлими бўйича ўзлаштирилган назарий билимларга таянган ҳолда танланган тушунчаларга муқобил бўлган атамаларни топиш вазифаси топширилди. Ушбу жараёнда ҳам респондент-ўқувчилар кичик гуруҳларда ишлади. Шакллантирувчи тажриба даврида кичик гуруҳлар томонидан қуйидаги ечимлар тақдим этилди:

№	Объект	Вазифа	Тўғри муқобил	Нотўғри муқобил	Натижа
1.	Зардўзлик	Зардўзлик маҳсулотлари	Зарбоф тўн	Олача тўн	Зардўзлик маҳсулотлари

		ишлаб чиқаришни кўпайтириш			экспортини таъминлаш
2.	Заргарлик	Янги турдаги миллий заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш	Кумуш занжир	Темир занжир	Жаҳон бозорида миллий заргарлик маҳсулотларининг харидоргир бўлишига эришиш
3.	Қимматбаҳо тошлар	Қимматбаҳо тошлардан миллий заргарлик буюмларини тайёрлаш	Олмос кўзли узук	Фианит тошли узук	Қимматбаҳо тошлар, заргарлик буюмлари билан савдо қилувчи миллий брендни яратиш

**VI. “Ментал харита” (ёки “Идрок харитаси”) график органайзери** [112]. Муаллиф – англиялик психолог Тони Бьюзен. Муаллифнинг фикрига кўра, креативлик хотира билан боғлиқ. Шундай экан, хотирани кучайтириш креатив фикрлаш жараёнининг сифатини яхшилайтиди. Сарлавҳа ва абзацлар билан ёзишларнинг анъанавий тизими эслаб қолишга тўсқинлик қилади.

1974 йилда илк бор Т.Бьюзен қоғознинг ўртасига асосий тушунчани, марказдан чиқарган ҳолда унинг атрофида “шоҳ”лар ҳосил қилиш орқали уларга эслаб қолиниши зарур бўлган ассоциацияларни қайд этган ҳолда ўрганилаётган муаммони таҳлил қилишни таклиф этади. Фикрларни графикавий (турли геометрик, арифметик, физик формулалар, шартли белгилар ёрдамида) ифодалаш тақиқланмайди.

“Ментал харита” (“Идрок харитаси”)ни “чизиш” янги ассоциацияларнинг юзага келишига имкон яратади, ҳосил бўлган умумий образ эса муаммо моҳиятини ифодаловчи тушунча (билим)ларнинг узок вақт ёдда сақланишига ёрдам беради [117].

“Технология” дарсларида “Ментал харита” (“Идрок харитаси”) график органайзерида фойдаланишда ўқувчиларга “Кластер” график органайзери тўғрисида ҳам маълумот бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Агар ўқувчилар ушбу график органайзер билан аввалдан таниш бўлсалар, у ҳолда ўқитувчи ўқувчиларга “Ментал харита” (“Идрок харитаси”) график органайзери ҳақида маълумот бериб, ушбу график органайзери “Кластер” график органайзери

билан ўзаро таққослашга йўналтириши зарур. Ўқитувчининг бу ҳаракати орқали: 1) ўқувчилар фикрлашга ўрганади; 2) уларда таҳлил қилиш қобилияти шаклланади (ривожланади); 3) ўқувчилар мавжуд билимларни тизимлаштиришга ўрганади.

Таълим жараёнида ушбу дидактик мақсадларга эришиш ўқитиш самарадорлигини оширишда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бугунги кунда ўзига хос долзарблик касб этмоқда.

Тадқиқот даврида ҳам худди шундай йўл тутилди. Ўқувчиларга “Ментал харита” (“Идрок харитаси”) ва “Кластер” график органайзерлари ўртасидаги фарқни топиш вазифаси топширилди. Бу вазифани бажаришда ҳам респондент-ўқувчилар кичик гуруҳларда ишлади. Гуруҳларнинг ечимлари асосида қуйидаги якуний хулосага келинди (2.2.4-жадвал).

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида “Технология” дарсларида ҳам “Ментал харита” (“Идрок харитаси”) график органайзеридан фойдаланилди. Одатда “Ментал харита” (“Идрок харитаси”) график органайзеридан ўқув дастуридаги муайян боб, бўлим материалларини ўрганиш якунига етказилгандан сўнг фойдаланилади. Респондент-ўқувчилар билан ишлашда ҳам шундай йўл тутилди. Таҳлил учун “Рўзғоршунослик асослари” бўлими [74] танланди.

2.2.4-жадвал

**“Ментал харита” (“Идрок харитаси”) ҳамда “Кластер”  
график органайзерлари ўртасидаги асосий фарқлар**

<b>“Ментал харита” (“Идрок харитаси”) график органайзерлари</b>	<b>“Кластер” график органайзерлари</b>
Харита кўринишида ифодаланади	Кластерда ифодаланади
Харитадаги йўналиш каби ривожланиб боради	Эллипс ёрдамида тармоқланиб боради
Хариталар ўз моҳиятига кўра ҳаракатланиш йўналишини белгилаб беради, “Ментал харита” ҳам шунга хизмат қилади	Кластер назарий билимлар, маълумотларни гуруҳлаштириш, туркумлаштиришга хизмат қилади

Ушбу график органайзер билан ишлаш мураккаб бўлганлиги сабабли, қолаверса, барча ўқувчиларнинг ўқув топшириғини бажаришда бирдек фаоллик кўрсатишларини таъминлаш мақсадада респондентлар кичик гуруҳларга

ажратилди. Гуруҳларга қуйидаги мавзулар бўйича “Рўзғоршунослик асослари” бўлимнинг умумий мавзу моҳиятини очиб берувчи ижодий лойиҳаларни яратиш топшириғи юклатилди: 1-гуруҳ. Пазандалик. 2-гуруҳ. Қандолатчилик. 3-гуруҳ. Тикувчилик. 4-гуруҳ. Тўкувчилик.


Кичик гуруҳларга ижодий лойиҳаларни тайёрлашда респондент-ўқувчиларга қуйидаги адабиёт ва Интернет сайти маълумотларидан фойдаланиш тавсия қилинди: 1. Маҳмудов К. Меҳмоннома. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1989. – 240 б. 2. Таомлар // <http://beka.uz/pazandalik/taomlar?pagenumber=4>.

Тадқиқот чоғида кичик гуруҳлар томонидан “Рўзғоршунослик асослари” мавзусида бир нечта вариантда ижодий лойиҳалар тайёрланди. Қуйида улардан бири намуна сифатида келтирилади (кейинги саҳифадаги расм).

***VII. “Билвосита стратегиялар” методи*** [117]. Муаллифлари Брайан Эно ҳамда Питер Шмидт бўлган бу метод турли топшириқ (буйруқ)лар ёзилган карточкалар тўпламига таянган ҳолда янги ғояларни излаш, асослаш ва илгари суришга қаратилган ҳаракатлар амалга оширилади.

Янги ғояни ишлаб чиқишдан аввал ўқувчи карточкалардан бири танлайди ва унда кўрсатилган топшириқ асосида муайян хатти-ҳаракат (масалан: “Уч йўл билан ечимни топ!”, “Ечимни янги ғоялар билан бойит!” [117]) бажарилади.

**“Рўзғоршунослик” мавзусидаги “Ментал харита” (“Идрок харитаси”)**



Тадқиқотни олиб боришда мазкур “Билвосита стратегиялар” методидан фойдаланишда қуйидаги топшириқлар қайд этилган карточкалар тўплами (ўқув топшириқлари тўплами) шакллантирилди:

1-топшириқ. Махсус адабиётлар ва Интернет сайтлари ёрдамида тегишли мавзу бўйича Сизни ҳайратлантирган маҳсулот намуналаридан камида учтасини мисол сифатида тақдим этинг.

2-топшириқ. Нима учун айнан шу маҳсулотлар намуналарини танлаганингизни изоҳланг.

3-топшириқ. Танланган маҳсулотларга уларнинг бадий-эстетик, амалий, креатив хусусиятларини урта сифат бўйича таърифланг.

“Технология” дарсларида “Пазандалик асослари” мавзусини ўрганиш жараёнида ушбу “Билвосита стратегиялар” методидан фойдаланиш самарали натижаларни берди. Тўпламдаги ўқув топшириқларини бажаришда тажриба гуруҳига жалб қилинган респондент-ўқувчиларнинг фаолликлари кўзга ташланди.

Айни ўринда респондент-ўқувчилар томонидан тўпلامдаги ўқув топшириқларини бажариш юзасидан илгари сурилган таклиф (креатив, ижодий) ғоялардан намуналар келтирилади. **(9-иловага қаранг)**

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида диссертант ғоялари асосида “Синергетика лабораторияси” интерфаол характерга эга метод асосланди. Қуйидаги уларнинг моҳияти ва таълим жараёнида қўллаш тартиби хусусида сўз юритилади.

**“Синергетика лабораторияси” методининг мақсади** – ўқувчилар томонидан ўқув фани асосларини пухта ўзлаштириш орқали мавжуд билимларни амалда қўллаш, улар негизида креатив ғояларни илгари суриш қобилиятини ривожлантириш.

Назарий моҳияти: ўқув фанининг муайян боби, бўлими ёки мавзуси бўйича ўзлаштирилган назарий билимларга таянган ҳолда креатив характерга эга маҳсулотни тайёрлаш.

Қўллаш босқичлари:

1-босқич: ўқувчилар кичик гуруҳларга ажратилади;

2-босқич: гуруҳларга бир хил мазмундаги ўқув топшириқлари берилади;

3-босқич: гуруҳлар томонидан креатив лойиҳалар тайёрланади;

4-босқич: креатив фикрлаш ва у асосида маҳсулотларни тайёрлаш қобилиятига эгаликни намоён қилган ҳолда туркум ўқув топшириқлари (2 ва ундан ортиқ топшириқлар)ни бажариш.

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида “Синергетика лабораторияси” методини қўллаб, ўқувчиларга “Пазандалиқ асослари” бўлими бўйича қуйидаги топшириқларни бажариш вазифаси берилди:

1-топшириқ. Маҳсулотнинг уч хил ўзига хос шаклини таклиф қилинг.

2-топшириқ. Тегишли мавзуга оид ўзига хос ғояни илгари сурилинг.

Амалий жараён:

1-топшириқ. Яратиладиган маҳсулотнинг камида уч хил ўзига хос шаклини таклиф қилиш бўйича:



Мазкур топшириқ “Технология” дарсида респондент-ўқувчилар томонидан тайёрланган омлетни тақдим этиш асосида бажарилди; топшириқнинг самарали бажарилишига эришиш мақсадида ўқувчилар учта кичик гуруҳга ажратилди; ҳар бир гуруҳга бир хил таркибий тузилмага эга ҳолда бир-биридан фарқ қилувчи учта шакл асосида тақдим этиш вазифаси юклатилди.

Дидактик талаб: омлет шакллариининг танланиши унинг ичига солинадиган масаллиқ хусусиятидан келиб чиқиб танланиши зарур. Тасвирларни танлашда Интернет сайтларида берилган суратлардан ҳам фойдаланиш мумкин (бунинг учун энг аввало, гуруҳларнинг омлет шакли хусусидаги фикрлари ўрганилди, сўнгра Интернет сайтларида улар таклиф этган шаклга мос суратлар танланади.

Бу таҳлитда ишлаш қуйидагиларга кўра амалий аҳамиятга эга: биринчидан, ўқувчилар креатив фикрлаш малакаларини ўзлаштиради; иккинчидан, ўқувчилар ахборот-коммуникацион технологияларнинг имкониятларидан фойдаланишга одатлантирилади; учинчидан, Интернет тармоғининг “Қидирув” (“Поиск”) тизимидан зарур маълумотларни топиш кўникмаларига эга бўлади).

Топшириқ шартига кўра ҳар бир гуруҳ тайёр масаллиқдан уч хил шаклдаги омлет тақдим этиши керак. Унинг самарали бажарилганлиги респондент-ўқувчилар томонидан тақдим этилган шакллари ўзига хослиги, бадиий-эстетик кўринишга эгалиги асосида баҳоланди. Шунингдек, гуруҳларга тайёр маҳсулот (омлет)нинг уч хил шаклини тасвирий ёритиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтилди.

Бундан иккита мақсад кўзланди: 1) ўзлари тайёрлаган маҳсулотни мустақил равишда бадиий-эстетик жиҳатдан баҳолаш (тасвирда бу аниқ намоён бўлади); 2) тасвир воситасида респондент-ўқувчиларнинг бадиий-эстетик дидларини ривожлантириш.

Тадқиқот даврида гуруҳлар қуйидаги ечимни тақдим этди (намуна) **(10-иловага қаранг):**

Шундай қилиб, “Технология” дарсларида “Ақлий ҳужум”, “Олтита рангли қалпоқча”, “Морфологик қути” (“Морфологик таҳлил”), “Фокал объектлар”, “Синектика”, “Ментал харита” (“Идрок харитаси”), “Билвосита стратегиялар” методларининг дидактик имконияти ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга хизмат қилади. Мақсадни аниқ белгилаш, креатив фикрлашни тақозо қиладиган ўқув топшириқларини шакллантириш методлардан самарали фойдаланишга имкон яратади. “Технология” фанининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўқув топшириқларини шакллантиришда “Олтита рангли қалпоқча” методининг асосий ғоясига даҳл қилинмаган ҳолда унинг мазмуни назарий жиҳатдан ўзгартириш талаб қилинади. Номлари келтирилган методлар, шунингдек, диссертант томонидан асосланган “Синергетика лабораторияси” номли интерфаол характерга эга методдан “Технология” дарсларида мақсадли, ўринли фойдаланиш, ўқув топшириқларининг ғоявий жиҳатдан пухта, методик жиҳатдан тўғри шакллантирилиши ўқувчиларнинг креатив сифатларини ривожлантириш имкониятини таъминлади. Бу ҳақида ишнинг навбатдаги бобида сўз юритилади.

### **Иккинчи боб бўйича хулоса**

Жаҳон миқёсида деярли бир аср вақт мобайнида шахс креативлигини ривожлантириш муаммоси когнитив-методологик, ташкилий-методик, амалий-фаолиятли ва рефлексив-баҳолаш нуқтаи назардан кенг тадқиқ этилган. Республикада эса шахс креативлигини ривожлантириш муаммоси кам сонли тадқиқотлар доирасида ўрганилган бўлиб, улар сўнгги ўн йил ичида олиб борилган. Ментал хусусиятлар, миллий турмуш тарзи нуқтаи назаридан турли ёш тоифаси ва мутахассислик йўналишлари бўйича шахс креатив сифатларини ривожлантириш муаммосининг когнитив, эмпирик, рефлексив асосларини яратиш нафақат педагогика, балки психология, социология, фалсафа ҳамда гуманитар фанлар (тасвирий санъат, музика,

адабиёт) доирасида туркум илмий-тадқиқотларни олиб боришни тақозо этади.

Шахснинг креативлик сифатларга эгаллигини ташхислаш ана шу мақсадга йўналтирилган педагогик жараёни самарали ташкил этилишини таъминлайди. “Тасодифий ассоциациялар” методи ва Э.П.Торренснинг уч босқичли “Тугалланмаган расмлар” тести шахснинг креативлик сифатларга эгаллигини ташхислаш борасидаги дидактик имкониятга эга. Фойдаланиш шартларига риоя қилиниши, босқичларнинг изчиллигини таъминлаш “Технология” дарсларида ўқувчиларда креативлик сифатлари мавжудлигини ташхислашга ёрдам бериши тадқиқот жараёнида тасдиқланди. Улар ёрдамида “Технология” дарсларида ўқувчилар томонидан тегишли мавзулар бўйича креатив ғояларни илгари суриш, уларни асослаш, ўзига хос (оргинал) ғояларни ажратиб кўрсатиш малакалари шакллانганлиги аниқланди.

“Технология” дарсларида “Ақлий ҳужум”, “Олтита рангли қалпоқча”, “Морфологик кути” (“Морфологик таҳлил”), “Фокал объектлар”, “Синектика”, “Ментал харита” (“Идрок харитаси”), “Билвосита стратегиялар” методлари эса дидактик нуқтаи назаридан ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга хизмат қилади. “Технология” фанининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўқув топшириқларини шакллантиришда “Олтита рангли қалпоқча” методининг асосий ғоясига даҳл қилинмаган ҳолда унинг мазмуни назарий жиҳатдан ўзгартириш талаб қилинади. “Ақлий ҳужум”, “Олтита рангли қалпоқча”, “Морфологик кути” (“Морфологик таҳлил”), “Фокал объектлар”, “Синектика”, “Ментал харита” (“Идрок харитаси”), “Билвосита стратегиялар” методлари, шунингдек, диссертант томонидан асосланган “Синергетика лабораторияси” номли интерфаол характерга эга методдан “Технология” дарсларида мақсадли, ўринли фойдаланиш, ўқув топшириқларининг ғоявий жиҳатдан пухта, методик жиҳатдан тўғри шакллантирилиши ўқувчиларнинг креатив сифатларини ривожлантириш имкониятини таъминлади.

### **III БОБ. “ТЕХНОЛОГИЯ” ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ ДИНАМИКАСИ**

#### **3.1. Тажриба-синов ишларининг мақсади ва вазифалари**

Илмий-тадқиқотни муваффақиятли ташкил этишнинг энг муҳим шартларидан бири тажриба-синов ишининг мақсади ва вазифаларини аниқ белгилашдир. Аксарият тадқиқотчилар тажриба-синов ишларининг мақсади сифатида илмий-тадқиқот иши мақсадини баён этишади. Аммо уларнинг ҳар иккиси алоҳида, ўзига хос хусусиятга эга бўлган жараён моҳиятини белгилаб бериши зарур. Шунга кўра илмий-педагогик тажрибани ташкил этишда асосий эътибор тажриба-синов иши мақсадини аниқ ифодалаш ва вазифаларини тўғри белгилашга қаратилиши зарур.

“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш муаммосини тадқиқ этишга йўналтирилган илмий-педагогик тадқиқот доирасида амалга оширилган тажриба-синов ишининг мақсади муаммоли ва ривожлантирувчи таълим технологияларини такомиллаштириш асосида “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини ўрганишдан иборат этиб белгиланди. Ушбу мақсад негизида қуйидаги вазифалар белгиланди:

1. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг ташкилий-амалий ғояларини асослаш.
2. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришда самарали бўлган методларни танлаш.
3. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга доир махсус методикани шакллантириш.
4. “Технология” дарсларида ўқувчилар томонидан креативлик сифатларининг самарали ўзлаштирилишини таъминловчи зарур педагогик шароитни яратиш.

5. “Технология” дарсларида ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантириш.

Тажриба-синов ишларини ташкил этишдан ўқувчиларнинг креатив сифатлар, ўзига хос креатив ғояларни асослаш малакаси, креатив маҳсулотни яратиш қобилиятига эга бўлиши амалий (бажариш) ҳамда рефлексив даражада намоён эта олиши асосий натижа сифатидат назарда тутилди.

Тажриба-синов иши вазифаларини бажаришда умумий ўрта таълим муаммога оид мавжуд адабиётлар, илмий-тадқиқотлар ва уларнинг натижалари амалий-методик асос бўлиб хизмат қилди.

Педагогик йўналишда илмий-тадқиқотни олиб боришда тадқиқ учун танланган муаммо назарий, амалий ва таҳлилий жиҳатдан ёритилади. Бунинг моҳияти шундан иборатки, дастлаб муаммонинг назарий асослари – моҳияти, таянч тушунчаларнинг мазмуни, устувор тамойиллари, муҳим босқичлари, уни амалий жиҳатдан самарали ҳал этилишига таъсир этувчи омиллар мавжуд адабиётлар, тегишли йўналишларда амалга оширилган илмий изланишларнинг асосий ғоялари негизида очиб берилади. Сўнгра назарий ғояларнинг амалиётга татбиқини таъминлаш жараёни, яъни, педагогик тажриба ташкил этилади. Бунда асосий эътибор танланган муаммонинг самарали ечимини топишда самарали деб топилган ташкилий шакллар, методлар, воситалар ва технологиялар жамланмаси – махсус методиканинг асосланишига, у асосида педагогик тажрибанинг ташкил этилишига қаратилади. Илмий-педагогик тадқиқотнинг энг сўнггида амалиётга тадбиқ этилган методиканинг самарадорлик даражаси таҳлилий ўрганилади, педагогик тажриба натижаларининг математик-статистик таҳлилига асосланган ҳолда унинг самарадорлиги баҳоланади.

“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш муаммосини тадқиқ этишда ҳам масала юқорида баён этилгани каби уч жиҳатдан ўрганилди. Илмий-педагогик тажрибанинг ушбу уч жиҳатни инобатга олган ҳолда ташкил этилиши табиий равишда тадқиқот фаолиятининг 2016-2020 йилларда бир неча босқичда ташкил этилишини таъминлади. Улар:

Биринчи босқич (2016 йил)да муаммога оид адабиётлар, илмий тадқиқотлар билан танишилди; тажриба-синов ишларини ташкил этиш масалалари ҳал қилинди. Бунда қуйидаги жузъий вазифалар ҳал қилинди: тажриба-синов майдонларини белгилаш; респондент-ўқувчилар сонини аниқлаш; тажриба ва назорат синфларини шакллантириш; махсус методикани ишлаб чиқиш.

Тажриба-синов иши республиканинг учта минтақаси бўйича майдонларни белгилаш асосида амалга оширилди. Тадқиқот учун тажриба-синов майдони сифатида қуйидагилар танланди:

1. Жиззах вилояти, Бахмал туманидаги 48-мактаб.
2. Жиззах вилояти, Жиззах шаҳридаги 17-мактаб.
3. Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманидаги 35-мактаб.
4. Самарқанд вилояти, Тойлоқ туманидаги 11-мактаб.
5. Андижон вилояти, Избоскан туманидаги 20-мактаб.
6. Андижон вилояти, Андижон шаҳридаги 20-мактаб.

Тажриба-синов майдони сифатида белгиланган умумий ўрта таълим мактабларида респондент-ўқувчиларнинг сони ҳам аниқланди (3.1.1-жадвал):

**3.1.1-жадвал. Респондент-ўқувчилар сони  
(тажриба-синов майдонлари бўйича)**

№	Тажриба-синов майдонлари	Респондент ўқувчилар сони	Синфлар
1.	Жиззах вилояти, Бахмал туманидаги 48-мактаб	31	7-синф
2.	Жиззах вилояти, Жиззах шаҳридаги 17-мактаб	31	9-синф
3.	Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманидаги 35-мактаб	29	8-синф
4.	Самарқанд вилояти, Тойлоқ туманидаги 11-мактаб	30	7-синф
5.	Андижон вилояти, Избоскан туманидаги 20-мактаб	28	8-синф
6.	Андижон вилояти, Андижон шаҳридаги 20-мактаб	33	9-синф
<b>Жами</b>		<b>182</b>	

Илмий-педагогик тадқиқотда муаммонинг ечимини топиш учун махсус методика шакллантирилади. Махсус методиканинг амалиётга мослиги,

самарадорлигини ўрганиш ва баҳолаш учун одатда тажриба ҳамда назорат синфлари танланади. Тажриба гуруҳларида диссертант томонидан амалиёт учун тавсия этилаётган махсус методика синовдан ўтказилиб, респондент-ўқувчиларнинг педагогик тажрибадан аввалги ва кейинги ҳолатлари ўртасидаги фарқ ўрганилади. Шунингдек, одатдаги тартибда иш кўрилган назорат синфларида ҳам респондент-ўқувчиларнинг педагогик тажрибадан аввалги ҳамда кейинги ҳолатлари тажриба синфларининг ўқувчилари томонидан қайд этилган кўрсаткичлар бўйича ўзаро қиёсий ўрганилади. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш муаммоси доирасида тажриба-синов ишини ташкил этишда ҳам шу тахлитда иш кўрилди. Шу сабабли ҳар бир тажриба майдонларидан синов ишларига жалб этилган респондент-ўқувчилар тасодифий танлов йўли билан тажриба ва назорат синфларига бириктирилди (3.1.2-жадвал):

**3.1.2-жадвал. Тажриба ва назорат синфларига бириктирилган респондент-ўқувчилар сони (тажриба-синов майдонлари бўйича)**

№	Тажриба-синов майдонлари	Респондент-ўқувчилар сони	
		Тажриба синфлари	Назорат синфлари
1.	Жиззах вилояти, Бахмал туманидаги 48-мактаб	16	15
2.	Жиззах вилояти, Жиззах шаҳридаги 17-мактаб	15	16
3.	Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманидаги 35-мактаб	14	15
4.	Самарқанд вилояти, Тойлоқ туманидаги 11-мактаб	15	15
5.	Андижон вилояти, Избоскан туманидаги 20-мактаб	14	14
6.	Андижон вилояти, Андижон шаҳридаги 20-мактаб	16	17
<b>Жами</b>		<b>90</b>	<b>92</b>

Педагогик йўналишда олиб бориладиган илмий тадқиқотни самарадорлиги изчил, узлуксиз ва тизимли ташкил этиш талаб қилинади. Бу эса диссертантнинг тажриба-синов майдонлари билан доимий алоқада бўлишини тақозо этади. Диссертантнинг тажриба-синов майдонлари билан доимий алоқада бўлишининг энг самарали йўли уларнинг ҳар бирида синов ишларини ташкил этишга кўмаклашувчи методист-ўқитувчилардан камида

бир нафарини мазкур жараёнга жалб этишдир. Шу ўринда шундай савол туғилади: синов ишларига жалб қилинган методистлар ойлик маош билан таъминланмаса, тажриба майдонларининг ўқитувчилари бунга рози бўладими? Дарҳақиқат, мустақил олиб борилаётган илмий-педагогик тадқиқотлар учун синов ишларига жалб қилинган методистларни ойлик маош билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари мавжуд эмас. Шу сабабли илмий-педагогик тажрибани ташкил этишда тадқиқотчи ва методист-ўқитувчилар ўртасида ўзаро методик ҳамкорлик шакллантирилади. Унга кўра таъкидловчи тажриба даврида тадқиқотчи методист-ўқитувчиларни “Технология” фани бўйича методик ишланмалар билан таъминлайди, методист-ўқитувчилар эса бунинг эвазига тажриба-синов ишларини ташкил этишда тадқиқотчига кўмаклашади. Тажриба майдонларида ана шу тахлитда методист-ўқитувчилар синов ишларига жалб қилинди (3.1.3-жадвал).

Тадқиқотни олиб боришда тадқиқотчи томонидан синов ишларига жалб қилинган методист-ўқитувчиларга инструктаж (кўрсатма) берилди.

**3.1.3-жадвал. 2016-2021 ўқув илида тажриба майдонларидан синов ишларига жалб этилган методист-ўқитувчилар (тажриба-синов майдонлари бўйича)**

№	Тажриба-синов майдонлари	Методист-ўқитувчилар
1.	Жиззах вилояти, Бахмал туманидаги 48-мактаб технология фани ўқитувчиси	Отамуродов Бахром
2.	Жиззах вилояти, Жиззах шаҳридаги 17-мактаб технология фани ўқитувчиси	Маликов Ғайрат
3.	Самарқанд вилояти, Каттакўрғон туманидаги 35-мактаб технология фани ўқитувчиси	Жўраев Ғулом
4.	Самарқанд вилояти, Тойлоқ туманидаги 11-мактаб технология фани ўқитувчиси	Якубова Азиза
5.	Андижон вилояти, Избоскан туманидаги 20-мактаб технология фани ўқитувчиси	Абдуллаев Мираброр
6.	Андижон вилояти, Андижон шаҳридаги 20-мактаб технология фани ўқитувчиси	Қодирова Мадина

Кўрсатмада синов ишлари жараёнида методист-ўқитувчилар томонидан бажариладиган вазифалар ўз аксини топди. Методист-ўқитувчилар зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилди: респондент-




Ўқувчиларнинг синов ишларида фаол иштирок этишини таъминлаш; педагогик тажриба жараёнида респондент-ўқувчиларни синов иши шаклидан келиб чиққан ҳолда унда иштирок этиш қоидалари билан таништириш; анкета, амалий топшириқлар юзасидан респондент-ўқувчиларнинг жавоблари қайд этилган варақаларнинг тўлиқ ҳолда жамланишини таъминлаш; методист сифатида махсус методика негизда татбиқ этилган ғояларнинг амалиётга мослигини таҳлил қилиш асосида ўз фикрини билдириш; тадқиқотчи билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ташхислаш орқали ривожланганлик даражаси баҳолаш.

Таъкидловчи тажриба даврида “Техноология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларига эгалик даражаси (мавжуд ҳолат)ни келтириб чиқарувчи сабаблар (креативлик ва креативлик сифатлари тўғрисида етарли даражада назарий маълумотларга эга бўлмаслик; шахс креативлигини ривожлантириш методларидан хабардор эмаслик; ўқувчилар ижодий-креатив фаоллигининг паст даражада эканлиги; ўқувчиларнинг ўз-ўзини, шу жумладан, креатив сифатларини ривожлантириш мотивациясининг сустлиги; ўқув фанлари доирасида ўқувчиларнинг креатив сифатларини шакллантириш (ривожлантириш)га етарли даражада эътибор қаратилмаслиги; ўқувчиларнинг креатив сифатларини шакллантириш (ривожлантириш)да фанлараро интеграциянинг таъминланмаганлиги) таҳлилий ўрганилди ва уларни баргараф этиш йўллари (“Тасвирий санъат”, “Меҳнат” ва “Технология” каби ўқув фанлари мазмунини креативлик ғоялари билан бойитиш; эстетик тарбия мазмунига креативлик ғояларини сингдириш; ўқувчиларда креативлик сифатларни ривожлантиришга қаратилган ижодий танловларни ташкил этиш; “Устоз-шогирд” тамойили асосида педагогик фаолиятни ташкил этиш; ўқувчиларда мустақил ривожланиш малакаларини шакллантириш; “Тенгдош-тенгдошга” тамойили асосида жуфтли, гуруҳли ва жамоавий фаолиятни ташкил этиш) аниқланди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, махсус методикани ишлаб чиқиш педагогик йўналишда олиб бориладиган илмий-педагогик тадқиқотнинг

“ядроти” саналади. Бинобарин, махсус методиканинг мақсадга мувофиқ шакллантирилганлиги, амалиётга мослиги, ўқувчиларнинг ёш, психологик ва физиологик имкониятларига мувофиқ келиши илмий-педагогик тадқиқотнинг самарадорлиги тўғрисида ижобий хулосага келиш имконини беради. Шу сабабли “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креатив сифатларини ривожлантиришга доир махсус методиканинг назарий ва амалий жиҳатдан пухта асослашга эътибор қаратилди.

“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креатив сифатларини ривожлантиришга доир махсус методика қуйидаги таркибий тузилмага эга бўлди (3.1.1-шакл):



**3.1.1-шакл. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креатив сифатларини ривожлантиришга оид махсус методиканинг таркибий асоси**

### **I. Педагогик фаолиятнинг ташкилий шакллари:**

**1.1. Мини маъруза.** У орқали ўқувчиларга “Технология” фани асослари ва уларни ўзлаштиришга креатив ёндашиш, “Металлга ишлов бериш технологияси”, “Уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш”, “Пазандачилик асослари” мавзулари бўйича назарий ва амалий билимларни ҳосил қилишда креатив ғояларни илгари суриш, креатив маҳсулотларни яратишга оид

маълумотлар берилади. Мини маъруза “Технология” фани ўқитувчиси томонидан ташкил этилади.

**1.2. Сўхбат.** Педагогик фаолиятнинг ушбу шакли ёрдамида умумий ўрта таълим мактаблари 7-9-синф ўқувчиларининг креативликка нисбатан муносабатлари, ўзларида ушбу сифатни қарор топтиришга бўлган эҳтиёж, қизиқишга эгалликлари, улар томонидан “Технология” фани асосларини ўзлаштириш бўйича ташкил этилаётган хатти-ҳаракатлардаги креативлик, ўз-ўзини ривожлантиришда креатив сифатларни ўзлаштиришга қаратиладиган эътибор моҳияти, фан доирасида ўқувчилар томонидан креатив сифатларни самарали ўзлаштиришга таъсир этувчи омиллар хусусида ўқитувчи ва таълим олувчилар ўртасида мулоқот ташкил этилади.

**1.3. Тренинг.** Инглиз тили (“training”)дан таржима қилинганда “тарбияламоқ”, “ўқитмоқ” маъноларини англатувчи педагогик фаолиятнинг мазкур шакли амалий намоёниш кўринишида ўқувчиларда креатив ғояларни илгари суриш, креатив ғояларга таянган ҳолда креатив маҳсулотларни яратиш кўникма, малакаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга хизмат қилади. Адаптив характерга эга тренингнинг энг муҳим хусусияти креатив ёндашувни тақозо этувчи ҳар бир ҳаракатнинг ўқувчилар томонидан ўқитувчи раҳбарлигида биргаликда бажарилиши саналади. Бошқача айтганда, тренинг ўқувчиларни креатив ғояларни илгари суриш, креатив маҳсулотни яратишга одатлантиришга ёрдам беради.

**1.4. Амалий машғулот.** Педагогик фаолиятнинг ушбу шакли ҳам худди тренинг каби ўқувчилар томонидан креатив характердаги кўникма, малакаларни ўзлаштирилиши учун хизмат қилади. Тренингдан фарқли равишда амалиё машғулотда ўқувчилар ўқитувчи томонидан тақдим этилган ўқув топшириқларини мустақил равишда ўзлари бажаради.

**1.5. “Маҳорат дарслари”.** Тренинг, амалий машғулотлар каби “Маҳорат дарслари” ҳам ўқувчилар томонидан креатив характердаги ғояларни илгари суриш, креатив маҳсулотларни яратишга доир кўникма, малакаларнинг ўзлаштирилиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга

хизмат қилади. Педагогик фаолиятнинг бу шакли тренинг ва амалий машғулотдан айрим жиҳатларига кўра фарқланади. Асосий фарқи – “Маҳорат дарслари” муайян соҳа бўйича юқори касбий компетентликка эга мутахассис томонидан ўз иш тажрибасини амалда намойиш қилинишига асосланишида кўзга ташланади. Ўқувчилар мутахассис билан биргаликда амалий ҳаракатларни ташкил этмаслиги мумкин, бу ўринда улар кузатувчи сифатида маҳоратли хатти-ҳаракатнинг бажарилиш тартиби, шартларини ўзлаштиради. “Технология” фани бўйича машғулотларда “Маҳорат дарслари” бевосита ва билвосита ташкил этилиши мумкин. “Маҳорат дарслари” бевосита ташкил этилганда малакали, юқори компетентга эга мутахассиснинг ёрдамига таянилса, билвосита ташкил этилганда креатив ғояларни илгари суриш, креатив маҳсулотларни яратишга доир видео маҳсулотлардан фойдаланилади.

## **II. Самарали методлар:**

**2.1. Анкета.** Тадқиқот жараёнида анкета ўқувчиларнинг креатив сифатларга эгаллигини аниқлаш мақсадида анкета сўрови ташкил этилади. Анкета сўрови икки вариантда тайёрланди: 1) респондент-ўқувчилар учун; 2) амалиётчи-ўқитувчи учун (1-2-иловалар). Ҳар икки вариантдаги анкета сўровига ҳам респондент-ўқувчиларнинг креативлик сифатларига эгаллигини ташхислаш ва баҳолашга имкон берувчи саволлар киритилди. Асосий эътибор респондент-ўқувчиларнинг креативлик сифатларига эга бўлишини таъминловчи омиллар ва уларнинг таъсири даражасини аниқлашга қаратилди.

**2.2. “Тасодифий ассоциациялар” машқи** [117]. Ушбу машқ респондент-ўқувчиларда тасодифий танланган икки, учта сўз иштирокида мантиқий мазмунга эга ғояни илгари суриш ёки тугал фикрни айтиш орқали креативлик сифатини ривожлантиришга мўлжалланган.

Машқдан фойдаланиш босқичлари қуйидагича: 1) респондент-ўқувчи ихтиёрий равишда китоб (бадий асар, махсус адабиёт, илмий ёки илмий оммабоп журнал)ни танлайди; 2) танланган китоб (бадий асар, махсус

адабиёт, илмий ёки илмий оммабоп журнал)ни ўзи хоҳлаган тарзда варақлайди; 3) китоб (бадий асар, махсус адабиёт, илмий ёки илмий оммабоп журнал)ни варақлашни тўхтатган ҳолда кўз билан назар солмаган ҳолда кўрсаткич бармоқни саҳифанинг маълум ўрнига қўяди; 4) кўрсаткич бармоқ қўйилган ўринда қайд этилган сўзни қоғозга ёзади; 5) китоб (бадий асар, махсус адабиёт, илмий ёки илмий оммабоп журнал)ни яна бир марта варақлаб, аввалги тартибда яна бир сўзни танлайди; 6) танланган ҳар икки сўз иштирокида мантиқан тугалланган фикрни баён қилади ёки креатив ғояни илгари суради.

### **2.3. Э.П.Торренсинг “Тугалланмаган расмлар” тести [132; 133].**

Хорижий давлатларда кенг оммалашган мазкур метод ёшидан қатъи назарий шахсда креатив тафаккурни ривожлантиришга ёрдам беради. Учта топшириқдан иборат мазкур методдан фойдаланиш қуйидаги тартибда амалга оширилади: 1) респондент-ўқувчиларнинг эътиборига шакли ва ҳажми оддий тухумга тенг бўлган рангли тухумсимон шакл таклиф этилиб, уни асос қилиб олган ҳолда расм чизиш сўралади (1-топшириқ); 2) респондент-ўқувчиларнинг эътиборига қуйидаги 10 та тугалланмаган, штрихлардан иборат шакллар, таянч фигуралар ҳавола қилиниб, уларни асос қилиб олган ҳолда расмларни тугатиш вазифаси берилади (2-топшириқ); 3) респондент-ўқувчиларга таянч материал сифатида қуйидаги 30 жуфт параллел вертикал чизиқлар тақдим этилиб, такрорланаётган чизиқлар (жуфт чизиқлар) асосида ассоциацияланган ғояни расм асосида баён қилиш сўралади (3-топшириқ).

**2.4. Интерфаол методлар.** Бу турдаги методлар респондент-ўқувчиларни жуфтлик, кичик ёки катта гуруҳ таркибида ўрганилган мавзу бўйича креатив ғояларни илгари суриш қобилиятини ривожлантириш учун хизмат қилади. Тажриба-синов ишини ташкил этиш даврида “Ақлий ҳужум” [117], “Олтита рангли қалпоқча” [117; 112], “Морфологик кути” (“Морфологик таҳлил”) [117; 112], “Фокал объектлар” [117; 112], “Синектика” [117; 112; 134], “Ментал харита” (“Идрок харитаси”) [32,

1068], “Билвосита стратегиялар” [117] каби интерфаол методлардан фойдаланилди.

### **III. Муҳим воситалар:**

**3.1. Иш қоғозлари.** Респондент-ўқувчилар билан ишлашда вақтни, кучни тежаш мақсадида аввалдан иш қоғозлари танлаб олинди. Иш қоғозлари тажриба-синов иши жараёнида қўлланилган барча методларга оид бўлди. Хусусан, анкета сўровлари, “Тасодифий ассоциациялар” машқи [117, Э.П.Торренсинг “Тугалланмаган расмлар” тести [132; 133], “Ақлий хужум” [117], “Олтита рангли қалпоқча” [117; 112], “Морфологик кути” (“Морфологик таҳлил”) [117; 112], “Фокал объектлар” [117; 112], “Синектика” [117; 112; 134], “Ментал харита” (“Идрок харитаси”) [32, 1068], “Билвосита стратегиялар” [117] каби интерфаол методларга оид бўлди.

**3.2. Ижодий-креатив характердаги ишланмалардан намуналар.** Респондент-ўқувчиларда креатив сифатларини ривожлантиришда креативлик ва креатив сифатларнинг моҳиятини ёритиш, уларни креатив фикрлаш, креатив маҳсулотларни тайёрлашга рағбатлантириш мақсадида ижодий-креатив характердаги ишланмалардан намуналардан фойдаланилди.

**3.3. Креатив маҳсулот.** Бу турдаги маҳсулот ҳам респондент-ўқувчиларда креатив сифатларини ривожлантиришда самарали таъсирга эга восита саналади. Тажриба-синов ишида респондент-ўқувчиларнинг ўзлари томонидан ҳам тайёрланган креатив маҳсулотлардан ҳам фойдаланилди. Шунингдек, тажриба-синов иши жараёнида касбий компетентликка эга, ўз касбининг устаси бўлган мутахассислар томонидан тайёрланган креатив характерга эга маҳсулотлардан ҳам ўринли фойдаланилди.

**3.4. Тақдимот.** Тажриба-синов иши жараёнида тақдимот респондент-ўқувчиларга креативлик, креативлик сифатлари, креативлик сифатларга эгаликнинг ижтимоий-эстетик аҳамияти, креативлик ва ижодкорлик ўртасидаги фарқ, креатив маҳсулотлар намуналари тўғрисидаги назарий маълумотларни бериш мақсадида тақдимотдан фойдаланилди.

**3.5. Видео лавҳалар.** Бу турдаги таълимий воситалар ҳам тажриба-синов иши жараёнида респондент-ўқувчиларнинг креативлик, креативлик сифатлари, креативлик сифатларга эгалликнинг ижтимоий-эстетик аҳамияти, креативлик ва ижодкорлик ўртасидаги фарқ, креатив маҳсулотлар намуналари тўғрисидаги назарий билимларини бойитиш, “Маҳорат дарслари” орқали уларда амалий кўникма-малакаларни ривожлантиришга хизмат қилди.

#### **IV. Технология:**

**“Креатив лаборатория” методи.** Ушбу технология ўқувчилар томонидан пазандачилик асосларининг пухта ўзлаштирилиши, ўзлаштирилган билимларни креатив ғоялар билан бойитилишини таъминлашга хизмат қилади. Методнинг мақсади – ўқувчилар томонидан ўқув фани асосларини пухта ўзлаштириш орқали мавжуд билимларни амалда қўллаш, улар негизида креатив ғояларни илгари суриш қобилиятини ривожлантиришдан иборат. Технологиянинг вазифалари ва уларни қўллаш шартлари хусусида ишнинг 2.3-§да батафсил сўз юритилган.

2017-2019 йиллар ҳамда 2019 йилнинг биринчи ярмида тажриба майдонларида кенг кўламда шакллантирувчи тажриба ташкил этилиб, махсус методика ғоялари синовдан ўтказилди. Шакллантирувчи тажриба натижалари даврий равишда таҳлил қилиб борилади. Шу билан бирга мавжуд ҳолат, ўқувчиларда креативлик сифатларининг ривожланганлик даражаси ҳамда методист-ўқитувчиларнинг бу борадаги фикрларини, шунингдек, юзага келган заруриятни инобатга олган ҳолда махсус методика мазмунига ўзгартиришлар киритилиб, ғоявий жиҳатдан бойитилди.

2019 йилнинг иккинчи ярмида тажриба-синов ишларини ташкил этиш орқали махсус методиканинг самарадорлиги ҳамда якуний натижаларнинг ишончлигини баҳолаш мақсадида дастлабки ва сўнгги натижалар ўзаро қиёсий ўрганилди. Шунингдек, олинган натижалар Стьюдент-Фишер критерияси бўйича статистик нуқтаи назардан қайта таҳлил қилиниб, “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креатив сифатларини

ривожлантиришга доир махсус методиканинг амалиётга мослиги ва самарадорлиги тўғрисида хулосага келинди. Бу ҳақида ишнинг 3.2-§да батафсил сўз юритилади.

Шундай қилиб, “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креатив сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган илмий-педагогик тадқиқотнинг муҳим асоси – тажриба-синов иши саналади. Тажриба-синов ишининг ташкилий-методик жиҳатдан тўғри ташкил этилиши ўз навбатида илмий-педагогик тадқиқотнинг самарали ташкил этилганлигидан далолат беради. Шу сабабли илмий-педагогик тадқиқотни олиб боришда тажриба-синов ишини ташкилий-методий жиҳатдан тўғри ташкил этилишига эътибор қаратилди. Бунда мақсаднинг аниқ ифодаланиши, белгиланган мақсадга эришишни кафолатловчи педагогик вазифаларнинг белгиланиши муҳим деб топилди. Қолаверса, тажриба майдонларини танлаш, синов ишига жалб этиладиган респондент-ўқувчилар сонини аниқлаш, “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креатив сифатларини ривожлантиришга доир методикани шакллантириш илмий-педагогик тадқиқот самарадорлигини оширувчи омиллар сифатида эътироф этилди. Шакллантирилган махсус методиканинг самарадор эканлиги таълимий тажриба даврида тасдиқланди. Бу ҳақида ишнинг навбатдаги параграфида сўз юритилади.

### **3.2. Тажриба-синов ишларининг натижалари ва уларнинг таҳлили**

Шакллантирувчи тажриба даврида “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш жараёнини ташкил этишга интерфаол ва инновацион ёндашиш кутилган натижаларни қўлга киритиш имкониятини яратди. Асосий “Тасодифий ассоциациялар” методи [117] ва Э.П.Торренснинг уч босқичли “Тугалланмаган расмлар” тести [132; 133]дан самарали фойдаланиш ўқувчиларнинг креативлик сифатларига эгалликлари ва уларнинг даражасини аниқлашга имкон яратган бўлса, “Ақлий хужум” [117], “Олтита рангли қалпоқча” [117; 112], “Морфологик кути”



(“Морфологик таҳлил”) [117; 112] , “Фокал объектлар” [117; 112], “Синектика” [117; 112; 134], “Ментал харита” (“Идрок харитаси”) [32, 1068], “Билвосита стратегиялар” [117] методлари “Технология” дарсларида ўқувчиларни муаммо юзасидан ҳар томонлама ҳамда креатив фикрлашга, илгари сурилган ғояларни асослашга рағбатлантирди. Ушбу методларни қўллашда респондент-ўқувчиларнинг кичик гуруҳларда ишлари мақсадга мувофиқ, деб топилди. Зеро, кичик гуруҳларда ишлаш ўқувчиларни бир-бирларини креатив ғояларини ҳар томонлама таҳлил қилиш, тўлдириш, инкор этилиши зарур бўлган жиҳатларни асослаш, энг мақбул ечимни шакллантириш ёки бир неча мақбул ечимлар ўртасиданг оригинал ғояни танлашда кенг имкониятларга эга бўлишларига ёрдам берди.

Ўқувчиларни кичик гуруҳларга ажратишда ўқув топшириғининг моҳияти, мураккаблик даражаси, креатив лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун талаб этиладиган вақт инобатга олинди. Шунга кўра “Технология” дарсларида шакллантирилган кичик гуруҳлар сони 3-6 тани ташкил этди.

Тадқиқотни олиб боришда, шунингдек, ўқув топшириқларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бинобарин, ўқув топшириқларининг моҳияти, уларнинг ғоявий-назарий жиҳатдан пухта асосланиши ўқувчиларда креативлик сифатларини самарали ривожлантириш имконини берди.

Буни таъкидловчи тажриба натижаларидан ҳам кўриш мумкин. Ушбу босқичда асословчи тажриба даврида ташкил этилган анкета сўрови қайта ташкил этилиб, қуйидаги натижалар қўлга киритилди:

- 1-савол бўйича: “креативлик” тушунчаси тегишли равишда тажриба гуруҳида респондент-ўқувчилар томонидан 92 фоиз кўрсаткич асосида тўғри талқин этилиб, улар тушунчанинг луғавий мазмуни “яратиш” эканлигини, ушбу тушунча негизида муаммони ечимини топишга доир қўплаб ўзига хос (оригинал) фикрларнинг илгари сурилишига қаратилган ҳаракат ифодаланиши айтилган бўлса, ушбу гуруҳнинг 8 фоиз ҳамда назорат гуруҳининг 83 фоиз респондент-

ўқувчилари “креативлик” атамасининг “ижодкорлик” деган маънони англашди, деб жавоб беришган;

- 2-савол бўйича: тажриба гуруҳининг 90 фоизи, назорат гуруҳининг 24 фоизи “креативлик сифатлари” деганда ижодкорликни, рассомлик ва дизайнерлик малакасини эътироф этишган, 16 фоиз ўқувчи креативлик янги ғояларни яратиш, дея қисман жавоб берган;

- 3-савол бўйича: маълум бўлишича, респондент-ўқувчиларнинг 37 (тажриба гуруҳи) ва 11 (назорат гуруҳи ) фоизи ўзларини креативлик сифатларига эга, деб ҳисоблайди;

- 4-савол бўйича: тажриба гуруҳларида 54 фоиз, назорат гуруҳида эса 9 фоиз респондент-ўқувчи креативлик сифатларини шакллантиришга таъсир этувчи асосий омил – бу мавжуд муаммо, унинг устида ишлаш, ечимни топиш бўйича ҳар томонлама таҳлилни амалга ошириш эканлигини эътироф этишган;

- 5-савол бўйича: респондент-ўқувчилар ўзлари ва тенгдошлари томонидан креативлик сифатларнинг самарали ўзлаштирилишида “Технология” фани ўқитувчилари (тажриба гуруҳида 48 фоиз), “Тасвирий санъат”, “Муסיқа”, “Адабиёт”, “Технология” фанлари, “Дизайн” тўғараги ўқитувчилари (назорат гуруҳида 14 фоиз) муҳим роль ўйнаганлигини кўрсатиб ўтган;

- 7-савол бўйича: жавобларга кўра респондент-ўқувчилар тажриба гуруҳларида 35 фоиз кўрсаткич билан креативлик сифатларга эгалликни “Технология” дарслари жараёнида, назорат гуруҳларида 17 фоиз респондент-ўқувчилар эса тўғарак машғулотларида намоён этишини таъкидлаган;

- 8-савол бўйича: тажриба гуруҳларида 44 фоиз, назорат гуруҳларида 21 фоиз респондент-ўқувчилар ўзларида креативлик сифатлари намоён бўлиши учун “Технология” дарсларининг “Чизмачилик асослари”, “Муסיқа”, “Адабиёт” каби ўқув фанлари ўртасида ўзаро алоқадорлик бўлишини зарур, деб ҳисоблайди;

- 9-савол бўйича: “Шахсан Сизда креативлик сифатларининг самарали ривожлантирилиши учун “Технология” фанлари қандай ташкил этилиши лозим, деб ўйлайсиз?” деган саволга тажриба гуруҳларининг 63 фоиз, назорат гуруҳларининг 22 фоиз респонденти “ўқитувчилар қизиқтира олиши керак”, “қизиқарли топшириқлар берилиши зарур”, “кичик гуруҳларда ишлашимиз учун зарур шароит яратилиши лозим” деб жавоб қайтарган;

- 10-савол бўйича: респондент-ўқувчиларнинг 100 фоизи (тажриба гуруҳлари), 16 фоизи (назорат гуруҳлари) креатив маҳсулотларни тайёрлаб, уларни реализация қилиш орқали маблағ топишга интилишини айтиб ўтган.

Таъкидловчи тажриба даврида, шунингдек, “Технология” фани ўқитувчилари ўртасида ҳам анкета сўрови ўтказилди. Сўров натижаларига кўра тажриба-синов ишларига жалб қилинган респондент-ўқитувчилар 100 фоизлик кўрсаткич асосида қуйидагиларни таъкидлади: “креативлик” тушунчаси “яратиш”, “яратувчанлик” маъносини англатади; қизиқувчанлик, ижодий тасавур, таваккал қила олиш, танқидий фикрлаш, коммуникатив ва рефлексив қобилиятга эгалик, ҳиссий ривожланганлик, амалий фаолиятга йўналганлик шахснинг креативлик сифатларидир; ўқувчилар креативлик сифатларга эга; ўқувчилар эга бўлган креативлик сифатлари, асосан, қизиқувчанлик, ижодий тасаввур, мустақиллик, ижодий фаолиятни ташкил этиш кабилардан иборат; ўқувчиларнинг креативлик сифатларига эга бўлиши учун улар ёшлиқдан мустақил, танқидий ва таҳлилий фикрлашга ўргатилиши зарур; ўқувчиларнинг креатив сифатлари улар фаол равишда муаммоли вазиятларнинг ечимини топишга, вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилиш йўналтирилганда намоён бўлади; ўқувчиларнинг креативлик сифатларига эга бўлишида “Технология” фани алоҳида ўрин тутди; ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантиришда “Технология” фани билан “Тасвирий санъат”, “Чизмачилик санъат”, “Муסיқа”, “Адабиёт” каби ўқув фанлари ўртасидаги ўзаро интеграцияга эришиш муҳим; ўқувчиларнинг креативлик сифатларини самарали ривожлантириш учун “Технология” фани бўйича дарсларни илғор педагогик технологиялар,

хусусан, муаммоли ҳамда интерфаол таълим технологиялари ёрдамида ташкил этиш зарур; “Технология” дарсларида ўқувчиларни креатив маҳсулотларни тайёрлаб, уларни реализация қилиш орқали маблағ топишга рағбатлантириш имконияти мавжуд.

Педагогик йўналишда илмий тадқиқотларни ташкил этишда яна бир муҳим жараён мавжуд бўлиб, бу жараён синов учун тавсия этилган дастур бўйича респондент сифатида танланган ўқувчиларда назарий билим ёки амалий кўникма-малакаларнинг шаклланганлик даражасини баҳолашга имкон берадиган мезон ҳамда даража кўрсаткичларини ишлаб чиқиш саналади. Мезон ва даража кўрсаткичларини ишлаб чиқишда танланган муаммо ечимини белгиловчи назарий тамойиллар ҳамда респондент-ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатлари (фаолияти)да намоён бўлувчи асосий белгилар инобатга олинади. Шунга кўра мезон ва даража кўрсаткичларининг ўз моҳиятига кўра татқиқ этилаётган жараённинг умумий моҳиятини яққол акс эттира олиши талаб этилади.

“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг кечишини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш, асосий, муҳим ҳолатларни таҳлил қилиш, респондент-ўқувчилар фаолиятини бевосита кузатиш натижасида қуйидаги мезонлар ёрдамида тажрибадан аввалги ва кейинги вазиятларни объектив баҳолаш мумкин деган фикрга келинди:

1. Креатив сифатларга эгаллик.
2. Ўзига хос креатив ғояларни асослаш малакасига эгаллик.
3. Фаолиятга креатив ёндашиш лаёқатига эгаллик.
4. Креатив маҳсулотларни яратиш қобилиятига эгаллик.

Шахснинг ривожланишига қўйиладиган замонавий талабларга кўра муайян сифатнинг шаклланиш ёки ривожланиш даражаси, респондент-ўқувчилар томонидан қайд этиладиган кўрсаткичлари тегишли тадқиқот натижаларини баҳолаш имконини берадиган мезонларга мос келиши ҳамда муайян даража кўрсаткичларини ифодалай олиши зарур. Тадқиқотни олиб

бориш даврида “Технология” дарсларининг дидактик имкониятларига таянган ҳолда ўқувчиларнинг креативлик сифатлари, ўзига хос креатив ғояларни асослаш малакаси ҳамда креатив маҳсулотлар яратиш қобилиятига эгаликлари англаш (назарий билимларга эгалик), амалий-фаолиятли (бажариш; амалий кўникма ва малакаларга эгалик) ва рефлексив-баҳолаш (ўз-ўзини таҳлил асосида креативлик сифатларга эга бўлишни назорат ва таҳлил қилиб бориш) ҳолатлари паст, ўрта ва юқори даражада ривожланган бўлиши тадқиқотнинг самарали бўлганлигини тасдиқлаши зарур, деган қарорга келинди. Ушбу қарорга кўра “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатлари ривожланганлигини ифодаловчи даража кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат қилиб белгиланди:

**1) юқори даража** – креатив сифатларга эга ва уларни изчил такомиллаштириб боради; ўзига хос креатив ғояларни асослаш малакасига эга; фаолиятга креатив ёндаша олади; мураккаб ечимларга эга креатив маҳсулотларни ярата олади;

**2) ўрта даража** – креатив сифатларни изчил ўзлаштириб боришга ҳаракат қилади; пухта асосланмаган бўлса, ўзига хос креатив ғояларни илгари суришга, шунингдек, фаолиятга креатив ёндашишга интилади; баъзан мураккаб бўлмаган ечимларга эга креатив маҳсулотларни ярата олади;

**3) паст даража** – креатив сифатларни ўзлаштириб боришга ҳаракат қилади; баъзан пухта асосланмаган бўлса-да, ижодий ғояларни илгари суришга интилади; фаолиятга креатив ёндашишда қийинчиликка дуч келади, шу сабабли креатив маҳсулотларни яратишга қаратилган ҳаракати кутилган натижани бермайди.

Синов учун тавсия этилган маҳсус дастур ва методика ғоялари бўйича “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларининг ривожланганлик даражаси тажрибадан аввал ва кейин юқорида кўрсатилган мезонлар асосидан аниқланди. Респондент-ўқувчилар томонидан тажрибадан аввал қайд этилган креатив сифатларга эгалик даражаси тўғрисида ишнинг биринчи бобида сўз юритилган. Қуйидаги мазкур ҳолат бўйича тажрибадан

кейинги вазият тўғрисида тўхталиб ўтилади.

Таъкидловчи тажриба даврида ҳам анкета сўровини ташкил қилиш, респондент-ўқувчиларнинг “Технология” дарсларидаги фаолиятини кузатиш ва таҳлил қилиш асосида уларнинг креативлик сифатларига эгалик даражасини ёритувчи маълумотлар таҳлил қилинди. Натижада қуйидаги жадваллар ҳосил қилинди (3.2.1 ва 3.2.2-жадваллар):

3.2.1-жадвал

**Умумий билимлар негизида респондент-ўқувчиларининг креативлик сифатларига эгалик даражаси (таъкидловчи тажриба)**

Гуруҳлар	Респондентлар сони	Баҳолаш кўрсаткичлари (даражалар бўйича)		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба	90	33	46	11
Назорат	92	25	42	25

3.2.2-жадвал

**“Технология” фанига оид билимлар негизида респондент-ўқувчиларининг креативлик сифатларига эгалик даражаси (таъкидловчи тажриба)**

Гуруҳлар	Респондентлар сони	Баҳолаш кўрсаткичлари (даражалар бўйича)		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба	90	29	42	19
Назорат	92	23	36	33

3.2.1- ҳамда 3.2.2-жадвалларнинг кўрсаткичлари таъкидловчи тажриба босқичида тажриба ҳамда назорат гуруҳларининг респондентлари томонидан креативлик сифатларига эгалиklarини ифодаловчи қийматлар ўртасида жиддий фарқлар мавжудлигини тасдиқлайди.

Маълумки, асословчи ва таъкидловчи тажриба жараёнида қўлга киритилган натижалар умумлаштирилсагина, ҳар икки босқичда эришилган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ яққол кўзга ташланади. Шу боис таъкидловчи тажриба якунида ҳар икки босқич синов ишларининг якунлари – тажриба ҳамда назорат гуруҳларининг респондент-ўқувчиларининг креативлик сифатларига эгалик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ўзаро умумлаштирилиб, қуйидаги жадвал ҳосил қилинди (3.2.3-3.2.4-жадваллар):

**Умумий билимлар негизда респондент-ўқувчиларининг креативлик сифатларига эгалик даражаси (асословчи ва таъкидловчи тажриба)**

Тажриба-синов босқичлари	Респондент-ўқувчиларнинг умумий сони $n_{1,2} = 182$ нафар					
	Тажриба гуруҳи $n_1 = 90$ нафар			Назорат гуруҳи $n_2 = 92$ нафар		
	Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
Асословчи тажриба	25	34	31	22	41	29
Таъкидловчи тажриба	33	46	11	25	42	25

**“Технология” фанига оид билимлар негизда респондент-ўқувчиларининг креативлик сифатларига эгалик даражаси (асословчи ва таъкидловчи тажриба)**

Тажриба босқичи	Респондент-ўқувчиларнинг умумий сони $n_{1,2} = 182$ нафар					
	Тажриба гуруҳи $n_1 = 90$ нафар			Назорат гуруҳи $n_2 = 92$ нафар		
	Юқори	Ўрта	Қуйи	Юқори	Ўрта	Паст
Асословчи тажриба	21	29	40	20	31	41
Таъкидловчи тажриба	29	42	19	23	34	35

Математик-статистик таҳлил учун 3.2.4-жадвал кўрсаткичлари олинади. Ушбу жадвал кўрсаткичлари асословчи ҳамда таъкидловчи тажриба босқичларида тажриба ва назорат гуруҳлари респондент-ўқувчиларининг китобхонлик сифатларига эгаликларини ифодаловчи қийматларнинг бири-бирдан кескин фарқланишидан далолат беради.

Шундай бўлса-да, мавжуд анъанага кўра педагогик йўналишда тадқиқотларни олиб боришда ушбу фикрнинг ҳаққонийлигини исботлаш мақсадида олинган кўрсаткичлар математик-статистик таҳлилдан ўтказилади.

Тадқиқотнинг якуний – таъкидловчи тажриба “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга доир миқдор кўрсаткичларни Стъудент мезони бўйича математик-статистик таҳлилдан ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга эришиш фан ўқитувчиларидан мазкур жараёнга мақсадли,

изчил, тизимли ва самарали ёндашишни тақозо этади. Ушбу хулосага таянган ҳолда математик-статистик таҳлилни “Технология” фанига оид билимлар негизда респондент-ўқувчиларда креативлик сифатлари (3.2.4-жадвал) қабул қилинди. Қуйида математик-статистик таҳлил жараёни батафсил ёритилади.


Стъудент мезонининг шартларига кўра таҳлилнинг дастлабки босқичида тажриба ҳамда назорат гуруҳларида респондент-ўқувчилар томонидан “Технология” фанига оид билимлар негизда креативлик сифатлари ривожланганлигини қайд этувчи кўрсаткичлар танламалар сифатида белгилаб олинди. Танланмалар ҳар икки гуруҳ – тажриба (1-танланма) ва назорат (2-танланма) гуруҳлари учун белгиланди. Сўнгра белгиланган танламалар бўйича юқори, ўрта ва паст даражалар бўйича вариация қаторлари ҳосил қилинди (3.2.5-жадвал):

3.2.5-жадвал

**Тажриба ва назорат гуруҳлари учун белгиланган танламалар бўйича вариация қаторлари (таъкидловчи тажриба)**

Танланмалар	Гуруҳлар	Ўқувчилар сони	Юқори	Ўрта	Паст
1-танланма	Тажриба	$n_1 = 90$ нафар	29	42	19
2-танланма	Назорат	$n_2 = 92$ нафар	23	36	33

Таҳлилнинг навбатдаги босқичда юқорида белгиланган танланмаларга мос келадиган диаграмма ҳосил қилинади:



**“Технология” фанига оид билимлар негизда респондент-ўқувчиларнинг креативлик сифатларга эгалликлари даражаси (таъкидловчи тажриба)**



3.2.5-жадвал бўйича тажриба ва назорат гуруҳлари учун белгиланган танламаларнинг вариация қаторлари (таъкидловчи тажриба)ни математик – статистик таҳлил қилинади.

Стъюдент мезони қуйидаги икки фаразга асосланади:

1) дастлабки фараз ( $H_0$ ) – тажриба гуруҳида респондент-ўқувчиларнинг “Технология” фанига оид билимлар негизда креативлик сифатларига эгаллиги даражаси сезиларли равишда ошмаган ва ушбу гуруҳда қайд этилган кўрсаткичлар назорат гуруҳининг ўқувчилари томонидан қайд этилган кўрсаткичларга тенг ( $m_T = m_H$ );

2) иккиламчи фараз ( $H_1$ ) – тажриба гуруҳларида тажриба гуруҳларида респондент-ўқувчиларнинг “Технология” фанига оид билимлар негизда креативлик сифатларига эгаллиги даражаси сезиларли равишда ошган ва бу борада назорат гуруҳининг ўқувчилари томонидан қайд этилган кўрсаткичлардан юқори ( $m_T > m_H$ ).

Қайд этилган икки фаразга кўра  $(x - m_T) - (y - m_H) = x - y$  тушиши лозим бўлган ишончлилик оралиғи қуйидаги формула ёрдамида топилди:

$$-t_\alpha \sqrt{\frac{S_T^2}{n_1} + \frac{S_H^2}{n_2}} < X - Y < t_\alpha \sqrt{\frac{S_T^2}{n_1} + \frac{S_H^2}{n_2}}$$

Демак, формулага солиш учун 3.2.4-жадвал, яъни респондент-ўқувчиларнинг “Технология” фанига оид билимлар негизда креативлик сифатларига эгалликлари даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар қабул қилинди. Математик-статистик таҳлил натижалари қуйидаги кўрсаткичларни ташкил этди:

Тажриба гуруҳларида:

$$\text{Ўртача қиймат: } X = \frac{3x_{19} + 4x_{42} + 5x_{29}}{90} = \frac{370}{90} = 4,1$$

$$\text{Ўртача квадрат қиймати: } (X)^2 = 16,81$$

$$\text{Ўртача квадрат қиймат: } X^2 = \frac{9x_{19} + 16x_{42} + 25x_{29}}{90} = \frac{1568}{90} = 17,42$$

$$\text{Дисперсия: } S_T^2 = 17,42 - 16,81 = 0,61$$

$$\text{Миқдор: } S_T^2/n = 0,61/135 = 0,007$$

Назорат гуруҳларида:

$$\text{Ўртача қиймат: } Y = \frac{3x35+4x34+5x23}{92} = \frac{356}{92} = 3,9$$

$$\text{Ўртача квадрат қиймати: } (Y^2) = 15,21$$

$$\text{Ўртача квадрат қиймат: } Y^2 = \frac{9x35+16x34+25x23}{92} = \frac{1434}{92} = 15,57$$

$$\text{Дисперсия: } S_H^2 = 15,57 - 15,21 = 0,36$$

$$\text{Миқдор: } S_T^2/n = 0,36/92 = 0,004$$

Жадвал кўрсаткичларига асосан  $t_2$  миқдор  $\alpha=0,05$  дан топилади, яъни  $t_2=1,96$ . Бу ҳолатда ишончилилик оралиғи қуйидагига тенг:

$$(-1,96x\sqrt{0,007}; 1,96x\sqrt{0,007}) = (-0,16; 0,16)$$

Демак,  $X-Y = 0,61 - 0,36 = 0,25$ . Ҳосил бўлган қиймат ишончилилик оралиғига тушмайди. Бу эса олинган натижаларга кўра, дастлабки ( $H_0$ ) фараз рад этилиб, иккиламчи фараз ( $H_1$ ) яъни,  $x > y$  қабул қилинади.

Шунга кўра, ҳосил бўлган қийматлар тажриба-синов ишлари самарадорлигини баҳоловчи мезоннинг бирдан ҳамда респондент-ўқувчиларнинг креатив сифатларга эгаликлари даражасини баҳолаш мезонининг нолдан катталиги тўғрисидаги фикрнинг ҳаққонийлигини тасдиқлайди. Яъни, таъкидловчи тажриба натижаларига кўра тажриба гуруҳларининг респондент-ўқувчилари назорат гуруҳларининг ўқувчиларига караганда сезиларли даражада (15 фоизга) фарқ қиладиган креативлик сифатларига эга. Тажриба ва назорат гуруҳларида респондент-ўқувчиларнинг креативлик сифатларига эгалиklarини қайд этилган кўрсаткичлар ўртасидаги сезиларли фарқ ҳар икки гуруҳга тегишли қийматларнинг ишончилилик оралиғига тушмаслигини тасдиқлайди.

Шундай қилиб, тадқиқот даврида “Технология” дарсларида ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантиришга оид махсус дастур ва методика ғоявий-назарий, амалий-методик нуқтаи назардан умумий ўрта таълим мактабларининг амалиётига мос келиши исботланди. Таъкидловчи

тажриба натижалари синов учун такдим этилган махсус дастур ҳамда методиканинг назарий-ғоявий, ташкилий-технологик ҳамда амалий-методик мазмуни “Технология” дарсларида ўқувчиларда креативлик сифатларини самарали ривожлантириш имкониятига эгалигидан далолат беради. Шунингдек, тадқиқотни мавжуд илмий-педагогик ва методик талабларни инобатга олган ҳолда ташкил этиш унинг самарадорлигини кафолатловчи муҳим омиллардан бири бўлди.

### **Учинчи боб бўйича хулоса**

Педагогика ва психология соҳаларда тадқиқотни амалга оширишда илмий ишланишнинг муҳим таркибий қисми тажриба-синов иши саналади. Зеро, тажриба-синов иши диссертант томонидан илгари суриладиган назарий ғояларнинг амалиётга қанчалик мос келишини, амалий қийматга эгаллигини баҳолашга ёрдам беради.

Шу сабабли мазкур соҳалар бўйича илмий тадқиқотларни олиб боришда тажриба-синов ишини назарий-методологик ҳамда амалий-методик жиҳатдан пухта асосланишига эътибор қаратилади. Ана шу тенденцияга кўра “Технология” дарсларида ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган илмий изланиш доирасида тажриба-синов ишлари дастури ва методикаси педагогик кузатишни изчил, тизимли ташкил этиш ва чуқур назарий таҳлилга мувофиқ асосланди.

Тажриба-синов дастури ва методикаси замонавий педагогик ёндашувлар, илғор иш тажрибалари ҳамда инновацион ғоялар билан бойитилганлиги сабабли мазкур жараёни самарали ташкил этиш, кутилган натижани қўлга киритишга эришилди.

Тадқиқот даврида “Технология” дарсларида ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантиришга оид махсус дастур ва методика ғоявий-назарий, амалий-методик нуқтаи назардан умумий ўрта таълим мактабларининг амалиётига мос келиши исботланди.

## ХУЛОСА

Шахс креативлиги у томонидан ташкил этиладиган фаолиятнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Фаолиятга креатив ёндашган шахс бозор муносабатлари шароитидаги мураккаб, кучли рақобатга бардошли бўла олади.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларда креатив сифатларини шакллантириш, уни изчил ривожлантириб бориш меҳнат бозорида, кучли рақобат муҳитида ўз ўрнига эга бўлишига ёрдам бериш билан бирга соҳанинг ривожланишига ҳам замин яратади.

Герменевтик, визуал-образли, фаолиятли, муаммоли, интерфаол, полилогик, технологик, ҳиссий-психологик, ижодий ёндашув, танқидий, интергратив, рефлексив ёндашув “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш самарадорлигини кафолатлайди.

“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришда тизимлилик, изчиллик, амалий фаолиятга йўналганлик, ижодий характерга эгалик, интеграллашув, мувофиқлик, интерфаоллик, амалий қийматга эгалик, эстетик таъсирга эгалик ҳамда рефлексивлик тамойиллари устуворлик касб этади.

“Технология” дарсларида ўқувчиларда креативлик сифатларини самарали ривожлантиришда ўқув топшириқларининг муаммоли, ижодий, креатив характер касб этишига эътибор қаратиш зарур.

Глобал ахборотлашув шароитида шахснинг ички имкониятини фойдали ишга йўналтириш орқали унда креативлик сифатларини ривожлантириш ўзига хос долзарблик касб этмоқда. Хорижий мамлакатларда креативликнинг асосида фикрий жараённинг кечиши инобатга олиниши зарур, деган ёндашувдан келиб чиққан ҳолда сўнгги юз йиллик ичида креатив тафаккур моделларини яратиш йўлида олиб борилган туркум тадқиқотлар бугунги кунда ҳам ўзининг амалий аҳамиятини йўқотмаган.

Жаҳон миқёсида деярли бир аср вақт мобайнида шахс креативлигини

ривожлантириш муаммоси когнитив-методологик, ташкилий-методик, амалий-фаолиятли, рефлексив-баҳолаш асосида кенг тадқиқ этилган бўлса, бизда шахс креативлигини ривожлантириш муаммоси деярли ўрганилмаган.

Шахснинг креативлик сифатларга эгаллигини ташхислаш ана шу мақсадга йўналтирилган педагогик жараёни самарали ташкил этилишини таъминлайди. “Тасодифий ассоциациялар” методи ва Э.П.Торренснинг уч босқичли “Тугалланмаган расмлар” тести шахснинг креативлик сифатларга эгаллигини ташхислаш борасидаги дидактик имкониятга эга.

“Технология” дарсларида “Ақлий ҳужум”, “Олтита рангли қалпоқча”, “Морфологик кути” (“Морфологик таҳлил”), “Фокал объектлар”, “Синектика”, “Ментал харита” (“Идрок харитаси”), “Билвосита стратегиялар” методлари эса дидактик нуқтаи назаридан ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга хизмат қилади. “Технология” фанининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўқув топшириқларини шакллантиришда “Олтита рангли қалпоқча” методининг асосий ғоясига даҳл қилинмаган ҳолда унинг мазмуни назарий жиҳатдан ўзгартириш талаб қилинади.

“Технология” дарсларида ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантиришга доир тажриба-синов дастури ва методикаси замонавий педагогик ёндашувлар, илғор иш тажрибалари ҳамда инновацион ғоялар билан бойитилганлиги, ғоявий-назарий, амалий-методик нуқтаи назардан умумий ўрта таълим мактабларининг амалиётига мос эканлиги сабабли тадқиқотни олиб боришда кутилган натижага эришилди.

#### **Амалий-методик тавсиялар:**

1. “Технология” ўқув фани мазмунини иккиламчи ҳамда кам харажат талаб қиладиган материал, хом ашёлардан креатив маҳсулотларни яратишга доир дидактик маълумотлар билан бойитиш.

2. Умумий ўрта ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг имкониятларига таянган ҳолда ўқувчиларни креатив маҳсулотларни тайёрлашга жалб қилиш ва уларнинг реализациясини таъминлаш орқали моддий маблағ топиш чораларини белгилаш.

# Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

## I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик

### аҳамиятга молик нашрлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 46 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни – Т.: Ўзбекистон, 2020. – 214 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” /Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарк нашриёт-матбаа концерни, 1997. – 31-61-б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018 йил 25 январь) ПФ-5313-сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/3523206>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2018 йил 5 сентябрь) ПФ-5538-сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/3893445>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Халқ таълими тизимини 2030 йилга қадар ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги (2019 йил 29 апрель) ПФ-5712-сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/4312785>.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017 йил 7 феврал) ПФ-4947-сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/3107036>.
8. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз // ЎзР Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги

нутқ. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

9. Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2017. – 24-б.

10. “Ижодкор ёшлар республика танловларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низоми (2017 йил 3 март) // <https://www.lex.uz/docs/3217071>.

11. “Ўзбекистон Республикасининг халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш” Концепцияси (2019 йил 29 апрель) // <https://lex.uz/docs/4312785>.

## **II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар:**

12. Альгин А.П. Риск и его роль в общественной жизни / 4-е изд. – М.: Мысль, 2009. – С. 104.

13. Батулин Н.А., Солдатова Е.Л. Проективная методика диагностики дивергентного мышления. – Челябинск: ПсихРОН, 2004. – С. 2-9.

14. Башина Т.Ф. Креативность как основа инновационной педагогической деятельности // Ж. Молодой ученый. – Казань: 2013. - №4. – С. 521-522.

15. Богоявленская Д.Б., Богоявленская М.Е. Одаренность: природа и диагностика / Монография. – М.: Образование личности, 2013. – 208 с.

16. Богоявленская, Д.Б., Сусоколова И.А. Психометрическая интерпретация творчества. Научный вклад Дж. Гилфорда. – М.: МГППУ. - 2011. – 267 с.

17. Бугакова Е.В. Использование креативных методов в практике современного учителя // Ж. Молодой ученый. – Чита: 2010. - №12. Т.2. – С. 90-91.

18. Буторина О.В. Кросскультурное исследование креативности в управленческом потенциале руководителя / “Психология XXI века». Мат.международной научно-практ.конференции студентов и аспирантов. – СПб.: СПбГПИ, 2003. – С. 277.

19. Буцик О.В. Развитие вербальной креативности на уроках литературы в процессе анализа художественного произведения // Альманах современной науки и образования. 2008. № 8(15). С. 30-33.

20. Виноградова (Грицай) Т.И. Из истории изучения креативности в отечественной и зарубежной психологии // Педагогика и психология: тренды, проблемы, актуальные задачи. Мат. V Международной научно-практ. конф. – Краснодар: 2014. – С. 23-24.

21. Виноградова (Грицай) Т.И. Индивидуальные различия в проявлениях креативности // Современные научные исследования: методология, теория, практика. Мат. V Международной научно-практ. конф. – Самара: 2014. – С. 109-113.

22. Виноградова Т.И. Беглость, гибкость и оригинальность как основные компоненты в структуре креативности // Общество и цивилизация в XXI веке: тенденции и перспективы развития. Мат. Междунар. науч.-практ. конф. – Воронеж: 2014. – С. 104-108.

23. Виноградова Т.И. К вопросу об организации в процессе изучения мировой художественной культуры учебно-творческой деятельности старшеклассников, направленной на развитие креативности личности // Наука и образование в жизни современного общества. Междунар. науч.-практ. конф. Сб. науч. тр. Ч. 4. – Тамбов: Изд-во ТРОО «Бизнес-наука-общество», 2013. – С. 28-29.

24. Виноградова Т.И. Проблема диагностики креативности старшеклассников // Научная дискуссия: вопросы педагогики и психологии. Ч. I: Сборник статей по материалам XX международной заочной научно-практической конференции. – М.: Международный центр науки и образования. – 2013. – С. 8-12.

25. Володькина Т. А., Казарин В. Е. Техническое творчество сегодня — вдохновение для успеха в профессии завтра // Ж. Молодой ученый. – 2015. – №12.2. – С. 14–16.

26. Выготский Л.С. Психологические основы творческой деятельности



// Свободное развитие личности школьника: Философские и психолого-педагогические основы образования. Сост. В.И.Аксенова, Р.Г.Карандашова. – Ставрополь: СКИПКРО, 2000. – С. 97.

27. Галактионов И.В. Психология творческой деятельности: структура, этапы, механизмы, методы исследования / Учеб. пособие. – Хабаровск: Изд-во Тихоокеан. гос. ун-та, 2017. – С. 22.

28. Галанов А.Б. Методика телекоммуникационной образовательной деятельности в школе: автореф. дис. ... канд. пед. наук. – М.: 2005. – 24 с.

29. Галанов Д.А., Галанова В.В. Техническое творчество на внеклассной работе по технологии // Ж. Молодой ученый. – Чита: 2018. - № 22. – С. 306-308.

30. Гильфорд Дж.П. Структурная модель интеллекта. Психология мышления. – М.: Прогресс, 2003. – 75 с.

31. Глазков Х.Н. Герменевтический подход в обучении пониманию прочитанного обучающихся общеобразовательных школ // Педагогика сегодня: проблемы и решения. Мат. III Маждунар. науч. конф. – Казань: Молодой ученый, 2018. – С. 13.

32. Голубова В.М. Исследование природы креативного мышления и креативности личности // Ж. Фундаментальные исследования. – М.: 2015. – № 2-5. – С. 1067-1071.

33. Грецов А.Г. Лучшие упражнения для развития креативности / Учеб.-мет. пособие. – СПб.: СПбНИИ физической культуры, 2006. – 44 с.

34. Грецов А.Г. Тренинг креативности для старшеклассников и студентов. – СПб.: Питер, 2007. – 208 с.

35. Грицай Т.И. Исследование креативности старшеклассников // Вестник Южно-Уральского ГУа. Серия «Образование. Педагогические науки». – Челябинск: 2015. Том 7. - № 4. – С. 46-51.

36. Грицай Т.И. Методические рекомендации для учителя литературы по развитию креативности старшеклассников. – Челябинск: Типография ООО «Полиграф-Мастер», 2016. – 33 с.

37. Грицай Т.И. Модель развития креативности старшеклассников в процессе изучения дисциплин гуманитарного цикла // Педагогический журнал. – М.: 2018. Т. 8. - № 1А. – С. 85-94.

38. Грицай Т.И. Реализация системы развития креативности старшеклассников в процессе изучения гуманитарных дисциплин // Педагогический журнал. – М.: 2017. Том 7. - №1А. – С. 137-146.

39. Ельцов А.В. Интегративный подход как теоретическая основа осуществления школьного физического эксперимента / Монография. – Рязань: Рязанский ГУ им. С.А.Есенина.2007. – С. 17.

40. Жолдасбеков А.А., Ажибеков К.Ж., Мамбетов М.К., Жолдасбекова К.А., Сихымбаев К.С. Развитие креативного мышления студентов в процессе обучения // Международный журнал экспериментального образования. – м.: 2015. – № 2-2. – С. 136-137.

41. Зимняя И.А., Земцова Е.В. Интегративный подход к оценке единой социально-профессиональной компетентности выпускников вузов // Ж. Высшее образование сегодня. – М.: 2008. № 5. – С. 17.

42. Ибрагимова Г.Н. Интерактив таълим шароитида бўлгуси ўқитувчи шахси креатив функциясининг ривожланиши: пед. фан.бўйича. фалс.докт. ... дис.автореф. – Т.: 2018. – 47 б.

43. Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. Мастера психологии. – СПб.: Питер, 2009. – 443 с.

44. “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули бўйича ўқув-услугий мажмуа. – Т.: ТДПУ хузуридаги ПКҚТМО Тармоқ маркази, 2016. – 51-76-б.

45. Innovatsion ta’lim texnologiyalari va pedagogik kompetentlik / O’quv qo’llanma. V.Abdullaeva va boshq. – Т.: “Navro’z” nashriyoti, 2015. – 256 б.

46. Инновацион таълим технологиялари / Н.А.Муслимов, М.Ҳ.Усмонбоева, Д.М.Сайфуров, А.Б.Тўраев. – Т.: “Сано-стандарт”, 2015. – 150 б.

47. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. Тузув.: Д.Рўзиева, М.Усмонбоева, З.Ҳолиқова. – Т.: ТДПУ нашриёти, 2013. – 136 б.

48. Красило Т.А. Взаимосвязь уровня креативности человека и его отношения к продуктам творческой деятельности // Ж. Психологическая наука и образование. – М.: 2005. - №3. – С. 56-66.

49. Козлова Т.В., Заболотская Е.А., Рыбкина Е.А. Костюм. Теория художественного проектирования: учеб. для вузов. – М.: МГТУ им. А.Н. Косыгина, 2005. – 380 с.

50. Кохановская Д. Р. Теоретический анализ проблемы развития креативности у студентов // Актуальные вопросы современной педагогики: материалы II междунар. науч. конф. – Уфа: Лето, 2012. – С. 58.

51. Креатив педагогика / Ўқув кўлл. М.Ҳ.Усмонбоева ва бошқ. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2020. – 6-7-б.

52. Куприна М.В. Мотив достижения в структуре креативной личности: дис. ... канд. псих. наук. – Хабаровск, 2004. – 175 с.

53. Лихачев Б.Т. Педагогика: курс лекций / Учеб. пособие для студ., педагог, учеб.заведений, слушателей ИПК и ФПК. Под ред. В.А.Сластенина. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Гуманитар. изд. центр Владос, 2010. – С. 34.

54. Лопаткин В.М. Интегративные тенденции в развитии образовательных систем: международный и российский опыт // Вестник Томского ГПУа. – Томск: 2004. -№ 6. – С. 159.

55. Малахова И.А. Развитие креативности школьников в процессе любительской художественной деятельности: дис... докт.пед.наук. – Минск: 2011. – С. 43.

56. Малахова И.А. Развитие креативности личности в социокультурной сфере: педагогический аспект. – Минск: БГУ культуры и искусств, 2006. – 204 с.

57. Мамонтова Т.С. К вопросу об условиях развития креативности учащихся старших классов общеобразовательных школ // Ж. Научный диалог. – М.: 2018. - № 1. – С. 231-243.

58. Марданова Г.М. Технология развития креативного потенциала учащихся общеобразовательной школы: дис.... канд.пед.наук. – Ижевск:

2005. – С. 37.

59. Махмудов К. Меҳмоннома. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1989. – 240 б/

60. Мерло-Понти М. Око и дух // Французская философия и эстетика XX века. – М.: Искусство, 1995. – С. 54.

61. Мешкова Н.В. Современные зарубежные исследования креативности: социально-психологический аспект // Ж. Социальная психология и общество. – М.: 2015. – Т.6. - №2. – С. 8-17.

62. Морозов А.В., Чернилевский Д.В. Креативная педагогика и психология. М.: Академический проект, 2004. – 560 с.

63. Pedagogika. Izohli lug'at / Abdullaeva V., M.Usmonboyeva, O'.Asqarova, F.Ehsonova. – Т.: “Navro'z” nashriyoti, 2020. – 283 б.

64. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфулов Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 72-73-б.

65. Петрова Л.М. Возрастные особенности когнитивной сферы младших школьников и подростков: Автореф. ... дис. канд. наук. – СПб.: 2008. – С. 15.

66. Подласый И.П. Педагогика: 100 вопросов – 100 ответов / Учеб. пособие для вузов. – М.: ВЛАДОС-пресс, 2004. – С. 259.

67. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. Процесс воспитания / Учебник для студ.пед. ВУЗов. В 2-х кн. Кн. 2. – М.: Гуманит.изд. центр Владос, 1999. – С. 18

68. Пономарев Я.А. Психика и интуиция. Неопубликованные материалы, стихи, рисунки и фотографии / Редакторы-составители А.Л. Журавлев, Т.В. Галкина. – М.: ООО «ТИД “Арис”», 2010. – С. 21.

69. Раджапова З.Т. Дизайн тўгаракларида ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг методик асосларини такомиллаштириш: пед. фан.бўйича. фалс.докт. ... дис.автореф. – Т.: 2020. – 175 б.

70. Рахимов З.Т. Таълимнинг мобиллашуви шароитида талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш

(касб таълими йўналиши мисолида): пед. фан.бўйича. фалс.докт. ... дис.авторреф. – Т.: 2018. – 49 б.

71. Реан А.А., Бордовская Н.В., Розум С.И. Психология и педагогика / Учеб.пособ. – СПб.: Питер, 2010. – С. 249.

72. Слостёнин В. А., Исаев И.Ф., Шиянов Е.Н. Педагогика / Под ред. В.А.Слостёнина. – М.: Академия, 2002. – С. 170.

73. Солдатова Е.Л. Креативность в структуре личности. Автореф.дис. ...канд.психол.наук. – СПб.: 1996. – С. 18-19.

74. Texnologiya / Umumiy o'рта ta'lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik. Mualliflar Sh. Sharipov, O. Qo'ysinov, Q. Abdullayeva. – Т.: “Sharq”, 2017. – 240 б.

75. Texnologiya / Umumiy o'рта ta'lim maktablarining 8-sinfi o'quvchilari uchun darslik. O'.O.Tohirov, I.Karimov, M.M.Maxsimova – Т.: “Ilm ziyo” nashriyot uyi, 2019. – 160 б.

76. Texnologiya 9 / Umumiy o'рта ta'lim maktablarining 9-sinfi o'quvchilari uchun darslik. Z.Sattorova, N.Abdusalomova, N.Ahmedova. – Т.: “Ilm ziyo” nashriyot uyi, 2019. – 160 б.

77. Туник Е.Е. Лучшие тесты на креативность. Диагностика творческого мышления. – СПб.: Питер, 2013. – 320 с.

78. Туник Е.Е. Модифицированные креативные тесты Вильямса. – СПб: Речь, 2003. – 163 с.

79. Умумий психология. Тафаккур // <http://fayllar.org/umumiy-psixologiya.html?page=10>.

80. Холодная М. А. Психология интеллекта: Парадоксы исследования. - 2-е изд., перераб.и доп. – СПб.: Питер, 2002. – 272 с.

81. Шевченко Н.Ю., Лебедева Ю.В., Неумоина Н.Г., Корбакова Т.В. Формирование креативного мышления у студентов высшего образования // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2014. – № 11-4. – С. 658-662.

82. Эҳсонова Ф.Т. Бошланғич синф ўқувчиларида креатив тафаккурни

ривожлантиришнинг педагогик-психологик тавсифи ва тизими: пед. фан.бўйича. фалс.докт. ... дис.автореф. – Т.: 2020. – 49.

83. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Е – М / Иккинчи жилд. 5 жилдли. А.Мадвалиевнинг таҳрири остида. Таҳрир ҳайъати: Э.Бегматов ва бошқалар. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 216-б.

84. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Н – Тартибли / Учинчи жилд. 5 жилдли. А.Мадвалиевнинг таҳрири остида. Таҳрир ҳайъати: Э.Бегматов ва бошқалар. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – 629-б

85. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem soving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 9.

### **III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар:**

86. Азарова Т.А. Технологический подход в образовании // <https://works.doklad.ru/view/sGF41Of8HQM.html>.

87. Асатилло Мадалиев // <https://m.my.mail.ru/mail/tillo.1987/photo/242/244.html>.

88. Виды творческого воображения // [http://www.zachnik.com.ua/psihologiya/voobrazhenie\\_vidy\\_voobrazheniya\\_priemy\\_tvorcheskogo\\_voobrazheniya](http://www.zachnik.com.ua/psihologiya/voobrazhenie_vidy_voobrazheniya_priemy_tvorcheskogo_voobrazheniya).

89. Визуализация: правила и ошибки // <http://www.edinstvo-gomel.by/index.php/2013-03-26-09-02-06/395-2013-08-03-08-42-50.html>.

90. Виноградова Е.В. Модели креативного обучения // [https://pglu.ru/upload/iblock/bb8/uch\\_2010\\_i\\_00013.pdf](https://pglu.ru/upload/iblock/bb8/uch_2010_i_00013.pdf).

91. Гартунг Т.А. Развитие креативности подростков средствами дисциплин гуманитарного цикла: дис....канд.пед.наук. – Тюмень: 2008 // <https://www.dissercat.com/content/razvitie-kreativnosti-podrostkov-sredstvami-distsiplin-gumanitarnogo-tsikla>.

92. Грачева А.В. Исследование современных подходов к понятию

креативного мышления в образовательной системе // <https://cyberleninka.ru/article/n/issledovanie-sovremennyh-podhodov-k-ponyatiyu-kreativnogo-myshleniya-v-obrazovatelnoy-sisteme>.

93. Грицай Т.И., Чернецов П.И. Исследование креативности старшеклассников // <https://cyberleninka.ru/article/n/issledovanie-kreativnosti-starsheklassnikov>.

94. Детские одежды // <https://www.google.com/search?sxsrf=alekk01vldorrotebloukwacwbmog4fpg:1589888041233&source>.

95. Дружинин В.Н. Психология // <https://www.gumer.info/bibliotek/Buks/Psihol/drugin/13.php>.

96. Зауторова Э.В. Развитие творческих способностей курсантов в процессе обучения // <https://cyberleninka.ru/article/n/razvitie-tvorcheskih-sposobnostey-kursantov-v-protseesse-obucheniya>.

97. Интеллектуальная активность // <http://znai.com/intellect.html>.

98. Интерактивный подход в обучении иностранному языку // <https://www.sgu.ru/structure/fi/courses/bachelor-inostrannyu-yazyk/interaktivnyu-podhod-v-obuchenii-inostrannomu-yazyku>.

99. Как загнуть лист металла в домашних условиях <https://si-3.ru/kak-zagnut-list-metalla-v-domashnih-usloviyah>.

100. Как развить мышление, основные виды мышления и их особенности // <https://constructorus.ru/samorazvitie/razvitie-myshleniya.html>.

101. Кашта намуналари // [google.co.uz/search?q=кашта+намуналари+фото&tbm=isch&ved=2ahukewjhwjm17l\\_pahupwiokhvnuvqkq2-csegqiabaa&oq=кашта+намуналари+фото](https://google.co.uz/search?q=кашта+намуналари+фото&tbm=isch&ved=2ahukewjhwjm17l_pahupwiokhvnuvqkq2-csegqiabaa&oq=кашта+намуналари+фото).

102. Когда и зачем проводят правку металла // <https://metalloy.ru/obrabotka/sgibanie/pravka-metalla>

103. Козак М. Критическое мышление // <https://psychologyjournal.ru/stories/kriticheskoe-myshlenie>.

104. Креативное инновационное мышление как новая профессиональная компетенция // [https://studbooks.net/84863/ekonomika/kreativnoe\\_innovatsionnoe\\_myshlenie\\_novaya\\_professionalnaya\\_kompetentsiya](https://studbooks.net/84863/ekonomika/kreativnoe_innovatsionnoe_myshlenie_novaya_professionalnaya_kompetentsiya).
105. Креативность и креативное мышление // <https://constructorus.ru/uspeh/kreativnost-kreativnoe-myshlenie.html>.
106. Креативность мышления – выход за рамки // <http://dengipro.dowlatow.ru/secreti-deneg/kreativnost-myishleniya-vyihod-za-ramki>.
107. Критическое мышление // [https://ru.wikipedia.org/wiki/Критическое\\_мышление](https://ru.wikipedia.org/wiki/Критическое_мышление).
108. Критическое мышление: понятие и техники развития // <https://blog.cognifit.com/ru/критическое-мышление>.
109. Козлов А.А., Яковлева С.Н., Ноздря О.Д., Батищев А.В. К вопросу об информационной безопасности личности // <https://constructorus.ru/uspeh/razvitie-kreativnosti.html>.
110. Кондратьева Н.В., Ковалёв В.П. Структура творческих способностей младших школьников // <https://www.science-education.ru/ru/article/view?id=21736>.
111. Литова З.А. Закономерности и принципы развития творческой активности старшеклассников в технологической деятельности // <https://cyberleninka.ru/article/n/zakonomernosti-i-printsipy-razvitiya-tvorcheskoy-aktivnosti-starsheklassnikov-v-tehnologicheskoy-deyatelnosti>.
112. 10 лучших методов генерирования идей // <https://4brain.ru/blog/методы-генерирования-идей>.
113. Любопытство – признак креативности // [https://www.gazeta.ru/science/2016/11/18\\_a\\_10345661.shtml](https://www.gazeta.ru/science/2016/11/18_a_10345661.shtml).
114. Малахова И.А. Развитие креативности учащихся и студентов как образовательная стратегия современной системы образования // <https://www.ide-journal.org/article/2016-volume-3-number-3-развитие-креативности-учащихся-и>.



115. Металлические решетки // <https://www.google.com/search?sxsrf=alekk03urpd0zccg5hhluk-x1rAkV1b6Yg:1589887364535&source>.
116. Метод «проб и ошибок» и поисковая оптимизация: анализ, классификация, трактовка понятия «естественный отбор» // <https://www.metodolog.ru/node/1325>.
117. Методики развития креативности // [http://moluch.ru/rules/?utm\\_source=selfad&utm\\_medium=popup&utm\\_campaign=archive](http://moluch.ru/rules/?utm_source=selfad&utm_medium=popup&utm_campaign=archive).
118. Монолог, диалог, полилог как формы речи // <https://rustutors.ru/stilistika/1610-monolog-dialog-polilog.html>.
119. Образно-ассоциативный подход к проектированию костюма // [https://studbooks.net/1277840/pedagogika/obrazno\\_assotsiativnyy\\_proektirovaniyu\\_kostyuma](https://studbooks.net/1277840/pedagogika/obrazno_assotsiativnyy_proektirovaniyu_kostyuma).
120. Основные подходы к оценке креативного мышления учащихся основной школы // [http://skiv.instrao.ru/support/demonstratsionnye-materialya/KM\\_2019\\_основные\\_подходы.pdf](http://skiv.instrao.ru/support/demonstratsionnye-materialya/KM_2019_основные_подходы.pdf).
121. Особенности креативного мышления у школьников // <https://novainfo.ru/article/14982>.
122. Пономаренко Л. Совершенство изнутри // <https://soverhsenstvo-iznutry.ru/razvitie-kreativnogo-myshleniya>.
123. Правка металла // <https://tech.wikireading.ru/4986>.
124. Принципы воспитания // <http://www.grandars.ru/college/psihologiya/principy-vospitaniya.html>.
125. Развиваем креативность. 5 упражнений // <https://donskih.ru/2015/10/razvivaem-kreativnost-5-uprazhnenij>.
126. Развиваем творческое мышление и креативность: 10 полезных упражнений // <https://blog.cognifit.com/ru/творческое-мышление-10-упражнений>.
127. Серебренников Л.Н., Майер К.Д. Состояние и тенденции развития технологического образования в зарубежных странах // <https://cyberleninka.ru/article/n/sostoyanie-i-tendentsii-razvitiya-tehnologicheskogo-obrazovaniya-v-zarubezhnyh-stranah>.

128. Склонность к риску// <https://utmagazine.ru/posts/7865-sklonnost-k-risku>.
129. Скрипник Ю. 5 приемов креативного мышления // <https://blog.mann-ivanov-ferber.ru/2016/01/08/5-priemov-kreativnogo-myshleniya>.
130. 8 способов развить креативное мышление // <https://style.rbc.ru/beauty/5c34bf629a7947c6fce1afdd>.
131. Таомлар // <http://beka.uz/pazandalik/taomlar?pagenumber=4>.
132. Тест креативности Торренса. Диагностика творческого мышления // <https://psycabi.net/testy/577-test-kreativnosti-torrensa-diagnostika-tvorcheskogo-myshleniya>.
133. Тест креативности Торранса // [http://www.miu.by/kaf\\_new/mpp/150.pdf](http://www.miu.by/kaf_new/mpp/150.pdf).
134. Технология формирования креативного мышления <https://tiei.ru/wp-content/uploads/Tehnologiya-formirovaniya-kreativnogo-myishleniya.pdf>.
135. Типология креативного мышления [https://studme.org/78260/menedzhment/tipologiya\\_kreativnogo\\_myshleniya](https://studme.org/78260/menedzhment/tipologiya_kreativnogo_myshleniya).
136. Упражнения на развитие креативного мышления // <https://blog.wikium.ru/uprazhneniya-na-razvitiye-kreativnogo-myshleniya.html>.
137. 6 упражнений для развития креативности // <https://blog.mann-ivanov-ferber.ru/2015/05/19/6-uprazhnenij-dlya-razvitiya-kreativnosti/>.
138. 12 упражнений для развития креативности // <https://constructorus.ru/samorazvitie/uprazhneniya-na-kreativnost.html>.
139. 21 упражнений для развития креативности // <https://4brain.ru/blog/creativity-development-exercises>.
140. 49 упражнений для развития креативности // <https://topthinkblog.ru/uprazhneniya-dlya-razvitiya-kreativnosti>.
141. Халифаева О.А. Психологические условия развития креативности подростков в учебно-воспитательном процессе: Дис....канд.псих.наук. –

Астрахань: 2007 // <https://www.dissercat.com/content/psikhologicheskie-usloviya-razvitiya-kreativnosti-podrostkov-v-uchebno-vospitatelnom-protses>

142. Характеристика и способности личности // <https://zaochnik.com/spravochnik/psihologija/psihologija-upravlenija/harakteristika-i-sposobnosti-lichnosti>.

143. Характеристика принципов воспитания // [https://studme.org/61113/pedagogika/harakteristika\\_printsipov\\_vospitaniya](https://studme.org/61113/pedagogika/harakteristika_printsipov_vospitaniya).

144. Хашаева А.Б. Формирование креативного мышления молодежи // <https://cyberleninka.ru/article/n/formirovanie-kreativnogo-myshleniya-molodezhi>.

145. Чернецов П.И., Виноградова Т.И. Взаимосвязь интеллекта и креативности подростков // <https://cyberleninka.ru/article/n/vzaimosvyaz-intellekta-i-kreativnosti-podrostkov>.

146. Что такое креативное мышление // <https://brainapps.ru/blog/2016/01/chto-takoe-kreativnoe-myshlenie>.

147. Что такое креативное мышление // <https://brainapps.ru/blog/2016/01/chto-takoe-kreativnoe-myshlenie>.

148. Что такое креативность // <http://www.xarakter.net/virtues/science/creativity/desc.php>.

149. Что такое PISA? // [http://virtuallab.by/publ/pisa/pisa/chto\\_takoe\\_pisa/47-1-0-317](http://virtuallab.by/publ/pisa/pisa/chto_takoe_pisa/47-1-0-317).

150. Шабарина И.Ю. Деятельностный подход в образовании // <http://www.informio.ru/publications/id3555/Dejatelnostnyi-podhod-v-obrazovanii>.

151. Эмоциональное развитие и эмоциональная сфера личности // [https://studme.org/191246/psihologiya/emotsionalnoe\\_razvitie\\_emotsionalnaya\\_sfera\\_lichnosti](https://studme.org/191246/psihologiya/emotsionalnoe_razvitie_emotsionalnaya_sfera_lichnosti).

152. Эстетические чувства // <http://filosof.historic.ru/enc/item/f00/s13/a001333.shtml>.

153. Robert J. Sternberg, Elena Grigorenko. Guilford's Structure of Intellect Model and Model of Creativity: Contributions and Limitations //

[https://www.researchgate.net/publication/ 233224704](https://www.researchgate.net/publication/233224704) Guilford's Structure of Intellect Model and Model of Creativity Contributions and Limitations/

154. Silvano Arieti. Creativity: The Magic Synthesis // <https://www.goodreads.com/book/show/966116.Creativity>.

155. Simpson Ray M. Creative Imagination // [https://www.jstor.org/stable/1414133?origin=crossref&seq=2#metadata\\_info\\_tab\\_contents](https://www.jstor.org/stable/1414133?origin=crossref&seq=2#metadata_info_tab_contents).

156. Working Paper: Models for the Creative Process by Paul E. Plsek // <http://www.directedcreativity.com/pages/WPModels.html>.

## ИЛОВАЛАР

1-илова

### **“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларга эгалликни намоён эта олишини аниқловчи анкета (респондент-ўқувчилар учун)**

1. “Креативлик” тушунчаси қандай маънони англатади?
2. “Шахснинг креативлик сифатлари” деганда қандай сифатлар назарда тутилади?
3. Шахсан Сиз қандай креативлик сифатларига эгамисиз?
4. Сизда креативлик сифатлари шаклланишига қандай омил таъсир этган?
5. Креативлик сифатларини ўзлаштиришингизга кимлар таъсир қилган?
6. Креатив сифатларингизни қандай вазиятларда намоён қиласиз?
7. Креативлик сифатларни ўзлаштиришингизда “Технология” фани қандай ўрин тутади?
8. Айтинг-чи, “Технология” дарсларида ўқувчиларда креативлик сифатлари намоён бўлиши учун қандай ўқув фанлари ўртасида ўзаро алоқадорлик бўлиши зарур?
9. Шахсан Сизда креативлик сифатларининг самарали ривожлантирилиши учун “Технология” фани бўйича дарслар қандай ташкил этилиши лозим, деб ўйлайсиз?
10. Креатив маҳсулотларни тайёрлаб, уларни реализация қилиш орқали маблағ топишни ўйлаб кўрганмисиз?

**“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларга эгалликни намоён эта олишини аниқловчи анкета (респондент-ўқитувчилар учун)**

1. “Креативлик” тушунчаси қандай маънони англатади?
2. Сизнингча, “шахснинг креативлик сифатлари” деганда қандай сифатлар назарда тутилади?
3. Айтинг-чи, ўқувчиларингиз креативлик сифатларга эгами?
4. Ўқувчиларингиз айнан қандай креативлик сифатларига эга?
5. Нима деб ўйлайсиз, ўқувчиларингизнинг креативлик сифатларига эга бўлишига қандай омил таъсир кўрсатади?
6. Айтинг-чи, ўқувчиларингиз кўпроқ қайси вазиятларда креатив сифатларини намоён қилади?
7. Ўқувчиларнинг креативлик сифатларига эга бўлишида “Технология” фани қандай ўрин тутади?
8. Ўқувчиларнинг креативлик сифатларига эга бўлишида фан ўқитувчилари қандай таъсир кўрсатади?
9. Шахсан Сиз “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга эътибор қаратасизми?
10. “Технология” дарсларида ўқувчиларда креативлик сифатларини шакллантириш ва ривожлантиришда қандай ўқув фанлари ўртасида ўзаро интеграция бўлиши зарур?
11. Сизнингча, ўқувчиларнинг креативлик сифатларини самарали ривожлантириш учун “Технология” фанлари қандай ташкил этилиши керак?
12. Дарсларингизда ўқувчиларни креатив маҳсулотларни тайёрлаб, уларни реализация қилиш орқали маблағ топишга рағбатлантирганмисиз?

**Машқ (ўйин) номи:** “Нима? Қаердан? Қандай?” [33, 9].

**Машқ (ўйин)нинг мақсади.** Ўқувчилар томонидан ғайриоддий, кутилмаган ғоя, ассоциацияларнинг таклиф этилишини таъминловчи енгил, интеллект учун “ақлтарбияси” ёрдамида уларнинг ижодий тафаккурини ривожлантириш, тафаккур тезлигини оширишга эришиш.

**Машқ (ўйин)нинг моҳияти.** Доира бўлиб ўтирган ўқувчиларга нималиги мутлақо тушунарсиз бўлган қандайдир ғайриоддий предмет намоиш этилади (предметнинг ўзидан эмас, балки унинг суратидан ҳам фойдаланиш мумкин). Ҳар бир ўқувчи навбат билан қуйидаги саволларга жавоб бериши керак бўлади: 1. Бу нима? 2. У қаердан олинган? 3. Ундан қандай фойдаланиш мумкин?

Ҳар бир ўқувчи етарлича ўйлаб олганидан сўнг фақат бир мартадан саволларга жавоб қайтаради. Ўқувчиларга намоиш қилишда предметнинг ўзидан эмас, балки унинг қоидага кўра бир қарашда моҳиятини англаш қийин бўлишини таъминловчи айрим қисмидан фойдаланиш ҳам мумкин. Зеро, шундагина ўқувчилар томонидан қизиқарли, ўзига хос жавоблар айтилади [33, 9].

**Машқ (ўйин)нинг номи:** Ҳаракат усуллари [33, 13].

**Машқ (ўйин)нинг мақсади:** ўқувчиларни ноодатий вазиятларда ҳолатдан чиқишнинг йўлларини излашга йўналтириш орқали уларда ижодий, креатив тафаккурни ривожлантириш.

**Ўйин (машқ)нинг моҳияти:** ўқувчиларга мантиқсиз, аммо ноодатий бўлган вазиятлардан чиқишнинг имкон қадар кўп йўлларини излаш топшириши берилади. Қуйидаги вазиятлар таклиф қилинади: фақат газета ва скотч бўлган вазиятда совғани чиройли ва ўзига хос тарзда ўраш; махсус пичоқ бўлмаган вазиятда консерва банкасини ўзига эга бўлган предмет ёрдамида очиш; махсус жиҳозларга эга бўлмаган ҳолда йўловчини велосипедга ўтказиш; ингичка оғзи бўлган бочкадан уни энгаштирмаган ва

унда тирқиш очмаган ҳолда бензинни қуйиш; 20 см етмаган ҳолда нарвонда туриб чирокка етишга уриниб кўриш; доимо керак бўладиган воситалар ёрдамида қайиқда тешик ҳосил қилиш (махсус ёпиштирадиган (елимлайдиган) материаллар бўлмаган ҳолда очиладиган тирқишнинг ўлчами 2x2 тенг бўлиши зарур).

Мазкур машқ (ўйин)дан индивидуал фойдаланиш ҳам мумкин, шу билан бирга 3-4 нафар ўқувчи иштирокида бажарилганда ҳам самарали бўлади. Дастлаб ўқитувчи ҳар бир вазият бўйича 5-6 та вариантни ўзи ҳам таклиф қилса, бу ўқувчилар томонидан янада қизиқарли вариантларни илгари сурилишига туртки беради. Топшириқни бажариш жараёнида эса жами билдирилган вариантлар орасидан 2-3 таси танлаб олинади.

**Муҳокама жараёни.** Дастлаб ҳар бир кичик гуруҳ аъзолари қисқача тарзда гуруҳнинг ҳаракат воситалари борасидаги таклифларини баён қилади, сўнгра қуйидаги иккита саволга жавоб беради:

1. Вариантлар бўйича ғояларнинг туғилишини қандай омиллар енгиллаштира олди-ю, қандай омиллар қийинлаштирди?

2. Ўқувчилар ўзларининг ҳаётида рўй берадиган шу каби вазиятларни ёдга олишлари лозим. Рўй берган вазиятларда улар қандай йўл тутишган? [Герцов, 13].

**Машқ (ўйин)нинг номи:** Спорт ҳарфлари [33, 19].

**Машқ (ўйин)нинг мақсади:** таклиф этилган ҳарфлар (Б, И, К, М, П, Р, Т кабилар) ёрдамида ўқувчиларда оғзаки нутққа асосланувчи креативликни ҳамда ўз ғояларини ғайриоддий тарзда талқин қилиш қобилиятини ривожлантириш.

**Ўйин (машқ)нинг моҳияти:** ўқувчилардан таклиф этилган ҳарфлар (Б, И, К, М, П, Р, Т кабилар) ёрдамида ана шу ҳарфлар билан бошланувчи спорт (мазкур тадқиқотда “Технология” ўқув фанига оид) тушунчаларини баён қилиш ва улар асосида инсон қиёфасини яратиш сўралади.

**Ўйиннинг бориши.** Ўқувчилар имкон қадар таклиф этилган ҳарфлар билан бошланадиган (бу ўринда “Технология” ўқув фанига оид) атамаларни



санайди ва ҳарфлар асосида инсон қиёфасини шакллантиради. Машқ ўқувчилар томонидан индивидуал равишда А3 форматдаги қоғозда бажарилади.

**Машқнинг давомийлиги:** 8-12 дақиқа. Сўнгра барча суратлар асосида кўргазма ташкил қилинади.

**Муҳокама жараёни:** мазкур жараёнда қайси сурат бошқаларга нисбатан қизиқарлироқ ва эканлиги аниқланади.

#### 4-илова

##### *1. Назарий характердаги топшириқлар тўплами:*

1. Металлни букишда асосий эътибор ўлчамларни тўғри белгилашга қаратилиши зарур, шунда.... Фикрни давом эттиринг.

2. Ички кийимлар (ички куйлаклар, майкалар, корсетлар) инсоннинг тана ҳароратини мўътадил сақлаб туришга хизмат қилади. Чунки улар бевосита баданга кийилади ва ёпишиб туради. Ушбу фикрга қарши фикр билдиринг.

Респондент-ўқувчилар томонидан қуйидаги қарши фикр билдирилди.

Ички кийимларнинг барчаси ҳам, масалан, остки юпкалар, тунги куйлаклар, чақалоқлар кийимлари, калсонлар, пижамалар баданга ёпишиб турмайди. Шунинг учун улар тана ҳароратини тўлиқ сақлай олмайди.

3. Ёғочнинг қаттиқлиги унга бошқа қаттиқ жисмнинг ботишига қаршилиқ кўрсатиш даражаси билан белгиланади. Ёғочнинг қаттиқлигини аниқлашнинг энг оддий усули унга мих қоқиб кўришдан иборат.

Фикрга нисбатан учта фикр айтинг. Уларнинг: биринчиси фикрни тасдиқласин; иккинчиси фикрни тўлдирсин, учинчиси фикрни инкор қилсин.

1. Тасдиқловчи фикр: ёғочнинг қаттиқлиги унга ўзидан қаттиқ буюмларнинг учини, тиғини, қиррасини ботириб кўриш орқали аниқланади.

2. Тўлдирувчи фикр: оддий мих қайрағоч, эман, шамшод, нок, акация каби қаттиқ ёғочларга эмас балки тол, терак, қарағай каби юмшоқ ёғочларга қоқилади.

3. Инкор этувчи фикр: ёғоч қанчалик қаттиқ бўлмасин, унга зах, намлик, сув, зарарли микроорганизмлар ва ёғочни кемирувчи куртлар томонидан зарар етади.

*II. Амалий характердаги топшириқлар тўплами* (топшириқлар “Кашта намуналари”, “Металлические решетки“, “Детские одежды” мавзуларидаги маълумотларни тақдим этган [google.co.uz/search?q=кашта+намуналари+фото&tbm=isch&ved=2ahukewjhwjm17l\\_pahupwiokhvnuqbqk2-csegqiabaa&oq=кашта+намуналари+фото](http://google.co.uz/search?q=кашта+намуналари+фото&tbm=isch&ved=2ahukewjhwjm17l_pahupwiokhvnuqbqk2-csegqiabaa&oq=кашта+намуналари+фото); [www.google.com/search?sxsrf=alekk03urpd0\\_zccg5hhluk-x1rAkB1b6Yg:1589887364535&source](http://www.google.com/search?sxsrf=alekk03urpd0_zccg5hhluk-x1rAkB1b6Yg:1589887364535&source); [www.google.com/search?sxsrf=alekk01\\_vldorroteblounkwacwbmog4fpg:1589888041233&source](http://www.google.com/search?sxsrf=alekk01_vldorroteblounkwacwbmog4fpg:1589888041233&source)) сайтлар материаллари асосида шакллантирилди):

1. Ёғочнинг текстураси – радиус бўйлаб ёки эгри чизикқа уринма чизик бўйича йўналтирилган кесма бўлиб, ишланган юзада ёғоч толаларининг табиий расми яққол кўринади. Ёғочнинг текстураси орқали қуйидаги кўрсаткичларни баҳолаш мумкин:

- йиллик қатламларнинг кенглигини;
- туси (ранги) орқали анча аввал ёки яқинда ишлов берилган ёғоч эканлигини;

- ўзак нурларини;
- илдизлари йириклигини;
- ....
- ....

Ёғочнинг текстураси орқали аниқланадиган кўрсаткичларни ниҳоясига етказинг.

Тадқиқот жараёнида респондент-ўқувчилар томонидан топшириқ қуйидагича бажарилди (топшириқларни ишлаб чиқишда):

Ёғочнинг текстураси орқали қуйидаги кўрсаткичларни баҳолаш мумкин:

- йиллик қатламларнинг кенглигини;
- туси (ранги) орқали анча аввал ёки яқинда ишлов берилган ёғоч эканлигини;

- ўзак нурларини;
- илдизлари йириклигини;
- ёғоя толаларининг ҳолати (тўлқинсимон, чалкаш эканлиги)ни;
- ривожланмаган куртакларнинг излари (ёғочнинг “кўзлари”) бор-йўқлигини.

2.		Янги деталл билан тўлдилинг	
3.		Маҳсулотни янги ранг билан бойитинг. Нима учун бундай ранг танлаганингизни изоҳланг	
4.		Сизнингча, ушбу маҳсулотда нима ортикча?	
5.		Янги орнамент билан тўлдилинг	
6.		Жараённи якунига етказинг	

7.		Композицияга ўзгартириш киритинг	
----	-----------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------	--

## 5-илова

- **уй-рўзгор жиҳозлари** – маиший турмушда ишлатиладиган жиҳозлар (ошхона жиҳозлари; тоқхона жиҳозлари; меҳмонхона жиҳозлари; болалар хонаси жиҳозлари; улар пластмасса, шиша, керамика, металл, маиший кимё ва текстил маҳсулотларидан тайёрланади);

- **юмшоқ мебеллар** – ўтириш ёки ётиш учун мўлжалланган, таркибида юмшоқ унсур (элемент; пружина, тўқимачилик матоси, чарм маҳсулоти) мавжуд бўлган қулай мебелларнинг жамловчи номи (юмшоқ мебелларга кресло, диван, диван-кровать, кушетка, суянчиқсиз диван, ўриндик, банкетка (суянчиқсиз ва суянчиқли юмшоқ ўриндик; асосан, турли идораларнинг йўлаклариди, аёлларнинг пардоз столи ёнига қўйилади); пуфик (фр. “мебель”; бир киши учун мўлжалланган, ўриндиксиз, тирсаклагичсиз, қалин мебел; унинг ичида турли буюмларни сақлаш ҳам мумкин; одатда уй остонасига яқин жойга (ўтириб пойафзални қулай кийиш учун), аёлларнинг пардоз столи ёнига қўйилади; юмшоқ мебеллар алоҳида, тўплам ёки гарнитур шаклида бўлади);

- **қаттиқ мебеллар** – қўзғатиладиган ёки жойга маҳкам ўрнатилган уй жиҳозлари (сандиқ, стол, стул, табуретка, комод, кровать, кресло, диван, шифоньер, шкаф, буфет, сервант, жавон, кўп қаватли очик жавон (этажерка), стеллаж (бир нечта қаватли очик жавон), журнал столи, тошойна (трюмо), уч табақали тошойна (трельяж), қўшимча стол (телефон, гуллар қўйиладиган столлар), шкаф-секретер (ҳам китоб жавони ҳам стол сифатида фойдаланиш

мумкин бўлган шкаф), ювиниш хонаси ва ҳожатхона учун столлар, кушетка, софа (кенг, юмшоқ диван), кресло-кровать, диван-кроватьлар; улар одатда ёғоч ёки металл материаллардан тайёрланиб, улардан турар-жойлар, ижтимоий мақсадларда фойдаланиладиган биноларга қўйилади; қаттиқ мебеллар ҳам алоҳида, тўплам ёки гарнитур шаклида бўлади);

- **дурадгорлик маҳсулотлари** – тўла ёки қисман ёғоч ёки ёғоч маҳсулотларидан тайёрланадиган буюм ва жиҳозлар (дурадгорлик маҳсулотини тайёрлаш жараёни: ёғочни қирқиш, тилиш, йўниш, рандалаш, пармалаш); дурадгорлик фаолияти йўналишлари – уйсозлик, асбобсозлик, аравасозлик, эгарсозлик, сандиқсозлик, бешиксозлик, панжарасозлик, ўймакорлик; ойна ва эшик ромлари, панжаралар, тўсиқлар, панеллар, зиналар, уй, ошхона, ётоқхона, болалар хонаси ва меҳмонхона жиҳозлари (бешик, сандиқ, стол, стуллар, таг курсилар, тумбалар, кресло, банкетка, пуфик, кушетка, софа (кенг, юмшоқ диван), кресло-кровать, диван-кровать, шкаф, шкаф-купе, шифоньер, буфет, кўп қаватли очиқ жавон (этажерка), стеллаж (бир нечта қаватли очиқ жавон), шкаф-секретер (ҳам китоб жавони ҳам стол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган шкаф), сервант, жавон, журнал столи, тошойна (трюмо), уч табақали тошойна (трельяж), қўшимча стол (телефон, гуллар қўйиладиган столлар), ювиниш хонаси ва ҳожатхона учун столлар, эгар (улов сифатида ишлатиладиган ҳайвонлар учун), белкурак, курак (қордан тозалаш учун); улар қўш табақали, очиқ, илгакли, қўзғалмайдиган ёки қўзғаладиган бўлади);

- **темирчилик маҳсулотлари** – юқори даражали ҳароратдаги босим остида металлларга ишлов бериш орқали тайёрланган маҳсулотлар (темирчилик фаолияти йўналишлари: тунукасозлик (томларга тунука қоқиш, тунукадан турли асбобанжомлар (печлар, дудбуронлар, уларга қалпоқлар ва бошқалар); мисгарлик, кандакорлик (бадий буюмлар – лаганлар, обдасталар, офтобалар, косалар; дарвозалар, тўсиқлар, зиналар, ўриндиқлар, мебеллар, панжаралар (дераза, эшик ва ер майдонларига ўрнатиладиган панжаралар), суянчиқлар, металл чироқлар, интерьер элементлари (ойна, кандил, ёритгич

(светильник), шийпон, эшик тепасига ўрнатиладиган соябон), камин, мангал, ўчоқ, самовар, суюқлик тўлдириладиган идишлар, теша, болта, болға, кетмон, чопқи, белкурак, сувенирлар; уларнинг аксариятига турли бадий безаклар асосида ишлов берилади; темирчиликда ишлатиладиган ҳар бир металл муайян даражадаги ҳароратда ишлов берилишини тақозо қилади; талаб этиладиган ҳарорат даражаси металлнинг физик (эриш, кристалланиш), кимёвий (легирловчи элементларнинг мавжудлик) хусусиятига кўра талаб этилади; металлларга қуйидаги ораликда талаб этиладиган даражадаги ҳароратда ишлов берилади: темир учун – 1250-800 °С, мис учун 1000-650 °С, титан учун 1600-900 °С, алюминий учун 480-400 °С);

- **заргарлик буюмлари** – зийнат, кўрк берувчи буюмлар (масалан, аёллар тақинчоқлари – улар аёлларнинг ҳуснига кўрк беради; заргарлик буюмларининг турлари – баргак, бибишак, билагузук, бозубанд, бозгардон, болдок, ойболдок, қашқарболдок, булоқи, бўйинтумор, гажак, дуотузи, жевак, жиға, заркокил, зебигар, дон, зулф, исирға, кокил, осматузи, санчок, тавқ, тилла баргак, тилла тузи, тиллақош, турунж, узук, шокила, ҳалқа; заргарлик буюмларини тайёрлашда олтин, кумуш, платина, мис, иридий, палладий, рутений, осмий каби қимматбаҳо металллар ишлатилади);

- **қимматбаҳо металллар** – табиатда кам учрайдиган, ўзининг ялтираши, чиройи, коррозия (занглаш) ва оксидланишга бардошлиги билан ажралиб турадиган металллар (бундай металллар сирасига олтин, кумуш, платина, мис, иридий, палладий, рутений, осмий кабилар киради).

Тажриба-синов ишлари даврида гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар бошқа гуруҳлар томонидан тўлдирилиши ҳам мумкин.

Ёғочнинг кимёвий ва технологик хоссалари. Ёғочнинг кимёвий хоссалари” (7-синф) мавзуси [74] биринчи дарсга тўғри келганлиги сабабли навбатдаги дарсда ўтилган мавзуни мустақамлаш жараёнида “**Ақлий ҳужум**” методидан фойдаланилди. Методдан фойдаланиш қуйидагича амалга оширилди:

1. Ўқувчилар дарс жараёнида “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланиш тўғрисида хабардор қилинди.

2. Ўқувчилар метод ва унинг моҳияти билан таништирилди.

3. Ўқувчиларга аввалги дарсда дарсликда берилган мавзуга оид маълумотларни диққат билан ўрганиш вазифаси топширилди.

4. Интернет тармоғида [google.co.uz](http://google.co.uz) ҳамда [google.com](http://google.com) қидирув сайтларида қўшимча равишда қуйидаги мавзулар бўйича маълумотларни излаш ва улар билан танишиш топшириғи берилди:

1) [google.co.uz](http://google.co.uz) сайти бўйича:

- “V синфда меҳнат таълими дарсларида халқ ҳунармандчилиги ишларини ўрганиш” номли ўқув қўлланма билан танишиш;

- “Ёғочсозлик саноати” мавзуси билан танишиш;

2) [google.com](http://google.com) сайти бўйича:

- “Столярные изделия” (1-гуруҳ), “Столярные изделия виды” (2-гуруҳ), “Столярные инструменты” (3-гуруҳ), “Столярные инструменты названия” (4-гуруҳ), “Столярные инструменты и приспособления” (5-гуруҳ), “Столярные станки” (6-гуруҳ), “Столярные работы” (7-гуруҳ), “Столярные мастерские” (8-гуруҳ) мавзулари остида берилган маълумотлар билан танишиш.

Методдан фойдаланишда муайян шартлар [47, 13]га амал қилинди. Энг муҳимлари қуйидагилар: ўқувчиларга мустақил фикрлашлари учун қулай муҳит яратиш; билдирилган фикр, янги ғояларнинг турлича ва кўп миқдорда бўлишига эътибор қаратиш; ғояларни янада бойитиш учун ўқувчиларни қувватлаш; ҳеч бир фикрга эътироз билдирилмаслигига эришиш; янги ғоялар

билдирилар экан, мунозарани якунламаслик; умумлаштирган ҳолда ўқувчиларнинг фикрлари асосида якуний хулосага келиш.

Энг муҳими, дарс жараёнида “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланишда ўқувчилар томонидан мавзу доирасида ўрганилган энг муҳим жиҳат хусусида тугал фикр билдириши, таянч тушунчаларни изоҳлашига эътибор қаратилди.

## **7-илова**

Дарс жараёнида “**Олтита рангли қалпоқча**” методидан қуйидаги босқичлар асосида фойдаланилди:

I босқич. Оқ қалпоқча – матн (ҳодиса, жараён моҳияти)ни ўрганиш. Ўқувчиларнинг эътиборларига қуйидаги маълумот тақдим этилди: “Тунукадан ҳажмли шаклларни пайдо қилишда букиш асосий усул саналади. Букиш тискида, махсус оправкалар ва махсус ускуналар ёрдамида бажарилади. Зокир ва Камрон тунукадан ҳажмли шаклларни ҳосил қилмоқчи бўлишди. Аммо ҳажмли шакллар кутилганидек чиқмади. Уларнинг айтишларича, ишни белгиланган тартибда бажаришган. Яъни: 1) букиладиган ўрин белгилаб олинган; 2) эгиш чизиғи тиск тепа жойининг учига қўйилган; 3) тунука киянка билан урилган”.

**Топшириқ:** мини матнни синчиклаб ўрганинг ва йигитлар билан қаерда хатога йўл қўйганликларини ўйлаб кўринг!

II босқич. Қора қалпоқча – салбий ҳолат (йўл қўйилган хато, камчиликлар)ни аниқлаш. Ўқувчиларга Зокир ва Камроннинг ҳаракатларини салбий баҳолаш айтилди. Респондент-ўқувчилар томонидан қуйидаги салбий фикрлаш билдирилди:

1) букиш тиски (ёки махсус оправкалар, ёки махсус ускуналар) ёрдамида бажарилмаган;

2) букиладиган ўрин аниқ белгилаб олинмаган;

3) эгиш чизиғи тиски тепа жойининг учига қўйиш тўғри амалга оширилмаган;



4) тунука киянка ёки металл болға билан эмас, унга ўхшаш, бироқ, зарур ўринга етарлича қаттиқ зарба бера олмайдиган бошқа бир жисм билан урилган;

5) букиш учун мураккаб шакл танланган;

6) уларда ҳали амалий тажриба шаклланмаган.

III босқич. Сарик қалпоқча – ижобий ҳолат (эришилган ютуқлар)ни аниқлаш. Ўқувчиларга Зокир ва Камроннинг ҳаракатларини салбий баҳолаш айтилди. Респондент-ўқувчилар томонидан қуйидаги ижобий фикрлаш билдирилди:

1) букиш тиски, махсус оправкалар ва ускуналар ёрдамида бажарилган;

2) букиладиган ўрин аниқ белгилаб олиниб, эгиш чизиғи тиски тепа жойининг учига тўғри қўйилган ва тунука киянка билан урилган;

3) Зокир ва Камрон сотиб олган тунука стандартга тўғри келмаган.

IV босқич. Яшил қалпоқча – амалий тавсия (таклиф)ларни ишлаб чиқиш. Ўқувчиларга уй шароитида тунукани тўғри букиш борасида Зокир ва Камронга амалий таклиф (тавсия)ларни бериш вазифаси топширилади. Респондент-ўқувчилар амалий таклиф (тавсия)ларни ишлаб чиқишда қўшимча адабиёт ва Интернет сайтларидан олинган маълумотларга таяниб иш кўрди. Шакллантирувчи тажриба даврида респондент-ўқувчилар томонидан Зокир ва Камронга қуйидаги амалий таклифларни беришди:

1. Букланиши зарур бўлган металлдан қандай маҳсулот тайёрланишини аниқ белгилаб олинг ва зарур металлни танланг (унинг қалинлиги 2 мм).

2. Олдиндан иш қуроллари – ўлчов асбоби, тошининг қалинлиги 1 ва 2 мм бўлган болгарка, металл болға, ниқоб, махсус кўзойнакни тайёрлаб қўйинг.

3. Букиладиган жойлар ва унинг ўлчамларини аниқ белгиланг.

4. Тунука осон букилиши учун катта бўлмаган “арикча”ни қирқинг.

5. Ниқобни ва махсус кўзойнакни тақиб олинг.

6. Болгаркани букиладиган жойнинг белгиланган ўлчамлари бўйича 1 мм ли чуқурликда юргизинг.

7. Болгарканинг дискини 2,5 мм ли ҳолатга келтириб олинг ва яна бир марта белгиланган ва 1 мм ли “чуқурча” ҳосил қилинган ўлчамлар бўйича юргизинг (бу букишнинг осон бажарилишига имкон беради).

8. Ҳосил қилинган “чуқурчалар”дан биринини профилнинг четига қўйинг ва ана шу чуқурча бўйича қайринг.

9. Секин-аста металлнинг узунлиги бўйича бир текисда металл болға билан уринг (бирданига керакли букишни ҳосил қилишга уринманг).

10. Металлнинг барча томонлари бўйича бу ҳаракатни такрорланг.

11. Букилган жойларни кўздан кечиринг.

12. Агарда букиш кўнгилдагидек ҳосил бўлмаган бўлса, профилнинг қиррасига яна бир бор қўйинг ва тўғриланг.

13. Болгарка ёрдамида ортиқча бўлақларни қирқиб ташланг.

14. Қирқилган жойларни бурчаклар бўйича кўздан кечиринг ва болгарка ёрдамида металл заки (окалинаси)ни олиб ташланг.

15. Қиррали ва тўмтоқ ўринларни ишлов бериш орқали текислаб, маҳсулот кўринишига келтиринг.

V босқич. Қизил қалпоқча – муаммо юзасидан шахсий хулоса чиқариш. Респондент-ўқувчиларга матн ва гуруҳлар томонидан тайёрланган амалий таклиф (тавсия)лар билан танишиш, ҳолат юзасидан гуруҳларнинг муносабатини ўрганиш асосида шахсий хулосалар чиқариш вазифаси топширилди. Ўқувчилар томонидан қуйидаги хулосаларга чиқарилди:

1. Тискининг қисадиган жойи тунукани бузиб қўймаслиги учун унинг чеккасига нагубниклар жойлаштирилиши зарур.

2. Металлни букишда букилиши зарур бўлган қисмда букиш ўлчамлари аниқ белгиланиши керак.

3. Уй шароитида ҳам металлларни осон ва тез букиш мумкин, бунинг учун маълум талаблар инобатга олиниши керак.

4. Ишнинг сифатли бўлиши учун шошма-шошарликка йўл қўймаслик, аксинча, пухта ўйлаб, ўлчаб, зарур иш қуролларини тайёрлаб олиш талаб қилинади.

5. Букиш жараёнини ниҳоясига етказилгач, кўздан кечириш, ортиқча ўринларни болгарка ёрдамида олиб ташлаш, қиррали ёки тўмтоқ жойларни металл болға билан уриб текислаш ва маҳсулот ҳолатига келтириш зарур.

VI босқич. Яшил қалпоқча – натижаларни умумлаштириш. Гуруҳларга юқорида аввалги бешта босқичда амалга оширилган ўқув-билиш фаолияти натижасига таянган ҳолда натижаларни умумлаштириш – якуний хулосага келиш вазифаси топширилди. Вазифа гуруҳлар томонидан қуйидаги таҳлитда бажарилди:

1-гуруҳ. Якуний хулоса: металл (тунука)ни букиш ишини ҳам устахонада ҳам уй шароитида бажариш мумкин; бунинг учун маълум иш қуроллари зарур бўлади; металл (тунука)ни букиш маълум даражада тажрибани талаб қилади.

2-гуруҳ. Якуний хулоса: металл (тунука)ни букишда тайёрланадиган маҳсулот ва унинг кўриниши (шакли) ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш зарур; металл (тунука)ни бузиш жараёнини бир нечта босқичда амалга оширилади;

3-гуруҳ. Якуний хулоса: металл (тунука)ни букишда ўлчамларни аниқ белгилаш, иш қуролларидан тўғри фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга; иш жараёнида муайян талабларни инобатга олиш ва уларга қатъи риоя қилиш зарур; ишнинг сифати – иш жараёнига бўлган муносабатга боғлиқ; фақатгина букиш жараёнини босқичма-босқич тўғри ташкил этишигина эмас, балки ишнинг сифатли бўлишига эришиш, металл (тунука)ни тайёрлашда уни маҳсулот ҳолатига келтириш, бадий-эстетик қийматга эга бўлишига эришиш ҳам муҳим саналади.

Гуруҳлар томонидан якуний хулосага келишда ўқитувчи томонидан уларнинг фаолиятини йўналтириб туриш муҳим саналади. Тадқиқотни олиб боришда ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилди.

“Технология” фанидан ташкил этилган амалий машғулотларнинг бирида респондент-ўқувчилар бириктирилган кичик гуруҳлар томонидан илгари сурилган ғоялар асосида уй-рўзғор буюмлари тайёрланди. Қуйида улардан иккитаси намуна сифатида келтирилади.

**I. Ишга яроқсиз мобил телефонлари (планшет) ва табуретка (суянчиксиз курси) тайёрлаш.** Бу жараён қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1-босқич. Маълум ўлчамдаги иккита фанера олиниб, уларнинг бир томони махсус елим (ПВА, “Момент” елимларидан бири) билан елимланади.

2-босқич. Елимланган фанералардан бирининг устига ишга яроқсиз бир неча мобил телефон, планшет жойлаштирилади.

3-босқич. Фанерага жойлаштирилган ишга яроқсиз мобил телефон, планшетнинг устига ҳам қалинроқ қилиб, елим суртилади (борди-ю, фанеранинг юзасига ёпиштирилганда мобил телефон ҳамда планшетларнинг ўлчамлари турлича бўлган у ҳолда картон, поролон ёки керакли ўлчамда кесиб олинган пенопласт ёрдамида фарқни бартараф этиш мумкин).

4-босқич. Елимланган фанераларнинг иккинчиси мобил телефон, планшетнинг устига ёпиштирилади.

5-босқич. Ҳар икки фанеранинг орасидаги очик жой (зарур ўринлар картон, поролон, пенопласт билан тўлдирилади) унга мослаб қирқиб олинган фанералар билан ёпилади (курсининг ўриндиғи тайёр).

6-босқич. Курсининг ҳар бир оёғи ҳам юқоридаги тартибда тайёрланади (ҳар бир оёқ учун бир неча мобил телефон устма-уст елимланган ҳолда қўйиб чиқилади; атрофи фанера билан ёпилади; мобил телефонларининг узунлиги (бўйига) ҳисобига курси икки оёқли бўлади; курсининг ҳар бир оёғи учун тахминан 12 тадан мобил телефон талаб қилинади).

7-босқич. Курсининг тайёр оёқлари ўриндиққа елим ёрдамида маҳкам қилиб, ёпиштирилиб, елимлари яхши ёпишиши ва қуриши учун камида бир сутка давомида устига оғирроқ буюм қўйиб қўйилади.

**II. Ғўла (дарахт бўлаги) ва пластик сув идишидан гулдон тайёрлаш.** Бу жараён қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1-босқич. Диаметри 6-8 см, узунлиги 10-12 см бўлган, яхшилаб қуриган ёғоч бўлаги олинади (ғўланинг қуриган бўлиши муҳим, чунки нам ғўла вақт ўтгани сайин қурийдими ва унинг ичига солинган буюмни қисади; ғўлани пўсти олиб ташланган бўлиши ёки олинмаган ҳолда ҳам ишлатиш мумкин; агар пўсти олинмаса, унинг ичига турли ҳашоратлар қирган, қирмаганлиги кўздан кечирилиши зарур; ҳар эҳтимолга кўра ғўланинг пўстини турли дизенфекцияловчи воситалар билан тозалаш мақсадга мувофиқдир).

2-босқич. Ёғоч бўлаги яхшилаб тозаланади (ювиб қурилади).

3-босқич. Тўлиқ ювиб қурилган ёғоч бўлагининг тағ қисми ишлов берилиб текисланади.

4-босқич. Ўртаси 4 см диаметр ҳажмида ўйилади (ёғочни ўйиш жараёни устахонада ҳам, уй шароитида ҳам амалга оширилиши мумкин).

5-босқич. Ўйиш жараёни якунига етгач, ёғоч бўлаги локланади.

6-босқич. Диаметри 4 см, ҳажми 1,5 л бўлган пластик идиш олинади.

7-босқич. Пластик идиш ёғочнинг ўйилган жойига жойлаштирилиб, ортиқча жойи белгилаб олинади ва қирқиб ташланади.

8-босқич. Ёғочнинг ўйилган жойига ёғоч маҳсулотлари учун мўлжалланган елим суритилади.




9-босқич. Ёғочнинг баландлигига мос равишда юқори қисми кесиб ташланган пластик идиш унинг ўйилган жойига жойлаштирилиб, яхшилаб ёпиштирилади.

## 9-илова


Айни ўринда респондент-ўқувчилар томонидан тўпلامдаги ўқув топшириқларини бажариш юзасидан илгари сурилган таклиф (креатив, ижодий) гоёлардан намуналар келтирилади.

### Амалий топшириқлар:

1-топшириқ (махсус адабиётлар ва Интернет сайтлари ёрдамида тегишли мавзу бўйича ўқувчини ҳайратлантирган маҳсулот намуналаридан камида учтасини мисол сифатида тақдим этиш) бўйича:

		
“Тухумли сичқончалар” безаги	“Колбаса”ли атиргул безаги	Бодрингли “шоҳча” безаги

2-топшириқ (ўқувчи томонидан нима учун айнан шу маҳсулотлар намуналари танлаганининг изоҳланиши) бўйича:

1.	“Тухумли сичқончалар” безаги		Ёқимли кўринишга эгаллиги билан меҳмонларни зақлантиради
2.	“Колбаса”ли атиргул безаги		Реал ҳолатга яқинлиги (табиий атиргул)га ўхшашлиги билан диққатни ўзига тортади

3.	Бодрингли “шоҳча” безаги		Ўзига хос (оргинал) ечимга эгалиги кишини янги ғояларни яратишга рағбатлантиради
----	-----------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------

3-топшириқ (танланган маҳсулотларга уларнинг бадий-эстетик, амалий, креатив хусусиятларини учта сифат бўйича таърифлаш) бўйича:

1.	“Тухумли сичқончалар” безаги		<p>Изоҳлар:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) ёқимли кўриниш;</li> <li>2) иштаҳа очувчи безак;</li> <li>3) дидли ёндашув</li> </ol>
2.	“Колбаса”ли атиргул безаги		<p>Изоҳлар:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) ажойиб шаклга эгалик;</li> <li>2) нафис ишланма;</li> <li>3) ўзаро уйғун яхлитлик</li> </ol>
3.	Бодрингли “шоҳча” безаги		<p>Изоҳлар:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) ўзига хос (оргинал) ғоя;</li> <li>2) ноодатий шакл;</li> <li>3) ёқимли кўриниш</li> </ol>

Пюрели (картошка, творог, сметана) омлет	Колбаса ва пишлоқли омлет	Қийма ва пишлоқли омлет
		
<p>Тайёрланиши (омлет товада пиширади):</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) картошка (творог, сметана)дан пюре тайёрланади;</li> <li>2) ўртгача катталиқдаги товада омлет пишириб олинади;</li> <li>3) омлетнинг ичига пюре солиб, тўртбурчак шаклда букилади ;</li> <li>4) тайёр маҳсулот духовкага паст оловда 10-15 дақиқага қўйилади;</li> <li>5) ликобчаларга солиб тортилади</li> </ol>	<p>Тайёрланиши (омлет товада пиширади):</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) ўртгача катталиқдаги товада омлет пишириб олинади;</li> <li>2) колбаса ва “Моцарелла” пишлоғи тўртбурчак шаклида узун қилиб кесилади;</li> <li>3) омлетнинг ичига колбаса ва пишлоқ солиниб, узун ҳолатда букилади;</li> <li>4) тайёр маҳсулот духовкага паст оловда 10-15 дақиқага қўйилади;</li> <li>5) ликобчаларга солиб тортилади</li> </ol>	<p>Тайёрланиши (омлет газ печида пиширади):</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) патнисга махсус қоғоз солинади (қоғозга ёғ суритилади; қоғоз ёғли ҳолда бўлса суртилмайди);</li> <li>2) омлетнинг масаллиғи патнисга бир текис қўйилади;</li> <li>3) 180<sup>0</sup> С да 10-15 дақиқа пишириб олинади;</li> <li>4) қийма ёғда қовуриб олинади, тайёр бўлай деганда майда тўғралган пиёғ, туз, зира, мурч қўшилади;</li> <li>5) омлетнинг устига қийма солиниб, рулет шаклига келтирилади;</li> <li>6) духовкага 10-15 дақиқага қўйилади;</li> <li>7) тайёр рулетли омлет майда бўлақларга бўлинади ва ликобчаларга солиб тортилади</li> </ol>

Тадқиқот даврида керакли тасвирларни топишда гуруҳлар мустақил ҳамда ўқитувчи раҳбарлигида Интернет тармоғининг қуйидаги сайтларида берилган маълумотлардан фойдаланилди:

1) Асатилло Мадалиев // <https://m.my.mail.ru/mail/tillo.1987/photo/242/244.html>.

2) Омлет фото // <https://www.google.com/search?sxsrf=alekk013voifyo4bvvunwwstu3nruiec5a:1590056951193&source=univ&tbm=isch&q=омлет+фото&sa=x&ved=2ahukewifkv7d38tpahujbaykhegrdokqsar6bagaеae>.

2-топшириқ (тегишли мавзуга оид ўзига хос ғояни илгари суриш) бўйича (топшириқ респондент-ўқувчилардан иборат синф жамоаларида



биргаликда бажарилди; ўзаро келишилган ҳолда жамоа томонидан “Олмали пирог” тайёрланди):

### **Олмали пирог**

Масаллиқлар: 100 г сариёғ

1 пиёла шакар (200 г)

1 та тухум

1 пиёла ун (200-225 г)

1 пиёла кефир (сметана; 200 г)

2 чой қошиқ юмшатгич (разрыхлитель)

Таъбга кўра туз (0,5 чой қошиқ)

#### **Қайласи учун (устига):**

2-3 дона олма

0,25 пиёла майиз (ўртача катталиқда)

0,25 пиёла ёнғоқ (нўхатдек катталиқда)

2 чой қошиқ шакар

2 ош қошиқ ёритилган сариёғ

#### **Тайёрланиши:**

Сариёғ (100 г) уй шароитида юмшатиб олинади ва унга шакар (1 пиёла) кўшиб яхшилаб аралаштирилади. Аралашма устига 1 та тухум чақиб, кўшилади ва яна аралаштирилади. Сўнгра кефир (сметана) кўшилиб суюрроқ масса ҳосил қилинади. 1 пиёла (0,25 г ортиқча олиш ҳам мумкин) унга юмшатгич (разрыхлитель; 2 чой қошиқ), туз (0,5 чой қошиқ) аралаштирилиб, тайёр массага солинади. Яхшилаб аралаштирилади. Бу массага 1 чой қошиқда ичимлик содаси кўшилади. Масса бироз тиндириб кўшилади.

Устига қўйиладиган масаллиқ учун: олманинг ичи ва усти тозалаб олиниб, иккига ажратилади. Ҳар икки палла ярим паррак ҳолда тўғралади.

Қолипга махсус қоғоз солинади. Қоғоз ўсимлик ёғи билан ёғланади (агар тайёр ёғли қоғоз бўлса, ёғ суртишга ҳожат йўқ). Хамирли масса қолипга солинади. Масса устига тўғралган олмалар жойлаштириб чиқилади. Очик

жойлари ёнғоқ ва майиз билан тўлдирилади. Олмаларнинг устига шакар (2 ош қошиқ) сепиб чиқилади. Шакарнинг устидан эритилган сариёғ қуйилади.

Духовкада  $180^{\circ}$  С ҳароратда 25-30 дақиқа пишириб олинади. Пирогнинг тайёр бўлганлигини ичига гурурт доначаси ёки тиш ковлагични суқиб билиш мумкин.

Тайёр бўлган пирог исталган ўлчам ва шаклларда кесиб олиб, ликобчаларда дастурхонга тортилади.